

УДК :93/94

И 81

Истиқлол билан
ёнма-ён
2002-2011
Хоразм

2

тўнлам

Улуғбек Исмаилов

УДК: 93/94

И 81

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ


ИСТИҚЛОЛ БИЛАН ЁНМА-ЁН
2002-2011

Хоразм

2

тўплам

УЛУҒБЕК ИСМАИЛОВ



Урганч – 2021 йил

63.3(5Ў)

И 81

Исмаилов Улуғбек

Истиклол билан ёнма-ён [тарихий тўплам] : / У. Исмаилов.-Хива: Хоразм
Маъмун академияси, 2021.-156 б.

КБК 63.3(5Ў)

УДК 93/94

*Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Давлат
мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади.*

*Тузувчи – таниқли матбаачи – ношир
Улуғбек Исмаилов*

Азиз китобхон!

*Ушбу тўпламда истиқлолнинг шонли – шавкатли йиллари
тарихи, шунингдек илдизи беш минг йилликлардан хабар берувчи
заминимиз тарихи, ота-боболар замони ва ҳозирги даврнинг бир-
биридан қизиқарли воқеа, ҳодиса, ҳақиқат, ривоят ва ҳикоятлари
ҳақида сўз юритилади.*

*Мақсад – йўқолиб кетиши эҳтимоли бўлган ноёб тарихий
материалларни оққа кўчириб, умрини узайтириб сизга ва келажак
китобсеварларига тўлалигича етказиши.*

Уни ўқиб бой таассуротларга эга бўлиши сизга насиб этсин.

Масъул муҳаррир:

Машариб Абдуллаев, санъатшунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори

Такризчилар:

Ю.Раҳмонова, т.ф.н., к.и.х.

Р.Абдиримов, т.ф.н.

*Ушбу тўплам Хоразм Маъмун академияси Илмий кенгашида (Баённома
№13, 2020 йил – 30-ноябрь) муҳокама қилинган ва чоп қилишга тавсия
этилган. -*

ISBN 978-9943-6841-8-8

© У. Исмаилов. Истиклол билан ёнма-ён, 2021 й.

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2021 й.



**Биз буюк тарих,
Буюк Давлат,
Буюк маданият яратган халқмиз.**

**Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

СЎЗ БОШИ

ТАРИХГА АЙЛАНГАН ЙИЛЛАР...

Кунлар, ойлар, йиллар ўтаверади. Ҳар бир инсон ҳар бир янги кунни ўзича хотирасига муҳрлайди. Аммо бу шахсий тарих вақт ўтиши билан унутила боради. Орамизда шундай инсонлар бор-ки, улар бу хотираларни, ўтмишни барчамиз, кейинги авлод баҳраманд бўлиши учун асраб-авайлайди. Йиғиб, тўплаб, ёзиб боради ва бу тарихга айланади.

Қўлингиздаги китоб мутахассис тарихчи ёки ижодкор адиб томонидан ёзилмаган. Уни вилоятимизнинг маънавий-маърифий ва ижтимоий юксалишида фаол иштирок қилиб келаётган таниқли матбаачи-ношир Улуғбек Исмаилов тайёрлаган. Унинг муаллифликка ҳам даввоси йўқлигини, камтарлик билан тузувчи деб қўйганида ҳам кўришингиз мумкин.

Мазкур тўпламларни тайёрлашдан, омма эътиборига ҳавола этишдан мақсад - йўқолиб кетиш эҳтимоли бўлган ноёб тарихий материалларни оққа кўчириб, уларни умрини узайтириб, Сизга ва келажак китобсеварларга тўлалигича етказишдан иборат.

Ватанимиз Мустақиллигининг ўтган йиллари жуда мураккаб тарихий давр бўлди. Бу 30 йиллик тарихни ҳар ким ўзича хотирлайди. Расмий адабиётларда ҳам давр талабидан келиб чиқиб ёритилади. Тарихга холис баҳо даврлар ўтиши билан тарихчилар томонидан берилиши бор гап. Китоб ижодкорларининг меҳнатлари эса, даврга турли ракурслардан қараш имконини беради.

Тўпламлар жуда содда таркибда тузилган ва ўқувчи учун қизиқарли маълумотларни ўзида жамлаган. Истиқлолнинг ўтаётган 30 йили муаллиф томонидан 10 йиллик шаклида 3 та тўпламга киритилган. Тўпламларнинг 1-қисмида қисқа йилнома, тарихий воқеалар, шахслар ва шу даврнинг машҳур кишилари, 2-қисмида одоб-ахлоқ ҳақида ривоятлар, 3-қисмида машҳур аёллар ҳақида, 4-қисмида шахмат ва 5-қисмида қизиқ маълумотлар ўрин олган.

Улуғбек билан узоқ йиллар бирга ишлаганмиз. У ҳар ишда пухта интизомли, ўта масъулиятли ва тиришқоқ инсон. Унинг бу

фазилатлари тўпламлар саҳифаларида ҳам шундоққина сезилиб турибди. Китобга ўзига маъқул бўлган ва бошқа ўқувчиларга ҳам маънавий фойда бера оладиган маълумотларни киритган. Хусусан, ҳаётий воқеалар, ота-онаси ўғитлари, изланишлари, ўғиллари тўплаган материаллар (шахмат ҳақида), ўқиш тавсия этиладиган китоблар нашрни савиясини янада оширган.

Тўпламларда рангли суратларнинг берилиши ўқувчини эътиборини тортишга, яқин ўтмишимиз, бугунги кунимиздаги воқеалар, шахсларни эслашимизга, хотирамизда қайта жонлантиришимизга имкон беради.

Хуллас, қўлингиздаги мазкур тўпламларга ортиқча тавсиф беришнинг ҳожати йўқ, қизиқишдан қўлингиздан қўймасдан ўқиб чиқадиган, вақти-вақти билан варақлаб хотирлаб турадиган, зарур маълумотлар учун тез-тез мурожаат қиладиган янги асарлар яратилган.

Улуғбекка мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ишларига ривож тилаб қоламан!

Рустам Султонов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи,
I-даражали меҳнат фахрийси.

**2002-2011 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ
БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ШИОРЛАР:**

2002 йил

Бегона юрт ҳеч қачон Ватан бўла олмайди!

2003 йил

Ватаним – жону таним, жону танимдир Ватаним!

2004 йил

Ўзбекистон озод ва бетакрор диёр!

2005 йил

Мустақиллик тоғдек таянчимиз, қудратли
заминимиздир!

2006 йил

Ўзбекистон биз учун ягона ва буюк Ватан!

2007 йил

Ватан ва халқ манфаатлари муқаддасдир!

2008 йил

Озодлик бор жойда, ободлик бор!

2009 йил

Диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

2010 йил

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

2011 йил

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

БИРИНЧИ ҚИСМ

МУСТАҚИЛЛИК

(давоми)



Маълумки, Хоразм диёри дунё цивилизациясининг энг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Олимларимизнинг хулосаларига кўра миллий давлатчилигимизнинг асоси ҳам дастлаб мана шу ерда яратилган.

Шавкат Мирзиёев

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМДА
МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ
(2002-2011 йиллар)**

2002 йил – “Қарияларни қадрлаш йили”

март – Наврўз умумхалқ байрамининг 10 йиллиги жуда кўтаринки руҳда “Анъаналар этади давом” шиори остида байрам концерти, халқ сайли, кўчқорлар жанги, полвонлар беллашуви, арқон тортиш ва бир қатор бир-биридан кизиқарли дастурлар доирасида нишонланди.

апрель – Питнак – дўстлик шаҳри. 1998 йил 1 майгача “Дружба” шаҳри деб номланган. Шу санадан – Республика Олий Мажлисининг қарори билан Дружба шаҳрининг номи – Питнак шаҳри деб ўзгартирилди. Ўзига хос тарихга эга ва табиий географик муҳитга эга бўлган, унда яшаб келаётган питнакликлар бой маданий ўтмиш билан, хилма-хил урф-одатлари, катта-кичиқ элатлари, заминда кўним топган азиз авлиёлари билан Хоразмда, бутун Ўзбекистонда маълум ва машхур. Питнак шаҳрининг 2002 йил апрель ойида 30 йиллиги кенг нишонланди. Шаҳар Туямўйин гидроузели билан чамбарчас боғлиқдир. Шаҳарда 25 мингдан зиёд 25 миллат вакиллари иноқ яшаб келмоқдалар. Иқтисоди ва саноати ривожланган бу шаҳарда “GM Uzbekistan” Daewoo автомобиль заводи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Хоразм вилояти ҳокими фармойишига асосан Жумабой Ўтамов Урганч шаҳар ҳокими этиб тайинланди. Жумабой ака раҳбарлигида Урганч шаҳар кўчаларига Амударё сувини шаҳардаги канал ва ёплар орқали олиб кириш мақсадида 12 та сув насослари ўрнатилди, шаҳар гулларга бурканди.

апрель-май – менинг ташаббусим билан ва раҳбарлигимда Хоразм вилояти ҳокимлиги матбуот ва ахборот бошқармаси тизимидаги “Хоразм” нашриёти, Отажон Абдалов номидаги вилоят, Гурлан, Хива, Ҳазорасп туман босмахоналари, “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари муассислигидаги газеталар, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалар таъсислигидаги газета ва журналлар Республикада биринчилардан бўлиб компьютерда терилиб, офсет усулида чоп этиш 100 фоиз йўлга қўйилди. “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари Жалололдин Мангуберди логотиби билан чоп этиладиган бўлди.

– Машхур ҳофиз Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевнинг 100 йиллиги нишонланди. Ҳофиз номидаги истироҳат боғи ва музей ишга туширилди, ёдгорлик ҳайкали ўрнатилди.

август – Мустақиллик байрами арафасида Урганч халқаро аэропортининг янги терминали қурилиб, тантанали ишга туширилди.

2003 йил – “Обод маҳалла йили”

май – Урганч “Олимпия захиралари” коллежи тантанали равишда ишга туширилди.

май – “Умид ниҳоллари – 2003” мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақалари финал босқичи Урганч “Олимпия захиралари” коллежида, турлар туманларда ўтказилди. Тантанали очилиш ва ёпилиш, ғолибларни тақдирлаш, “Гала” концерт “Хоразм” марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
“Хоразм вилоятини Жалолиддин Мангуберди ордени билан
мукофотлаш тўғрисида”**

август – Хоразм элининг улуг аجدодларимизга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат анъаналарини муносиб давом эттириб келаётгани, мураккаб табиий шароитларда матонат хусусиятларини намоён этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришаётгани, буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этишда, ёш авлодимизни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Хоразм вилояти Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.Каримов
Тошкент шаҳри, 2003 йил 22 август.

2004 йил – “Меҳр ва мурувват йили”

март – Хоразмда, Ҳазораспда Амударё узра узунлиги 660 метр бўлган темир йўл ва автомобиль кўприги “Наврўз” арафасида тантанали ишга туширилди.

Улкан кўприк қурилишида ишлаган қурувчи, муҳандис, темирйўлчилар, автомобиль йўлчилари барча-барчаси қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва уламолар кўприкка оқ йўл тилаб дуога қўл очдилар. Поезд кўприкдан ўтди, Тошкент-Урганч йўналишида 1000 километрлик йўл – 200 километрга қисқартирилди.

Урганчдан – Ҳазораспгача автомагистрал йўлини 2 томонида улкан ободонлаштириш ишлари бажарилди, манзарали дарахтлар ва гуллар экилди.

29 март – Огоҳлик давр талаби!
Унутилмас мудҳиш воқеалар...

октябрь – машҳур ҳофиз Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон, Туркменистон ва Татаристон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреат Отажон Худойшукуровни 60 йиллик юбилеи вилоятимиз шаҳар ва туманларда кенг нишонланди. Ушбу санага бағишлаб, таниқли санъаткор, Урганч давлат университети “Муסיқа” кафедраси профессори, ҳофизнинг шогирди Самандар Худойберганов “Отажонни оташин кўшиқлари” ўқув қўлланмасини нашрдан

чиқарди, кўлланма “Урганч принт колор” босмахонасида чоп этилди.

2005 йил – “Сихат-саломатлик йили”

Мен – зиммамдаги вазифалардан ташқари 2004-2007 йилларда – “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” – “Экономический вестник Узбекистана” журналининг Хоразм вилоятидаги масъул котиби вазифасида ҳам ишладим.

май – оилавий тадбиркорлик билан шугунланиш мақсадида “Урганч принт колор” масъулияти чекланган жамияти босмахона – матбаа корхонаси ташкил этилди ва ёшларга янги ишчи ўринлари яратилди. Корхонага – фарзандларимни онаси – рафикам Муяссар Мирзаева 8 йил раҳбарлик қилди. Онаси нафақага чиққандан кейин катта кизим Наргиза Исмоилова раҳбар этиб тайинланди.

Асака банк Урганч филиалининг имтиёзли кредити эвазига рангли ва оқ-қора чоп этиш техникалари, хом-ашё сотиб олиб келинди.

Бу вақтда Урганч шаҳрида рангли маҳсулотлар чоп этишга мўлжалланган корхоналар йўқ ҳисоби эди. Иш ташриф қоғозлари, буклет, флаер, турли тадбирлар дастурлари ва таклифномаларини чоп этишдан бошланди. Шу даврдан бошлаб вилоятда ўтказиладиган “Наврўз”, “Мустақиллик”, байрамлари, шунингдек Республика ва вилоят микёсидаги тадбирларнинг тарқатма материаллари “Урганч принт колор” босмахонасида чоп этилиши йўлга қўйилди. Сифатли рангли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилди ва бу анъанага айланди.

Асосийси Мустақиллигимизнинг 15-йиллигига бағишланган вилоят байрам тадбирининг таклифномаси, дастури ва рухсатномалари сифатли қилиб чоп этилди. Бу буюртма корхонани биринчи катта синовдан ўтказди.

12-13 май – Андижон воқеалари...

Бутун эркесвар Ўзбекистон аҳли қалбини ларзага солди.

2006 йил – “Ҳомийлар ва шифокорлар” йили

август – Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган Хоразм вилоятининг 15 йиллик тарихини ўз ичига олган “Хоразм” рангли фото албоми 1000 нусхада уч тилда нашрдан чиқди. Эскиз ва оригинал макет “Урганч принт колор” босмахонасида тайёрланди. Раҳбарият У.Исмаиловни чоп этишга масъул этиб тайинлади.

сентябрь – Урганч шаҳар “Авесто” боғ мажмуаси амфитеатрида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 15 йиллиги кенг жамоатчилик иштирокида тантанали нишонланди.

2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя” йили

январь – 2007 йил “ЮНЕСКО” қарори билан жаҳон бўйлаб “Жалолиддин Румий йили” деб аталди ва дунё мамлакатларида мавлоно таваллудининг 800. – йиллиги байрам қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус мажлиси ана шу санага бағишланди. Ҳали дунё аҳли бирор олиму-алломага бу қадар иззату-эҳтиром кўрсатмаган.

Жаҳон ахборот агентлиги.

февраль – Шарқ нашриёт матбаа акциядорлик жамиятида 5000 нусхада 3 тилда алоҳида ўзбек, рус ва инглиз тилларида рангли “Хива” суратли альбоми нашрдан чиқди.

октябрь – “Хоразм Маъмун академияси” рангли суратли альбоми 3 тилда 2000 нусхада нашрдан чиқди.

ноябрь – Хивада, Ичон-Қалъа, Кўхна Арқда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги халқаро микёсда тантанали нишонланди.

2008 йил – “Ёшлар йили”

февраль – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов фармонида асосан Оллаберганов Оллаберган Хайитбоевич Хоразм вилояти ҳокими этиб тайинланди.

март – Урганч шаҳрида “Ал-Хоразмий” ҳайкали ва марказий хиёбон очилди.

август – шоҳларни ҳам лол қолдирган “Хоразм қовунлари” рангли фото альбоми 3 тилда 1000 нусхада нашрдан чиқди. Эскиз ва оригинал макет “Урганч принт колор” босмаҳонасида тайёрланди. Вилоят раҳбарияти У.Исмаиловни чоп этишга масъул этиб тайинлади.

2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”

январь – 10 январь 2009 йил “Тўмарис авлодлари” маънавий-маърифий, ижтимоий, бадиий газетасининг биринчи сони чоп этилган кун. Газета вилоятимиз аёлларининг органи бўлиб, қисқа вақтда ўз обуначиларига эга бўлди ва севиб ўқиладиган газетага айланди.

Газетанинг бош муҳаррири таниқли ёзувчи, журналист ва шоира Шарқия Эшчановани ва газета таҳририятини 10 ёшга тўлгани билан қутлаймиз.

2010 – йил “Баркамол авлод йили”

март – Хоразм вилояти ҳокими Оллаберган Оллабергановнинг тавсиясига асосан мени Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий Ойна” ижодий уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси этиб тайинлашди.

май – Хоразмда, кўхна ва навқирон Хивада, Ичон қалъада – “Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, бой тарихий меросимиз ҳақида аввало ўз халқимизга, шу билан бирга чет эллик сайёҳларга бебаҳо маънавият ва маърифатимизни намойиш этган “Асрлар садоси” фестивали бўлиб ўтди.” Фестиваль 3 кун давом этди. Унда барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Фестивални мақсади – уни халқаро мақомга эга бўлиши. Марказий Осиё давлатлари ва тарихий бой меросга эга чет эл давлатларини ҳам жалб этишдан иборат.

Фестивални бадий безак ишлари “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси томонидан амалга оширилди. Бу менинг ижодий уюшмага раҳбар бўлгандан буён биринчи тадбирим эди.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг
20 йиллиги барчага муборак бўлсин!**

**2011 – йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
йили”**

Урганчда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 20 йиллиги тантаналари кенг нишонланди.

Биринчи марта Урганчда 14 та катта шоҳ кўчалар ва марказий сахна, “Авесто” боғ мажмуаси байрамона безатилди. Бадий безак ишлари “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси вилоят бўлими томонидан, менинг раҳбарлигимда амалга оширилди. Шундан бошлаб байрамларда ва махсус тадбирларда бадий безак ишлари анъанага айланди. Тадбирлар савияси ҳам ошиб борди.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхона, ташкилотлар тадбир ўтказадиган бўлса, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасига мурожаат этадиган бўлишди.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг
10 йиллиги барчамизга муборак бўлсин !**




2001 йил март Урганч шаҳрида муқаддас “Авесто” китобининг 2700 йиллиги боғ мажмуаси, амфитеатр, ва “Авесто” музейи ишга тушди.



2001 йил июль
Улуғбек Исмаилов-
Хоразм вилояти ҳокимлиги
матбуот ва ахборот бошқармаси
бошлиғи этиб тайинланди.



2001 йил 2-3 август Тошкент.
Мустақилликнинг 10-йиллиги
Хоразм вилоятининг байрам
кўرғазмаси бўлиб ўтди.



2001 йил сентябрь
Ўзбекистон Республикаси
Давлат Мустақиллигининг
10-йиллиги нишонланди.



2002 йил - Наврўз
умумхалқ байрамининг
10-йиллиги нишонланди



2002 йил апрель
Питнак - Дўстлик
шаҳрининг 30-йиллиги
нишонланди.



2002 йил
Жумабой Ўтамов
Урганч шаҳар ҳокими
этиб тайинланди

Ўзбекистон - улкан имкониятлар мамлакати



Хоразм вилояти
“Жалоладдин Мангуберди”
ордени билан мукофотлансин
Ўзбекистон Республикаси биринчи
Президенти И. Каримов
Тошкент, 2003 йил 22 август.



2003 йил - Урганч “Олимпиа”
захиралари” коллежи
ишга туширилди.



“Умид ниҳоллари - 2003”
Республика спорт
мусобақалари Урганчда
ўтказилди.

Ўзбекистонни бунёдкорлик жаҳонга танитмоқда !



1990 й.



Хива



2002 й.



2020 й.



Урганч



2020 й.

Урганч халқаро Аэрапорти кеча ва бугун



2004 йил - Ўзбекистон,
Қорақалпоғистон, Туркменистон
ва Татарстон халқ артисти,
Давлат мукофоти лауреати, машхур
хофиз Отажон Худойшукуровнинг
60-йиллик юбилейи нишонланди.



2004 йил
Хоразмда, Ҳазораспда Амударё
узра узунлиги 660 метр бўлган
темир йўл ва автомобил кўприги
тантанали ишга туширилди.



2004 йил ноябрь
Рахимов Ботир Хударганович-
Хоразм вилояти хокимининг
биринчи ўринбосари
этиб тайинланди



2005 йил 16 май
“Урганч Принт Колор”
мчж онлайв корхонаси
ташкил топган кун.




2005 йил май
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ Урганч филиали ўз
фаолиятини бошлади



2006 йил
Мустақилликнинг 15-йиллигига
бағишланган “Хоразм” рангли
альбом-китоби 1000 нусхада,
3 тилда нашрдан чиқди.



2007 йил
“Юнеско” қарори билан жаҳон
бўйлаб “Жалолиддин Румий”
йили деб аталди ва дунё
мамлакатларида мавлонинг
800 йиллиги байрам қилинди.



2007 йил -Шарқ нашриёт матбаа
— акциядорлик жамиятида 5000 нусхада,
3 тилда “Хива” рангли альбом-китоби
нашрдан чиқди.

Хоразм Маъмун Академиясининг
1000 йиллиги - улуғ аждодларга эхтиром.



2007 йил
Хоразм Маъмун
Академиясининг
1000 йиллиги нишонланди.



2008 йил
Шоҳларни ҳам лол қолдирган
“Хоразм қовунлари” рангли
альбом-китоби 1000 нусхада,
3 тилда нашрдан чиқди.

Ёзувчи, адиб Шавкат Раззоқов асарларидан намуналар.



2008 йил
Оллаберганов Оллаберган
Хайитбоевич - Хоразм вилояти
хокими этиб тайинланди.



2008 йил
Урганч шаҳрида
“Ал-Хоразмий” хайкали ва
марказий хиёбон ишга тушди.



2009 йил
“Тўмарис авлодлари”
газетасининг 10-йиллиги
нишонланди.



Таникли ёзувчи, шоира ва журналист
Шарқия Эшжоновна




2010 йил - “Асрлар Садоси” Хоразм-2010 фестивали
Хивада бўлиб ўтди.




2010 йил 10-июнь
Улуғбек Исмаилов-
“Тасвирий Ойна” ижодий
уюшмасининг Хоразм вилояти
бўлими бошқаруви раиси
этиб тайинланди.



2011 йил
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат Мустақиллигининг
20-йиллиги тантанали
нишонланди.



Ўзбекистон келажаги буюк давлат!



Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ва Ўзбекистоннинг шон-шухрати хақида китоб-альбомлар, рисоалар.



Марказий нашриётларда chop этилган мустақилликка бағишланган китоб ва китоб-альбомлар.

II - Ренессанс даври
XIV- XV - асрлар
Темур ва Темурийлар давлати

Хондамир, Юсуф Хамадоний, Абдухолик Гиждувоний, Сайид Хамадоний, Сўфи Оллоёр, Порсо, Чархий, Махдуми Аъзам, Хожа Ахрор Валий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Қосимий, Лутфий, Захриддин Мухаммад Бобур, Комолиддин Бехзод - маънавият, тасаввуф, мусаввирлик, наққошлик санъатининг мохир усталари жаҳон айвонида пайдо бўлди.

Буюк сиймолар



Жалолоддин Мангуберди
1199-1231



Пахлавон Махмуд
1247-1326



Мухаммад Ризо Огахий
1809-1874



Мухаммад Рахимхон II - Феруз
1844-1910

Устозларга эҳтиром !



Мадийр Худайберганов



Хударган Рахимов



Маркс Жуманиёзов



Рустам Султонов



Эркин Матсапиев



Ботир Рахимов



Бахтияр Менглиев




Болтабой Курёзов



Шавкат Раззақов

Буюк ва муқаддасан, мустикал Ватан!



Истиклол йилларида “Хоразм” нашриёти ва турли нашриётларда чоп этилган китоблар.

Дўстларга хурмат !



Синфдош дўстим
Хакимов Илхом
Обидович



Ота дўстим
Оллаберганов Абдулла
Бекбергенович



Ота дўстим
Отажонов Кадамбой
Норметович

Олийгоҳдаги дўстларим



Отамуротов Шавкат
Кўпалович



Собиров Комилжон
Курёзович

30 йиллик сафдош дўстларим



Жуманиёзов Комилжон
Абдулласвич



Бобожонов Султонназир
Кодирович



Ўразов Пўлат Эркаевич



Ибрагимов
Давронбек
Бакиевич



Бобожонов
Нурмухаммад
Юсупович



Давлатов Ботир
Комилжонович



Нур Ахмад
Хожибой ўғли

Шогирдларга эътибор !



Санжар Девонв
Афгон уруши қатнашчиси,
вилоят ҳокимлиги мутахасиси,
қасб-хунар коллежи ва мактаб
директори лавозимларида ишлаб келмоқда.



Вахобжон Фаёзов
тажрибали реклама устаси
“В.Фаёзов” хусусий
реклама корхонаси раҳбари.



Бобур Исмоилов
“Урганч Принт Колор”
хусусий корхонаси
директори таниқли
мағбаачи - ношир.



Маткарим Рахимов
ёш таниқли рекламачи
“Reklama Master” хусусий
реклама корхонаси директори.



Санжар Мамутов
компьютер графика дизайн устаси
“Shox Dizayn” оилавий
корхонаси бош дизайнери
2017 йил “Энг улуғ - энг азиз”
Республика танлови гран-при соҳиби.



Абу Жаъфар Исламов
“Парвоз Реклама” маркази
директори

Машхур кишилар




Эркин Самандаров
улуғ адиб, таниқли ёзувчи,
шор, журналист, драматург.
1935 йил



Ўзбекистон халқ артисти
Ортиқ Отажонов
1947-2019

Китобга хайкал ўрнатган мамлакатлар



Очиқ китобга ёдгорлик
Санкт-Петербург
Россия



Китобга ёдгорлик
Камар шаҳри
Туркия



Амелия мемориали
Огайо штати
АҚШ



“Авесто”
китоби монументи
Ўзбекистон
Урганч шаҳри

Ўзбекистон - ойдин истикбол йўлида!



Сайёҳлар учун тарихий қалъалар харитаси ва қадимий аёллар тақинчоқлари откритка ва буклетлар тўплами “Urganch Print Color” хусусий босмаҳонасида чоп этилган

Устозларга эҳтиром!

Мен билган, таниган ва бирга ишлаган нафақат Ўзбекистонда балки Марказий Осиё ва Ҳамдўстлик давлатларида ҳам машхур бўлган устоз хоразмликлар:

Мадёр Худойберганов – 1969-1987 йилларда Хоразм вилоятини биринчи раҳбари, II-Жаҳон уруши қатнашчиси, давлат арбоби. Уруш йилларидаги жасорати ва кейин тинчлик йилларидаги меҳнатларини кадрлаб ҳукумат кўпгина орден ва медаллар билан тақдирлаган. Эл-юрт хурматига сазовор эдилар. Мен ёш мутахассис сифатида у кишининг суҳбатида бўлганман. Яхши бадий асарлар ўқишни ва китобни севган. Шу билан бирга “Синовларда кечган умр” ва “Эгилган ҳақиқат – сўнмаган умид” ва “Ҳаёт давом этади” китобларининг муаллифи.

Хударган Раҳимов – уруш ва меҳнат фахрийси.

1948-1974 йилларда – Ҳазорасп, Гурлан, Хива ва яна Гурлан туман партия кўмитаси биринчи раҳбари лавозимида ва қатор корхоналарда раҳбарлик қилган. Ҳукумат орден ва медаллари соҳиби, жамоат арбоби, эл-юрт хурматини қозонган инсон. Хударган ота Урганч шаҳар уруш фахрийлари кенгаши раиси, мен шаҳар комсомол комитети котиби, бирга ватанпарварлик йўналишида, у киши раҳбарлигида ёшлар учун тадбирлар ўтказганмиз. Ота-бола бўлиб ишлаганмиз. 1988 йилда раҳбариятни топшириғига биноан армиянинг 70 йиллиги юбилей медали ва қимматбаҳо совғани топшириш ва у кишининг оқ фотиҳасини олиш менга насиб этган. 2000 йилда у кишини 80 йиллиги фарзандлари, дўст-биродарлари ва шогирдлари иштирокида нишонланди. Хударган ота ҳақида II-Жаҳон

TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
ATA HAQIDA II-JAHON
AXBORO' RESURS MARKAZI
"12" 04 2024yil
INV 10518

уруши қатнашчилари” 2 томдан иборат “Хоразм” ва “Эъзоз” китобларида ёзилган.

Маркс Жуманиёзов – 1992-1996 йилларда Хоразм вилояти ҳокими, 1996-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири. Биз хоразмликларнинг хурматли устози, давлат арбоби, ҳукуматнинг орден ва медаллари, юксак мукофотлари соҳиби. Шунингдек, “Эсимда қолган онлар” китобининг муаллифи. Ҳамкасблари ва шогирдларидан яқин арафада қайси муаллифни қайси романи ёки қиссасини ўқиганини сўраш билан бирга янги қизиқарли китобларни ўқишни ҳам тавсия қилиб турардилар.

Рустам Султонов – 1980-1985 йилларда Урганч шаҳар ижроия комитети раиси, 1986-1989 йилларда Урганч шаҳар партия комитети биринчи котиби, 1992-1997 йилларда Урганч шаҳар ҳокими, давлат арбоби, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган курувчи”, қатор орден ва медаллар соҳиби, оқ фотиҳа берган устозим. Ёшлигидан эл назарига тушган инсон. Урганч шаҳрининг фахри. Устоз 1988 йилда давлат арбоби сифатида совет иттифоқи номидан Норвегия мамлакатига давлатлараро иктисодий, ижтимоий-гуманитар алоқалар бўйича шартномаларни имзолашга бағишланган форумда қатнашган ва делегация раҳбари сифатида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган шартномаларни имзолаган. Анжумандан кейин Европада энг йирик ҳисобланган Норвегия атом электростанциясига ташриф буюришган. 1992 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгач Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида Туркия мамлакатига

ишчи сафарини амалга оширган. Туркияни “Кония” шаҳар ҳокими ва Урганч шаҳар ҳокими ўртасида биродар шаҳарлар, дўстлик, ҳамкорлик битимини имзолашади. Сафар чоғида Хоразмнинг буюк фарзанди Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари мақбарасини зиёрат қилишади. 1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти шахсан Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг буюруғи асосида давлат қурилиши, кичик ва ўрта бизнесни ўрганиш мақсадида Франция пойтахти Парижга ташриф буюради. 8 кунлик ташриф доирасида саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва автосаноат корхоналарида бўлиб, уларни иш жараёнларини ўрганади. Сафарни охириги куни “Режо” автозаводига ташриф уюштирилади.

Нутқ маданияти ва нотикликни устоздан ўрганса арзийди. Мени эл-у юртга танилишим, кейинги ҳаёт ва меҳнат фаолиятимни шаклланишини Рустам Султоновичнинг қўллаб-қувватлашлари, эътибори, қимматли маслаҳатлари ва кўмагидан деб биламан. Устоз ҳақида Д.Ражабовнинг “Кўш эл фарзандиман” асарида, Ш.Эшчанованинг “Эъзоз” китобида ва кўпгина нашрларда кўп ва хўб битиклар ёзилган.

Рустам Султонов мен учун отам каби азиз инсон.

Эркин ҳожи Матсапаев – Ўзбекистон Республикаси матлубот савдо фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими.

Умр бўйи бир тизимда ишлаб нафақага чиққан. Ҳозирда “Хоразм Сарбон” масъулияти чекланган жамиятига раислик қилиб келмоқда. Эркин ака раҳбарликда, муомалада, кўча одобида, дўстликда, хайру-эхсонда, айниқса гулзорлар яратишда элда катта-ю кичикка намуна тимсолидир, эл

хурматига сазовор, жамоат арбоби. У ҳақда “Умр дафтари варақлари” рисоласи нашрдан чиққан. Эркин акадан ҳаётда кўп нарса ўрганганман, у киши отадек дўстдир.

Ботир Раҳимов – 1992-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими, 1999-2000 йилларда Хоразм вилояти ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, мен котибият бошлиғи бўлиб бирга ишладик. Ботир Хударганович раҳбарлигида биз билан бирга бир жамоа бўлиб ишлаганлар:

Пўлат Ўрозов

Аҳмаджон Рўзметов (марҳум)

Санжар Диванов

Нур Аҳмад Ҳожибой ўғли

Шавкат Яхшибоев

Жамоамиз ўтказган тадбирлар:

Жалолиддин Мангуберди ҳайкали, бог мажмуаси ва фаввораларнинг очилиши;

Буюк саркарда ва давлат арбоби Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги тантаналари;

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг 190 йиллиги;

Маишхур ҳофиз Ҳожиҳон Болтаевнинг 95 йиллиги;

Буюк алломалар Муҳаммад ал-Хоразмий ва Абу Райҳон

Беруний музей мажмуаларининг очилиши;

Болалар “Аква парки”нинг очилиши.

Республика мусиқа ва санъат коллежлари талабалари фестивали;

Президент сайлови;

“Наврўз” умумхалқ байрами тадбирлари;

Олийгоҳларга кириш имтиҳонларини биринчи марта масофавий тизими Республика “Тест” маркази билан ҳамкорликда Ботир Хударгановичнинг ташаббуси билан Урганч шаҳридаги ҳарбий мактаб-интернат базасида ташкил этилди ва синовдан ўтказилди.

2000 йилда Ботир Раҳимов Ҳазорасп тумани ҳокими этиб янги ишга тайинланди, мен у кишининг тавсияси билан Президент Академиясига ўқишга кирдим.

Ботир Хударганович раҳбарлигида, Ҳазораспда:

2002 йил – Питнак-Дўстлик шаҳрининг 30 йиллиги нишонланди;

2004 йил Амударё узра узунлиги 660 метр бўлган темирйўл ва автомобил кўприги ишга туширилди;

Педагогика касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Ҳазорасп марказий ўйингоҳи ишга тушди;

Ҳазорасп буюм бозори навильонлари қурилди;

Туманда истироҳат боғи барпо этилди;

Ташиқи реклама билбордлари ўрнатилди;

Болалар спортини ривожлантириш йўналишида спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2004-2007 йилларда Ботир Хударганович Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари. Ҳозирда “Тўполонхолдинг” компанияси Хоразм минтақавий бўлими бошлиғи, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби, фан номзоди, оқ фотиҳа берган устозим. Талабчанлик, тартиб-интизом, масъулиятлилиқ у кишига хос фазилатлардир.

Бахтиёр Менглиев – 1988-1992 йилларда Урганч шаҳар, Хоразм вилоят комсомол, партия кўмиталарида йўриқчи, бўлим бошлиғи, биринчи котиб лавозимларида ишлаган.

1992-2003 йилларда “АБАК” хусусий корхонаси директори, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси ўринбосари, кейинчалик раис.

Ҳозирда “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати” Ўзбекистон Либерал Демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Бахтиёр Мухтарович 1988-1992 йилларда Хоразм вилоят комсомол кўмитаси биринчи котиби, мен спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари бўлими бошлиғи бўлиб бирга ишлаганмиз. У кишини тавсияси билан мени Урганч шаҳар партия кўмитасига ишга қабул қилишган. Бир-биримизни кейинги йиллардаги қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлигимиз натижаси устоз-шогирдлик даражасига етди. Мен устоздан камтарликни, ғамхўрликни, талабчанликни, дўстга эътиборни ўрганганман.

Мен бу олийжаноб инсонни устозим деб биламан.

Болтабой Курёзов – меҳнат фаолиятини 1976 йили Туямуён гидроузелида бошлаган.

1983 йил вилоят комсомол ташкилоти, сектор мудир, студент қурилиш отрядлари бўлими бошлиғи;

1987-1991 йилларда Урганч шаҳар ва вилоят партия ташкилотларида инструктор;

1992 йил “Хоразм-Подольск” кўшма корхонаси бош директори;

1999 йил II-чакирик халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, вилоят тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси раиси;

2000 йилдан “Ҳазорасп кийим-кечак бозори” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.

“Фидокорона меҳнати учун” медали ва мустақилликни 10 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

Болтабой Курёзов – вилоят, мен шаҳар ва кейинчалик вилоят комсомол ёшлар ташкилотида бир вақтда бирга ишлаганмиз. Қарийб 35 йилдан бери, дўст, елкадош ака-ука бўлиб ҳурматлашиб келмоқдамиз. Оилавий дўстмиз. Раҳбарликни қайси лавозимида ишламасин шу ерда янгиликлар, ёшлар, айниқса хотин-қизлар учун ишчи ўринлари яратиб тикув ва тўқув ишлаб чиқариш цехларини очган.

Болтабой Қодирович вилоят иқтисодини ўсишига ўз ҳиссасини кўшиб келаётган бугунги кун талабидаги тажрибали, тадбиркор раҳбар. У киши ёш тадбиркор раҳбарлар учун намуна тимсолидир. Болтабой оғанинг шогирдлари кўп, мен учун устоз, дўст, оға...

Шавкат Машарипович Раззоқов – билан 1986 йилдан буён танишмиз. У киши вилоят ёшлар иттифоқида, мен шаҳар ёшлар иттифоқида, кейинчалик Урганч шаҳар партия комитетида мустақилликгача бирга ишлаганмиз.

Мустақилликдан кейин мен Урганч шаҳар ҳокимлигида, Шавкат Машарипович Хива тумани ҳокими ўринбосари, вилоят ҳокимлиги бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Либерал Демократик партияси Хоразм вилоят ҳамда ЎзLiDEP

марказий кенгашларида бўлим мудирлари лавозимларида ишлаб пенсияга чиққан.

Шавкат оға қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар, ҳамиша теварак-атрофдагиларга ўрнак бўлган.

Истиқлол йилларида қизгин ижод билан шуғулланиб келмоқда:

“Раҳбарлик санъати” (1995 йил), “Тақдирнома” (1997 йил), “Башорат ва тақдир” (1999 йил), “Омад зинапоялари” (2003 йил), “Кўнгилнинг пинҳона кўчалари” (2006 йил), “Тентакнинг ҳаёт тажрибаси” (2008 йил рус тилига таржимаси), “Оила” (2010 йил), “Ўзликни англаш завқи” (2014 йил), “Икки ярим – бир бутун” (2018 йил) асосан инсон ва оила психологияси мавзуларида ёзилган китобларнинг муаллифидир.

Ҳозирда ўзбек адабий муҳитида элга ёзувчи, адиб бўлиб танилди. У киши мен учун устоз азиз инсондир. Китобларини халқ севиб мутолаа қилмоқда. Мен ҳам китобларини мароқ билан ўқиганман ва ижодига ривож тилайман.

;;;

Ўтмишда Ватанга садоқат, Ватан ҳимояси...

ЖАЛОЛИДДИН ВА ОЙТЎЛИН

(Ҳилот қалъасидаги жанг)

Қамал қилинган Ҳилот қалъасидан чиққан икки чопар – суворий тун ярмида юлдузларни мўлжалга олиб, Кўк Ёйиқ даштида боргоҳ тузган Султон Жалололидин Мангуберди лашкари томон югурди. Минг афсус, улар йўлда мўғуллар кўлига тушиб, ҳалок бўлдилар. Чопарлар қалъа ҳокими Низом ал-Мулк номасини куйдириб, йўқ қилишга улгурдилар. Иккинчи бор йўлга тушган чопарлар қалъанинг кунчиқар томонидан ўтиб, эсон-омон лашкарга етиб келиб, махфий номани саркардага шахсан топшириб, бир ҳафтадан буён кетаётган беомон жанг тафсилотларини султонга айтиб бердилар. Туронзаминга мўр-малахдек ёпирилган ярим ёввойи мўғул-татар кўшини Ҳилот қалъасини ҳам ўраб олган эди. Чингизхон ўғли Угедейхоннинг каллакесар тўдаларига Шики Хутуху нўён билан ўғли Бугуржи бошчилик қиларди. Султон Жалололидин кечаю кундуз далама-дала от чоптириб келган чопарларни чодирга олиб кириб, ҳордиқ олишларини айтди. Мамлакат микёсидаги муҳим бу қалъа кўлдан кетса, мўғуллар Хуросонга ўтиб кетишлари аниқ, билъақ Туронзамин батамом оёқости бўлади, деб ўйлади Жалололидин. Унинг ёнидаги укаси – Қутбиддин Ўзлокшоҳ ҳам оға фикрини тасдиқлади. Тонг отарга кўшинни йўлга тайёрлаш, айна вақтда олтмишта мамлуклар ўзи билан бирга олдинда юришини, ундан сўнг лашкар икки қанотга бўлиниб, йўл-йўлакай ҳужумга тайёр бўлишини буюрди. Ҳилот ҳам Ўтрору Хўжанд, Хурандез ва Наеса қалъаларидек ўт ичида қолганини кўз олдига келтирди.

Султон Жалолиддин Мангуберди бундан уч йилча аввал отаси Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ амри билан Ҳилот қалъасига бориб, бир ой мобайнида қўшинни ислоҳ этиб, тартибга солган эди. Гурганжга қайтиб келгач, Ҳилотнинг заковатли ҳокими Низом ал-Мулк жаноблари ҳақида подшоҳга яхши сўзлар айтган. Ҳоким ўз синглиси Ойтўлинни Миср шахзодасига унаштириш арафасида, Нилу муборак ёқасидаги мамлакатлар билан Туронзамин алоқаларини яхшилаш хусусида Ҳазрати Олийларининг фармойишлари борлигини асло унутмаслигини ҳам маълум этди. Булар бари унинг хаёлидан ўтди: Хутуху нўён ваҳшийлари Ҳилот бўстонини култепага айлантиражаги, Низом ал-Мулк, сардор Шаҳобиддин Муаййид лашкари қанчалик кучли бўлмасин, қалъа қўрғонларига тирмашиб, ўлганига ҳам қарамайдиган яъжуж-маъжужларга дош беролмаслигини пайқади. Шу сабабли ҳам унга чопар юборганлар. Китоботу саҳобларнинг кўплиги, чилангару мисгар усталари, гилам тўқиш санъати, обод бозорлари билан машҳур Ҳилот ўт ичида ёнаётгандай кўринди. Шу аснода султон хаёлига Хўжанд ҳокими Темур Малик ҳам келди, агар у зот ҳозир ўз ёнида бўлганида бағри бутун бўлармиди!

Унга ҳозир Хоразмий мамлуқлар ғоятда зарур! Хунрез Хутуху нўённинг патини тўзйтишга қодир эканини ҳам ўйлаб, Тангрига шукроналар қилди.

Тонг ғира-ширасида Кўк Ёйиқ дарасидаги боргоҳ шошилинич йиғилиб, Жалолиддин ўз қўшинини Ҳилот қалъаси томон сурди. Ўнг қанотда, суворий мамлуқлар орасида саркарданинг ўзи келарди, тагида така-ёвмит наслидан бўлган “Қўнғир қарчиғай” ўзининг жанг сари

кетаётганини пайқарди. Чапда, асосий қўшин ичида укаси, шахзода Ўзлокшоҳ виқор билан борарди. Бир кечаю бир кундуз йўл юрган қўшин қалъа яқинидаги кенгликка етди. Бундаги тепалик уларга қулай келиб, шу ерда отдан тушдилар. Тўрт томонга айғоқчилар йўлланиб, мўғулларнинг диққати қалъада бўлиб туриши учун чопарлар пинҳоний йўл билан қалъага кириб кетдилар.

Қалъа дарвозасини бузишни мўлжаллаб ходалар, оташли тошларни қўрғон устидан отмоқ учун манжаниқларни ҳозирлашарди. Шу аснода Жалолиддин хаёлига Синд дарёси бўйида Чингизхон билан боякбор жангга тушгани келди, Оллохнинг марҳамати ила унинг лашкарлари мўғулларни иккига ёриб пароканда этган эди. Аммо “бу муҳорабада султоннинг етти ёшли ўғли мўғуллар кўлига тушиб қолиб, Чингизхон кўз олдида сўйиб ташлангани нақадар ваҳшийлик бўлган эди. Чингизийлар аксар болаларни ўлдирардилар.” Эй, Тангрим, йиртқишларга ўзинг жазо бергил. Асир олинган малика Ойчечак, саркарданинг рафиқаси ва бошқа хизматкор аёлларнинг оёқ-қўллари боғланиб, ноласи эшитилиб кетди — “Бизларни қутқаринглар ёки ўлдиринглар!” деган ниҳо султон бағрини эзган эди. Баъда султон бу азобга чидолмай, мўғуллар орасига ёриб кириб, аларни кемага солдилар ва ноилож кемани чўктириб юборишга буюрдилар. Бу фавқулудда келган бир бахтсизлик эрди. Оллохнинг иродасига бўйсундик, аларнинг жойини жаннатдан ато этсун...”.

Қўшин жангга тайёрлангач, Жалолиддин барча лашкарбошиларни ўз ёнига чорлаб, ўнг ва чап қанотдан қутилмаганда хужум бошламоқни, ўзи олдинда, мамлуқлар орасида боришни маълум қилиб, ногаҳоний ва беаёв чопқин

бошлашга фармон берди. Тонготарда далада югурган беадад отларнинг дукур-дукури заминни ларзага солди. Саросимада қолган мўғуллар қалъа томон тикилиб, бўйниларига тушаётган ногаҳоний қиличлардан огоҳ бўлолмай саросимада довдираб қолдилар. Рўбарў келганни ҳам, қочганни ҳам, отга минаётганни ҳам чопиб ташлайвердилар. Жангни мамлуклар бошлади, орқадан етиб келган тийрандозлар, найзбардорлар, гурзи кўтарганлар ҳам мўғул йиртқишларини савашга кириб, жанг авжга минди. Қалъа дарбозалари ҳам очилиб, ҳоким Низом ал-Мулк навкарлари “Ё, ҳазрати Але-е-е!” деб хужумга ўтдилар.

Қош қорайишга бориб жанг тугади. Мўғуллар ўлиги кенг далага сочилиб ётарди. Тирик тутилган икки нўённинг қўллари боғланиб, қалъа ичига олиб кирилди. Қолганлари асир олиниб, сиртда қолди.

Кўнғир қарчиғай устида виқор билан келаётган Жалолиддин дарбоза ёнида отдан тушди. Унинг ўнг қоши тепасига тиг тегиб, қон юзларига оқиб тушган эди. Сарбозлардан бири дарҳол ички оқ белбоғини ечиб олиб, саркарданинг пешонасини отдан тушмасданок боғлаб қўйди. Дарбоза ёнида, султонга пешвоз чиққан Кадий имом Жаъфар ал-Мансур ҳазратлари ҳамда Низом ал-Мулкнинг хонадони – бир неча аёллар ҳам бор эди. улар ичида юзини очиб, халоскоримиз, деб саркарданинг ғалабасидан беҳад шод турган, гўзал Ойтўлин бека ҳам турарди. От устидаги саркардага салом ишорасини қилиб, ўнг қўлини дамодам баланд кўтарар, дунёга келиб бундай шодликни биринчи бор кўргандай эди.

Эртасига Низом ал-Мулк зиёфат бериб, султонга алоҳида заррин тўн кийгазди. Ўзлокшоҳга ҳам, жасорат

кўрсатган саркардаю сарбозу навкарларга ҳам, айниқса, баҳодир мамлукларга тилло динорлар улашди. Қанчалар совғалар берди. Ўлжаю хазинадан кўп қимматбаҳо буюмларни баҳодирларга совға этди.

Жалолиддин Чингизхонга элчи йўллаб, Туронзаминдан чиқиб кетмас экан, гаровга ушланган Бугуржи билан Хутуху нўённи қатл этишларини маълум этди. Бу таклиф кейинчалик оқибатсиз қолди...

Зиёфатдан сўнг, Жалолиддин ўз ҳамроҳлари билан қасрнинг энг ҳашаматли хоналарига жойлашиб, дам олдилар. Бир қадар кайфи ошиб, ўз хобхонасида ётган султон Жалолиддин чухрага – ўзининг фидойи хизматкорига буюрди: “Ҳоким ҳазратларига бориб айтгил, менинг тўшагимга бир канизак юборсинлар”.

Чухра бу сўзни ҳоким ҳазратларига етказди. Ҳоким деди: Менинг канизакларим йўқ (бу гапни хона ичидаги рафиқаси билан синглиси Ойтўлин эшитиб турардилар), аммо Чарос отлик чўри қиз бор, уни йўлласам бўлғаймикан? (Чухра елка қисди). Сен борабер, деди ҳоким. “Султон ҳазратлари хотунларга катта иззат-икром кўрсатур эрдилар. Аммо баъзида одобдин чиқиб, хотунбозлик қилурдилар... Оллоҳ ўзи унинг гуноҳларини кечирсун...”

Чухра чиқиб кетгач, қалъа ҳокими ўз рафиқаси билан ярим овозда, шивирлашиб гаплашди: “Чўри қиз Чаросга тезда яхши либослар кийдириб, ясантириб, султон хизматига боришини тайинла!” лекин Чарос ўзини тартибга солиб, янги либослар кияётганида шаддод Ойтўлин бека унинг йўлини тўсди: “Сен бормайсен! Шу ерда ўтир!” деди. Чўри қизнинг хаёлига хизмат қилмоқ, саркарданинг этигини тозаламоқ, хўрак олиб бормоқ... каби ишлар келган эди.

Чўри Ойтўлиннинг буйруғига итоат этиб, жим турди. Ойтўлин ичкари хонага кириб, тезда безаниб, Мисрдан келтирилган мушки-анбарлардан суриб, ниманидир кўтариб, қора чодрада ташқарига чиқди. Нималарнидир кеннойисига шивирлади. Кеннойининг эътирозига қарамай кескин жавоб қилди. Ўз сўзли гўзал беканинг гапини икки қилмаслик ҳаммага маълум: “Ҳилотда қутилмаган ҳолат пайдо бўлди, энажон, мен ҳазратни азалдан ёқтирардим... менинг айтганимни қилинг! Ортимдан имом ҳазратларини юборинг... Вассалом! Мисрга бормаймен! Мен султонни севаман!..”

Онаизор ҳамма гапга тушунди. “Бу ишдан ҳоким ҳазратлари ҳам огоҳ бўлдилар. “Агар синглим Ойтўлиннинг нияти шундоқ бўлса, на илож”, деди ҳоким ҳазратлари елка қисиб. Чодрага ўралган кимса ярим кечада қалъа ҳовлисини кесиб ўтиб, Султон Жалолиддин хонасига кирди. Сўнгра унга яқин келиб, юзини очди. Бир неча шамлар нурида рўпарада турган одамнинг кимлиги саркардага дарҳол маълум бўлди:

– Ия! Бекам, нечун бунда келдингиз?

– Бу қутилмаган учрашувдан султоннинг юраги орзиқди. Ойтўлин севиш, севилишни ёқтирадиган, ўзига биноси кучли, Мисрга кетишни ўйлаган қиз эканини биларди.

– Ҳазрат, сиз канизак сўрабсиз... Мана ман канизакмен!

– Хижолат қилманг! Мен сўзимдан қайтдим! Манга канизак даркор эмас!

– Ҳазрат, сиз илгари Ҳилотга келганингизда, мен ёш эрдим, сизни кўриб, юрагимга учкун тушган эрди... мусибатли кунларда сиз ҳазрати олийлари ватандошлик

амри ила яна келдингиз. Мен сизга бир канизак ёки чўри бўлолмасам, бу қандай бахтсизлик бўлғай...

– Алҳазар! Бекам, сиз жуда ёшсиз, соҳибжамолсиз, қадрдонимнинг синглисиз. Катта тўйлар ҳали олдинда... Мен канизак сўраб хато қилдим. Тангрим кечирсин гуноҳимни! Орқангизга қайтинг! Ҳозироқ қайтинг!!!

– Қайтиш йўқ, ҳазрат! Сиз ҳеч қачон орқага қайтмагансиз, мен ҳам қайтмаймен!!!

– Ярадормен... Мен мастмен... Мен гуноҳкормен...

– Жароҳатингизни боғлаймен, кўлимда малҳам бор... Сиз, халоскоримизсиз.

– Бунчалик хижолат қилманг, бекам, фармон этамен! Юзингизни беркитиб, оғангиз ёнига қайтинг!

– Бу масала ҳал бўлган! Мени Миср шахзодасига унаштирмоқчи бўлдилар. Мен буни истамаймен! Мен, халоскоримни, саркардамнинг чўриси бўлмоқни истаймен! Менинг ортимдан бу хонага хатиб-имом ҳазратлари келдилар. Нариги хонадалар. У зотни таклиф этишга журъат этдим. Оғамнинг, онамнинг хабарлари бор. Сиз, олий ҳазратнинг уқангиз, сардорларингиз гувоҳлигида никоҳ ўқилади! Вассалом!

Мавлоно Шаҳобиддин ан-Насавий мозийдан хабар беришларича, шу кеча никоҳ ўқилди. Данғиллама хонада пайдо бўлган арбоблар тарқалишди. Ойтўлин бека ўз ниятига етиб, жавзаи ҳалоли Султон Жалолиддин тўшаги ёнида унинг ўнг манглайидаги жароҳатга малҳам сурди, атру ифор ила артиб, оқ дока билан боғлаб қўйди. Ундан сўнгра кучли билаклар нозанин қизни кучиб, бағрига тортди. Қайта-қайта ўпичлар гул-ғунча дудокларни яшнатди. Фоний дунё даҳшатлари бир лаҳза бўлса ҳам унутилди...

Султон Жалолиддин Мангуберди ўз кўшини билан Ҳилот қалъасида икки ҳафта турди. Кўшинни кўздан кечириб, янги мамлуқлар тузди. Сўнгра, Низом ал-Мулк хазратлари, хотини Ойтўлин бека билан хайр-хўшлашиб, яна Кўк Ёйиқ дашти орқали Бағдодга йўл олди. Кўлдан кетган Хўжанднинг ҳокими Темур Малик бунда келажагини, у билан ва бошқа саркардалар билан Мовароуннаҳр ва Хуросондан мўғул-татар боскинчиларини хайдаб чиқармоқлик режаларини тузиш ниятини айтди. Султон Жалолиддинни Ҳилотдан тантанавор кузатдилар.

Гўзал Ойтўлин бекам хомиладор бўлган эди. Тўққиз ой, тўққиз куну тўққиз соатдан сўнг бекам ўғил туғди. Унга бува – Низом ал-Мулк Қаймокоршоҳ исмини кўйди. Чақалок Жалолиддиннинг ўзгинаси, унинг ҳам бурни ёнида холи бор эди. Аммо, минг афсус, уч йилдан сўнг яна Ҳилот қалъасига хужум бошлаган мўғул-татарлар уни батамом вайрон этиб, уч яшар ширин Қаймокорни Чингизхон буйруғича унинг кўз олдида ханжар билан чавақлаб, ўлдирдилар. Низом ал-Мулк ва бошқа арбоблар ҳам қатл этилди. Бу, Ҳутуху нўён ва Бугуржихон учун олинган ўч экан.

Фожиалар асносида қалъа ичида сарбоз либосини кийиб, отга миниб, тўғри келган мўғулга қилич уриб, дарбоза томон югуриб, ташқарига чиқиб, устма-уст отга қамчи босиб, Ойтўлин бека кушдек учиб кетди. Унга ҳеч кимса етиб бориб, ушлолмади. У Султон Жалолиддинни излаб Бағдод сари йўл олди.

Мавлоно Шаҳобиддин ан-Насавийнинг ёзишларича, Ойтўлин бека Бағдодга эсон-омон етиб бориб, эри Султон Жалолиддин Мангубердини топган, у билан бирга мўғул боскинчиларига қарши беаёв курашга кетган.

Мирмуҳсиннинг “Жалолиддин ва Ойтўлин” асаридан.

ВАТАН ҚАДРИ

Қадим ўтган замонда Хуросон деган томонда бир шаҳар бўлган экан. Ушбу шаҳар жуда ҳам раванқ топиб, қисқа вақт ичида ривожланиб, доврўғи бутун дунёга ёйилибди. Бу шаҳарда одамлар тинч-тотув яшашар, шундан бўлса керак, улар жуда хушмуомала ва оққўнгил экан. Тўғри, шаҳарда айрим баднафс одамлар топилар, бойликка ортиқ ружу кўйган, молу давлат эвазига Ватанни ҳам сотишга тайёр, аниқроғи Ватанни эмас, балки бойликни кўпроқ севишаркан. Шундай кишилардан бири хасис Ҳалилбой бўлиб, у тез-тез савдогарлик қилиш учун сафарга чиқиб турарди.

Энди яна шаҳар ҳақида гапирадиган бўлсак, мустаҳкам девор билан ўралган шаҳар дахлсизлигини паҳлавон йигитлар кўриқлар экан. Ҳар тўқисда бир айб бор деганларидек, шаҳарнинг орқа томонида девор йўқ бўлиб қалин ўрмон билан қопланган ва шаҳарнинг энг заиф, душман бостириб киришга қулай жойи шу бўлиб, буни фақат шаҳарликларгина билишаркан.

Ҳалилбой бойлик орттириш ниятида савдогарлик қилгани узоқ сафарга жўнабди. У сафари давомида жуда кўп гўзал шаҳарларда бўлибди ва бойлик тўплабди.

Бир куни Ҳалилбой бозори катта давлатга бориб, ўз моллари билан одамлар эътиборини жалб қилибди. Ҳалилбойнинг олиб келган нарсалари оғиздан-оғизга ўтиб подшоҳга етиб борибди. Шунда подшоҳ Ҳалилбойни ҳузурига чорлаб, унинг машхурлигига сабаб бўлган буюмлари, уларнинг қаерларда тайёрланишига қизиқибди. Ҳалилбой подшо эътиборини тортиш учун ўз шаҳри ҳақида ва заиф томони тўғрисида сўзлаб берибди. Подшо ҳам

Ҳалилбой сингари молу давлатга ружу қўйган бўлиб, доимо бошқа шаҳарларга юриш қилиб тураркан. Подшо катта бойлик эвазига Ҳалилбойни рози қилиб, ўз шаҳрининг орқа қисмига қўшинини жойлаштиришга кўндирибди. Ҳалил бунга рози бўлибди.

Шундай қилиб, Ҳалилбой бошчилигида подшо қўшини тезда йўлга чиқибди. Ниҳоят подшони ва унинг қўшинини ўз шаҳрининг орқа томонига олиб ўтибди. Ҳалилбойнинг ўзи эса ваъда қилинган пулни олиб ҳеч нима билмагандай шаҳарга кириб кетибди. Подшоҳ узок ўйлаб ўтирмай, ўз қўшини билан шаҳарга хужум қилибди. Икки ўртада шиддатли жанг бошланиб, қанчадан қанча шаҳарнинг мард йигитлари Ватан учун жангга кириб, қаҳрамонларча ҳалок бўлибди. Аммо шаҳар аҳли таслим бўлмабди ва жангни давом эттирибди. Ниҳоят икки кунлик жангдан сўнг шаҳар аҳли душманни тор-мор келтириб, янчиб ташлабди. Жангда ўша босқинчи подшо ҳам ҳалок бўлибди. Тирик қолган уч-тўртта аскар жанг майдонини ташлаб кўрқокларча қочишибди. Ғалабадан сўнг шаҳар подшоси Хусайн душманлари қандай қилиб тўсатдан шаҳарнинг орқа томонидан хужум қилганига ҳеч ақли етмабди. У кўп ўйлабди ва унинг калласига ажойиб бир фикр келибди. У яқин орада шаҳардан узокқа сафарга чиққан одамларни аниқлаб, уларнинг ичидан ким сотқинлигини аниқламоқчи бўлибди. Шундан сўнг подшо хизматкорларини ёнига чорлаб, бутун шаҳарни сўраб-суриштиришни буюрибди.

Хизматкорлар худди подшо айтганидек қилишибди ва бу сўров натижаси шундай маълум бўлибди. Яъни, яқин орада сафарга фақат Ҳалилбой чиққан бўлиб, бунинг устига Ҳалил душманлар билан бир вақтда шаҳарда пайдо

бўлганлиги ойдинлашибди. Шаҳар подшоси Ҳалилбойни чақириб сўроққа тутганда, у индамай қолибди ва унинг сотқинлиги маълум бўлибди. Хусайн подшо халқ билан маслаҳатлашиб, бойни шаҳардан бадарға қилишга қарор қилибди. Ҳалил бадарға қилиниб, йўлда кетаётганида қароқчиларга дуч келиб, бор будидан ажрабди. Шундан сўнг у Ватансиз, пулсиз қолганини ўйлаб қаттиқ ташвиш чекибди. Шундагина у умрида биринчи марта Ватан қадри нима эканлигини тушиниб етибди.

2002 йил

“Гурлан ҳаёти” газ.

ХОНЛАРНИНГ ИШ КУНИ

РУС ЭЛЧИСИ ХОН ҚАБУЛИДА

Кўхна Арк... Хива хонлигининг уламою катхудолари шу ерга интилишмоқда. Ҳаммаси ҳам олдинроқ бориб хон хазратларини муборакбод қилишга, ёвмутлар билан бўлган урушда эришилган ғалаба билан табриклашга шошилмоқда. Кўринишхона ҳам бу кун бошқача, буруннинг қонидек гиламларнинг, қатор тизиб қўйилган олтин-кумуш идиш ва товоқларнинг жилоси кўзни қамаштиради. Қимматбаҳо тошлар билан безатилган кумуш тахтда ўтирган ўрта бўйли, кат-кат зар тўнлар кийган бўлса ҳам бақувватлиги сезилиб турган, истараси иссиқ, буғдойранг юзидаги соқол ва мўйловлари қоп-қора Мухаммадраҳим яқинларининг табрик сўзларини эшитса-да, нимагадир паришон, чуқур ўй сураётгани шундай кўриниб турарди. Балки уни кунга кеча содир бўлган фожиа, 3 ойлик урушда 2 тўп лашкарнинг ярмини йўқотгани, кейинги вақтларда ўрислар томонидан

Кўнғирот вилоятига бўлаётган тажовузлар безовта қилаётганидир? Бирдан у элчи келганини эслади.

– Ўрис элчиси кирсин!

Хонни ғалаба билан муборакбод қилиб турган, баланд бўйли Отажон тўра гапи ярим қолганидан изза бўлди шекилли, терилгандек қошлари чимирилиб, ўқ-ёй шаклини олди, қоп-қора кўзлари ялтираб кетди, оппоқ юзлари жаҳлдан қип-қизил бўлиб, лаблари титраганча, кўлларини мушт қилиб, оғир нафас олиб четга чиқди. Отажон Тўрадаги бу ўзгаришни ҳаммадан олдин хон сезди.

– Иним Отажон, илиқ сўзларингиз учун раҳмат. Агар қарши бўлмасангиз, Ғозободда қахрамонлик кўрсатган Абдулрахмон саркор, Рамиқ халифа, Худоёр Нойиб ва Раҳмонберганбой билан бориб, сизнинг Гандимёндаги ҳовлингизда худо хоҳласа шанба кун меҳмон бўлсак ва мақтов сўзларингизни ҳаммамиз бирга эшитсак.

– Жон устига Ҳазрат Олийлари, ғарибона кулбамизга сиз борган кун биз учун байрам бўлмай. Новчадан келган, юзини чечак изи босиб кетган эшик оғаси тавозе билан букила-букила кириб келди.

– Хон ҳазратлари, Ўрисиянинг элчиси зиёратингизга мунтазир.

– Айт кирсин!

Элчининг хурмати учун ҳамма ўрнидан турди.

– Ўрта бўйли, пешонаси кенг, кўзлари қисик, соқоллари текис олинганидан бетлари силлиқ ва елкаларига ялтироқ погон таққан элчи кўли кўксида, бошини эгиб одоб сақлаб турди.

– Хуш келибсиз, азиз меҳмон!

– Хушвақт бўлинг, тақсири олам. Мен сизга улуг императоримизнинг салом ва совғаларини олиб келишга муяссар бўлганимдан беҳад хурсандман. Ўйлайманки, иккита улуг давлатнинг дўстлик ва ҳамкорлиги абадий бўлмай.

– Иншооллох, айтганингиз келсин!

– Ҳазрати Олийлари, император жаноблари кичик бир илтимосларини сизга етказишимни сўрадилар.

Мирзабоши элчининг кўлидан номани олиб хонга қаради.

– Ўқинг!

“Жаноби олийлари, Сизнинг жамоа билан бизлар бурундан дўстлик била равиши этиб юрур эдик. Алҳол, эшитурмизки, бир неча ўғри ва авбошлар бир жамоадан бир неча кишини асир этиб олиб ул тарафларда сотгон эрмишлар. Умидворлик улдурким, бурунги дўстликнинг риоясини тутиб, ул асирларни бериб юборгайсиз. Қозонлидан ул тарафи сизни ҳаддингиз ва бу тарафи бизга мутаамукдур. Шундан сўнг асло бир-биримизнинг халқимизга қарши бўлмай, дўстона сулуқни маслук тутгаймиз. Одам авлоди азиз ва мукаррам жамоадурлар, оларни мол қаторида бозорга солиб сотмоқ ҳеч вилоятда йўқдур. Сизлар ҳам мундоқ ишни ихтиёр этмасангиз яхшироқдур. Бу сўзларни қабул этсангиз, биз жамоанинг миннатдорликимиздур. Акс ҳолда мундоғ ишларнинг охири низо ва ҳарбга бориб тақалур, вассалом”.

– Биз император жанобларининг илтимосларини девонда кўриб чиқиб, худо хоҳласа эртага жавобини албатта етказурмиз.

Элчи бош эгиб, аста чиқиб кетди.

Хон кўринишхонада ўтирганларга бир-бир қараб чиқди.

– Хўш, нима дейсизлар!

Уларнинг бирлари қулларни бериб юбориш керак, дейишса, бошқаси, бермаслик керак, дейишди.

– Орамизда тажрибали, кўпни кўрган Муҳаммадмурод девонбеги гапимизни эшитиб, чурк этмай ўтирибди...

50 ёшларга бориб қолган, қотмадан келган баланд бўйли девонбеги ўрнидан турди. Оппоқ соқолини сийпар экан, ўзига ярашмаган ингичка товушда гап бошлади.

– Мен қулингизман, нимаики гапирсам салтанатни, эл-юртнинг тинчини ва фаровонлигини ўйлайман, шунинг учун ҳам ўз фикримни айтишдан олдин бир қошиқ қонимдан кечишингизни сўрайман. Ўйлашимча, агар асирларни бериб юборсак, ўрис императори бизни ҳафнок бўлди, яъни кўрқди деб ўйлаши мумкин. Ундан ташқари эл-юрт нима дейди. Қуръони шарифда шахсий мол-мулк муқаддас дейилган, у қуллар ҳам бировнинг мулки-ку, ахир. Бас, оларни бермаган авлодур.

Орада, “ҳақиқат... тўғри, жуда тўғри... нима биз ўруслардан кўрқармидик... керак бўлса, бориб императорини ҳам қул қилиб олиб келишга қурбимиз етади...” деганлар ҳам бўлди. Шу вақтгача сукут сақлаб ўтирган, оғир касалдан бўлса керак, ранглари заъфарон Огахий ҳассасига суяниб зўрға ўрнидан турди. Унинг авзойи бузуқлигини кўриб ҳамма жимиб қолди.

– Ҳазрати Олийлари, агар биз Ўрусия императори жанобларининг илтимосини қондирмасак, демак душманга айланамиз. Унинг учун еримизни босиб олиши, ўзига тобе қилиши ҳеч гапмас. Яқинда Зарафшон водийси ва Самарқандни босиб олди. Бухоро ва Хўқанд оралиғига кириб

борди. Кунни кеча Бухоро амирининг ўғли хузурингизга келиб отам вилоятимизни Ўрусияга бермоқчи, ёрдам беринг, деб йиғлади... Ҳазрати Олийлари, бериб юборинг ўша қулларни, акс ҳолда бошга бало бўлади, бундан кейин оқ подшо билан дўст бўлмас эканмиз, ҳеч ким бизга ёрдам бера олмайди.

– Кечирасиз устоз, - гапга аралашди Муҳаммадмурод, - сиз ёзган тарихда Русия давлати мундин бурун беш маротаба Хоразм устига аскар юбориб, аларнинг баъзилари йўлда ташналиқдан қирилиб, баъзилари бизга келиб урушиб, қирилиб, ҳанузгача асло зафар тополганлари йўқ. Иншооллох, яна зафар тополмагайлар.

– Кечаги кун билан бугунни ўлчамангиз тақсир...

– Хоразм буюк бир музофот. Унинг нуфузига муносиб муомала қилишлари керак!

Хон ўрнидан турди. У Ўрусия подшосининг талабини бажариш масаласида иккиланаётган бўлса ҳам, бу ерда мунозарани давом эттиришни эп кўрмади. Узоқ-узоқдан келаётган хабарлар мамлакат атрофида бўлаётган воқеалар, вазиятни жиддийроқ баҳолашга ундарди. Огахийнинг сўзларида ҳақиқат сезса ҳам, бу кўр-кўрона тобелик ёмон оқибатларга олиб келишини ҳам ўйлади. Ўрис қулларни хоразмликлар эмас, қозоқлар олиб келиб сотаётгани ҳам масалани бир қадар енгиллаштирарди. Хоннинг не фикрга келганини ҳеч ким билмади.

Эркин Зоҳидовнинг “Хоразм фожиаси” асаридан.

ВАЗИРИ АКБАР – САЙИД ИСЛОМ ХОЖА

Буюк ислохотчи ва маърифатпарвар давлат арбоби Ислом хожа 1871 йилда Иброҳим хожа оиласида туғилган. Ислом хожа ўн беш ёшидан хонликнинг бош закотчиси, 1889 йилдан мамлакатнинг катта вилояти Ҳазораспга ҳоким, 1899 йилдан ота ўрнида вазир лавозимида ишлаб, Вазири Акбар – улуғ вазир даражасига кўтарилган.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан Хивада жаҳид мактаби, касалхона, почта, телеграф, Қўша дарвоза, Нуруллабой саройидаги Исфандиёрхоннинг қабулхонаси, хонликнинг баъзи худудларидаги каналларга темирдан янги кўприклар қурилган. 1910 йилда Ислом хожа хонликда олиб борилиши зарур бўлган 10 банддан иборат давлат ислохот режасини ишлаб чиқди.

Ислохот қуйидагилардан иборат эди:

- Амалдорларга вазифа бермак тўғрисида;
- Ернинг ва ер маунатининг тартиби;
- Закот олмоқ тўғрисида;
- Бозор маунати тўғрисида;
- Ер суғоратурган сув тўғрисида;
- Йўллари тузатмак ва тилгираф бино этмак тўғрисида;
- Касал одамларга давоий этмак тўғрисида;
- Вақф ерларини борламоқ тўғрисида;
- Ўқув тўғрисида;
- Хоразм хонининг даромади тўғрисида.

Мазкур ислохотни амалга ошириш учун Россиядан малакали муҳандислар, ер тузувчилар, шифокорлар чақирилди. Тез кунда хонликда мавжуд бўлган экин

майдонлари, тўқайзорлар, қуллар, масжид, мадраса ва мозорларга қарашли вақф ерлар ўлчаб олинади. Ислохот дастури ўша вақт учун тараққийпарварлик мезонлари асосида тузилган эди. Яна Ислом хожа Чоржўйдан Хивага темир йўл келтиришни ҳам режалаштирган, Россиядан мутахассисларни чақириб, лойиҳалаштириш ишларини амалга оширган эди.

1908-1910 йилларда Вазири Акбар Ислом хожа ўз ҳисобидан бир мадраса ва минора қурдирган. Мадраса қошидаги баланд минорани уста Худойберган ибн устод Бобо Хоразмий битказган.

Ислом хожа мадрасаси олдида қурилган минора ўзининг ҳашаматли ва чиройи билан томошабинни ҳайратга солади. Миноранинг баландлиги 51 метр бўлиб, унинг қурилишига ярим миллион ғишт ишлатилган. Миноранинг тепаси бежирим карниз ва куббали фонус билан тугалланган. Фонус юзаси турли шаклдаги сопол ғиштчалар билан ҳошияланган, уларнинг ораси эса ранг-баранг сиркор кошинлар билан тўлдирилган. Фонус ва карниз яшил-зангори, ложувард ва оқ рангдаги сиркор ғиштчалар билан қопланган. Хиваликлар: “Хожанинг минорасида тўрт фасл ва ўн икки ойнинг безаги бор”, - деб таърифлайдилар.

Ислом хожа ўз она тилидан ташқари форс, араб, турк ва рус тилларини яхши билган. Чет мамлакат газета ва журналларини мунтазам олиб турган. Ўзининг катта шахсий кутубхонаси бўлган. Хиванинг машҳур шоири ва табиби Аҳмаджон Табибийга бир асар ёзишни, унда ўтган хоразмшоҳлар, хоразмлик саййидлар, хивалик хожалар тарихини ёзишни буюрган. Табибий Ислом хожанинг топшириғи асосида “Таворих ул-хавонин” асарини ёзган.

Ислом хожага Россия ҳукумати томонидан берилган
нишонлар:

I даражали “Муқаддас Станислав” ордени, 1896 й.

Император Николай II га Муқаддас тож кийгизиш
маросимидан ёдгор сифатида Андреев лентасига тақиб
юриш учун Кумуш медаль. 1897 й.

Олий ҳазратларининг кабинетидан исmlарининг бош ҳарфи
ёзилган бриллиант узук. 1900 й.

I даражали “Муқаддас Станислав” ордени, бриллиантлар
билан безатилган. 1904 й.

I даражали “Муқаддас Анна” ордени, 1907 й.

“Оқ Бургут” ордени. 1911 й.

Олий ҳазратларининг кабинетидан исmlарининг бош ҳарфи
ёзилган ва бриллиантлар билан безатилган олтин соат.
1911 й.

Бутун Хоразм аҳлининг қалбидан чуқур ўрин олган
Ислом хожа қисқа умр кечирган бўлса-да, мамлакат
таракқиёти учун катта ишларни амалга оширган. Унинг
орзуларидан бири бугунги кунда Президент Шавкат
Мирзиёевнинг кўрсатмаси билан амалга ошди, яъни
Хивагача темир йўл қурилиши ниҳоясига етди ва поездлар
қатнови йўлга қўйилди.

*Комилжон Худойбергеновнинг “Хоразм хонлари” альбом китобидан.
184-186 бетлар*

ХОН ТАХТИНИНГ ТАҚДИРИ

Хива хонлари тантанали маросимларда, элчиларни
қабул қилиш чоғида, фуқаролардан арз сўраш пайтида
тахтда ўтирганлар. Тахт салтанатнинг рамзи сифатида хонга
салобат бағишланган.

Ҳозирги кунда Хива хонларининг тахти Москвада,
Кремлдаги далат музейларидан бирида сақланади. У узоқ
йиллар давомида Эрмитаждаги Шарқ санъати кўргазмасидан
жой олди. Энди тахтнинг тузилиши ҳақида қисқача
маълумот берсак. Тахт 5 қисмдан иборат. Булар суянчиқ, ҳар
икки тарафда тирсакларни қўйиб ўтириш учун мослама, олд
тарафи ҳамда ўтириш жойи. Тахт асосан ёғочдан ясалган
тахтга нозик дид ва юксак маҳорат билан ишлов берилган.
Ўтиргич қисми қарағач дарахтидан тайёрланган тахтадан
иборат бўлиб, у қизил бахмал билан ва нақшлари кумуш
платина билан қопланган. Тахт суянчигига маҳкамланган
ромбсимон тахтачада “Муҳаммад Раҳимхон – Хоразм
султони замонида ушбун итоаткор хизматкор Муҳаммад
безади” деган ёзув бор. Шунингдек, тахтнинг ёғоч оёғига
“1811 йил” деган ёзув битилган.

Хива хонлари тарихига ва тахтига қизиқиш кучли
бўлган. Бу ҳақидаги маълумотлар, айниқса, В.В.Стасов
тадқиқотларида кўплаб учрайди. У илмий жамоатчиликнинг
этиборини Ўрта Осиё санъатининг ноёб намунаси бўлган
уста Муҳаммад томонидан тайёрланган тахтга қаратган. Бу
ҳақда кенг маълумот берган.

В.В.Стасов ўз маълумотларида А.Л.Кундан олинган
ахборотларга таянган. Маълумки, Петербург университети
шарқшунослик факултетининг собиқ талабаси А.Л.Кун 1868

йилда генерал – адъютант фон Кауфманнинг Ўрта Осиёга қилган юришида ҳамкорлик қилган. А.Л.Кун рус илмий жамоатчилиги учун анча материал ва коллекция тўплаган.

А.Л.Кун 1873 йилнинг ёзида хон ҳовлисида тахтни кўради. Бу даврда Хива генерал Верёвкин қўмондонлигидаги Оренбург отряди қўшинлари томонидан босиб олинган эди. А.Л.Кун хон тахтини Петербургга олиб кетди. Орадан бир йил ўтгач, тахт Москвага келтирилди.

Хива юришининг кўпгина катнашчилари шу жумладан, А.Л.Кун ҳам хон тахти ҳақида муфассал маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Шундай қилиб 1874 йилнинг июлида Хива хонининг тахти Эрмитаждан Москвага қурол-аслаҳа палатасига келтирилди. Тахт ҳозир ўша жойда сақланмоқда. Йиллар ўтиши билан (ёғочдан ясалганлиги учун) анча қуриб, айрим жойлари дарз кетган. Мустаҳкамланган жойлари бўшашиб қолган.

“Ичан-қалъа музей” архивидан

ХОРАЗМ ХОНЛАРИ ШАЖАРАСИ

(давоми)

20	Баҳодирхон	6 ой	1139-1140	1726-1727
21	Элбарсхон	13	1140-1153	1727-1740
22	Абулхайрхон	6 кун	1153	1740
23	Тохирхон	6 ой	1153-1154	1740-1741
24	Нур Алихон	2 ой	1154	1741
25	Абулғозихон II	5,5	1154-1158	1741-1745
26	Ғойибхон	11	1158-1169	1745-1756
27	Қорабойхон	4 ой	1169	1756
28	Темурғозихон	7	1170-1176	1756-1762
29	Худойдодхон II	1,5	1176-1178	1762-1764
30	Шоҳғозихон	2,5	1178-1180	1764-1766
31	Абулғозихон III	6 ой	1180-1181	1766-1767
32	Нур Алихон	2	1181-1183	1767-1769
33	Жаҳонгирхон	1	1183-1184	1769-1770
34	Бўлакайхон	1	1184	1770
35	Оқимхон	1	1184-1185	1770-1771
36	Абулфайзхон		1185	1771
37	Ортиқғозихон		1185	1771
38	Абдуллахон	5 ой	1185-1186	1771-1772
39	Оқимхон	1	1186-1187	1772-1773
40	Ёдгорхон	2	1187-1188	1773-1774

Комилжон Худойбергеновнинг “Хоразм хонлари” китоб – альбомидан 91-92 бетлар.

ИККИНЧИ ҚИСМ
БУЮК СИЙМОЛАР,
ОДОБНОМА
(давоми) "



Улузбек Исмаилов тўплаган маълумотлар.

БУЮК СИЙМОЛАР

Султон Жалолиддин Мангуберди
(1199-1231)

Султон Жалолиддин Мангуберди Ватан ҳимояси йўлида 11 йил от устида юриб мўғулларни, Чингиз ёғийларини Хоразм заминига йўлатмаган. Жасорати, мардлиги матонати ва метин иродаси билан, қакшатгич зарбалари, кўққисдан қилган ҳарбий тактик ҳийлалари билан душманни титратган, қочишга, чекинишга мажбур қилган, Ўзбек халқининг мард ўғлони жасур ва шижоатли саркарда, маҳоратли йўлбошчи, улуғ давлат арбоби.

Жангда худди темирдек, базмда мисли муммиз.

Дўстга марҳаматли, ғанимга эса шуммиз.

Улуғворлигимиздан Шомга инсоф элтарлар.

Ҳайбатимиз дастидан Румга зуннор элтарлар.

деган улуғ Султон. "Турон арслони" номини олган Султон Жалолиддин 14 марта жангга кириб, жангдан омон-эсон чиққанлиги тарихдан маълум. Шундан 11 тасида ғалаба, 2 тасида устунлик тенг келган, 1 тасида мағлубиятга учраган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармони билан 1999 йилда Султон Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги халқаро миқёсда Урганч шаҳрида кенг нишонланди, Жалолиддин Мангуберди боғ мажмуаси, портал, фавворалар ва ёдгорлик ҳайкали тантанали равишда очилди. Бугунги кунда нафақат Хоразмда, балки бутун Ўзбекистонда Жалолиддин Мангуберди номида кўча, майдон, хиёбон, истироҳат

боғлари, мактаблар, ҳарбий қисм, полк батальон, рота, взводлар бор.

Буюк саркарданинг 800 йиллик юбилеи муносабати билан “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди ва 1-орден билан 2003 йил августда мустақиллик байрамининг 12 йиллиги арафасида Хоразм вилояти тақдирланди. Султон Жалолиддин Мангуберди халқимизнинг фахри, Ватанпарварлик тимсоли.

“Жалолиддин Мангуберди” рангли альбом китобидан.

**Мавлоно Жалолиддин Румий
(1207-1273)**

Жалолиддин Румий Хоразмшоҳлар мамлакатада султонул уламо шайх Муҳаммад Баҳовуддин Валад хонадонида дунёга келади.

Баҳовуддин Валад – Муҳаммад Хоразмшоҳ билан келишаолмай, оиласи, муридларини олиб, Балхдан чиқиб кетади ва Макка сафаридан сўнг, Ироқ-у-Ажам шаҳарларини кезиб, ахийри Туркиянинг Кўния шаҳрида кўним топади.

Салжук султонлари тарафидан иззат-икром билан қабул қилинган Баҳовиддин Валад шу ерда муқим бўлиб қолди. Бу орада мўғул босқини бошланиб Мовароуннахр ва Хуросон ўт ичида қолади. Балхнинг тўрт юз уламози қатл қилинади.

Жалолиддин Румий ота юртига қайтиб келмади ва ўзини анатолиялик ҳисоблаб, Румий тахаллусини олган.

Мавлононинг ижодий фаолияти ва асарлари илмий доираларда уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Хегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар.

Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ёдгорлигидирким унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади.

Жалолиддин Румий ўзидан кейинги шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Мир Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг илмий ва адабий мероси гоят катта.

Ғазал, маснавий ва рубоийларни ўз ичига олган “Девони кабир” (Улуғ девон) да уч мингдан ортиқ шеър бор. Фалсафий сўфиёна мушоҳадалар, руҳият диалектикасини кашф этиб, инсон ақлини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган “Маснавийи маънавий” ҳам бир неча минг байтдан иборат. Бундан ташқари, “Мактубот”, “Фиҳи то фиҳий” (“Нимаки ундадир-ундандир”) номли асарлари ҳам ниҳоятда гўзал асарлардир. Тарихдан маълумки, хоразмлик буюк алломалар башарият цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар, маънавий бой мерос қолдирганлар – жаҳон аҳлига. IX аср Ал-Хоразмий асри, XI-аср Ал-Беруний асри деб дунё олиму-мутафаккирлари томонидан эътироф этилган бўлса, 2007 йил ЮНЕСКО қарори билан жаҳон бўйлаб Жалолиддин Румий йили деб аталди ва дунё мамлакатларида мавлоно таваллудининг 800 йиллиги байрам қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус мажлиси мавлонога бағишланди. Ҳали дунё аҳли бирор олиму-алломага бу қадар иззату эҳтиром кўрсатмаган.

*Радий Фишининг
“Жалолиддин Румий” китобидан.*

Паҳлавон Маҳмуд
(1247-1326)

Олим, шоир, кураги ерга тегмаган паҳлавон, шу билан бирга пўстиндўз ва телпакдўз уста бўлган.

Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда Хива шаҳрида туғилган. Ёшлигидан шеъриятга ихлос қўйган.

Паҳлавон Маҳмуд рубойиларидан тузилган форс тилида девон яратилган. Бу девондаги тўртликлар дадиллиги ва теранлиги жиҳатидан машхур эрон шоири Умар Ҳайём шеърларидан қолишмайди, шоир сифатида у “Пирёр Вали” ёки “Маҳмуд Пирёр Валий Қитоли” тахаллуси билан машхур бўлган.

Бундан ташқари XIII аср охири – XIV аср бошларида кураги ерга тегмаган машхур паҳлавон сифатида ном чиқарган.

Паҳлавон Маҳмуднинг Ҳиндистон, Эрон ва Хоразмдаги мусобақалари тўғрисида маълумотларга кўра, ҳазрат Баховуддин Нақшбандий, Паҳлавон Маҳмуд сафдошлари билан учрашган. Олимлар томонидан Паҳлавон Маҳмуд ижодидан 338 та рубойлар аниқланиб, ўрганилган.

Паҳлавон Маҳмуд 1326 йилда 79 ёшда Хива шаҳрида вафот этган. Паҳлавон Маҳмуд асарлари мустақиллик йилларида ўзбек ва кўпгина чет тилларига таржима этилган. Мухаммад Раҳимхон I (1806-1826) томонидан, 1810 йилда қурилган Паҳлавон Маҳмуд мақбараси Хоразм меъморчилигининг юксак намуналаридан биридир.

Паҳлавон Маҳмуд Ўрта Осиё ва Яқин Шарқнинг ифтихори, ватанпарварлик тимсоли.

Паҳлавон Маҳмуд проспекти – буклетдан.

Мухаммад Ризо Огаҳий
(1809-1874)

Мухаммад Ризо Эрнийезбек ўгли – Огаҳий 1809 йил Хивада Қиёт қишлоғида Эрнийезбек мироб оиласида туғилган. Забардаст шоир, моҳир таржимон, тарихчи, олим, мироб ва улуг давлат арбоби сифатида маълум ва машхурдир.

Огаҳийнинг “Фирдавсул-иқбол” ва “Шоҳидул – иқбол” тарихий асарларини илмий марказларда тадқиқ этилиши юксак эътирофга лойиқдир.

Огаҳий ўзбек адабиётини юқори поғонага кўтарган улуг шоир ва буюк алломадир. Огаҳий ижодий салоҳиятининг яна бир қирраси таржимонлик фаолиятида кашф этилди. Огаҳий шеърияти – ҳайрат шеъриятidir. Салкам 20 минг мисрадан иборат назм хазинасидаги маъно дурларию бадият инжулари икки асрдан бери кишилар қалбига, дилига зиё бағишлаб келмоқда. Адабиёт соҳасида Огаҳий Давлат мукофоти таъсис этилган.

1999 йилда Огаҳийнинг 190 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Ҳозирда Огаҳий номида кўча, мактаб, хиёбон, қишлоқ, жамғарма, миллий марказ ва шоир яшаган уй қайта тикланиб музейга айлантирилган. Шу ерда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Огаҳий ижод мактаби қурилиб, 2019 йилда ишга туширилди.

Яхшидан боғ қолар деганларидек – ҳазрати Огаҳий ўз кўллари билан эккан тут бугун ҳам ҳосил бермоқда.

Огаҳий ўзбек ва Шарқ адабиётининг фахри.

Огаҳий юбилей маълумотларидан.

ОГАХИЙ ҲАЁТИНИНГ МУХТАСАР СОЛНОМАСИ

- 1809 – Хивада Қиёт кишлоғида туғилган.
- 1812 – Огаҳийнинг отаси Эрнӣзбек вафот этади ва у амакиси Шермуҳаммад Мунис тарбиясида қолади.
- 1821 – мадраса таълимини ола бошлайди. Шеърларида Огаҳий таҳаллусини қўллайди.
- 1826 – сипоҳийлик-ҳарбий хизматда бўлган даври.
- 1829 – Мунис вабо касаллиги билан 51 ёшида вафот қилади ва Огаҳий Оллақулихон томонидан мироблик вазифасига тайинланади.
- 1840 – Ҳиндистон элчиси Аббат билан учрашади.
- 1842 – Мунис бошлаган “Фирдавс ул-икбол” асарини Оллақулихон буйруғи билан ёзади (Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг 1813-1825 йиллар даври).
- 1842 – рус элчиси Г.И.Данилевский билан учрашади.
- 1843 – Бухоро-Хива урушларида қатнашади.
- 1844 – “Риёз уд-давла” тарихий асарини ёзади (Оллақулихон ҳукмронлиги даврига оид – 1825-1842 йиллар).
- 1845 – Қазув ёқасида одан йиқилиб оёғи синади ва майиб бўлади.
- 1846 – “Зубдат ут-таворих” тарихий асарини ёзади (Раҳимқулихон ҳукмронлиги даврига оид – 1843-1846 йиллар).
- 1847 – Мадаминхонга ҳамроҳ бўлиб, Кўҳна Урганчга боради. Хонобод ёпи қазилади ва боғлар барпо этилади.
- 1850 – Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарининг таржимасини охирига ётказди.

- 1852 – Астрободийнинг “Тарихи Нодирӣ” асарини таржима қилади.
- 1854 – Зайниддин Восифийнинг “Бадое-ул вақое” асарини таржима қилади.
- 1855 – “Таъвиз ул ошиқин” девонини туза бошлайди.
- 1857 – “Жомеъ-ул вақоеи Султонӣ” тарихий асарини ёзади (Муҳаммад Аминхон ҳукмронлиги даври – 1846-1855 йиллар).
- 1857 – Сайид Муҳаммадхон илтимосига кўра, Кўҳна Арқдаги Арзхона устунининг мраммар тошига ўйиб ёзиш учун 16 мисралик шеър ёзиб беради.
- 1858 – Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсинӣ” асарини таржима қилади.
- 1858 – Гиждувонийнинг “Мифтоҳ ут-толибин” китобини таржима қилади.
- 1859 – Ризоқул Ҳидоятнинг “Равзат ус-сафо Носирӣ” асарини таржима қилади.
- 1860 – Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тазкираи Муқимхонӣ” асарини таржима қилади.
- 1862 – Саъдийнинг “Гулистон” асарини таржима қилади.
- 1864 – Низомиддин Ҳисравийнинг “Хабақоти Акбаршоҳӣ” тарихий асарини таржима қилади.
- 1865 – Муҳаммад Раҳимхон сонӣ – Ферузнинг тахтга ўтириши муносабати билан, унга бағишлаб, 200 мисрали “Огоҳнома” асарини ёзади.
- 1865 – “Таъвиз-ул ошиқин” девонини тузиб, тугаллайди (қарӣб 20000 мисралик назм дурдоналари жамланган).
- 1865 – “Гулшани давлат” тарихий асарини ёзади (Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлиги даври – 1856-1865 йиллар).

1868 – Саъдий Шерозийнинг “Юсуф ва Зулайхо” асарини таржима қилади.

1869 – Муҳаммад Фузулийнинг “Далойил-ул хайрот” асарини усмонли турк тилидан таржима қилади.

1870 – Муҳаммад Вориснинг “Зубдат ул хикоят” китобини форсидан таржима қилади.

1871 – Қайқовуснинг “Қобуснома” асарини таржима қилади.

1872 – Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар” достонини форсидан насрда таржима қилади.

1872 – Феруз мадрасаси куриб битирилганига бағишлаб, тарих ёзади.

1873 – “Шоҳиди иқбол” тарихий асарини ёзади (Муҳаммад Раҳимхон II Феруз ҳукмронлигининг 1865-1873 йиллар даври).

1874 – 14 декабрь кунини 65 ёшида вафот қилади. (мақбараси Қиёт қишлоғидаги Шайх Мавлон бобо қабристониди).

Хива журнали 1999 йил №13-14 сонлари.

iii

Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз (1845-1910)

Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз 1864-1910 йилларда ҳукмронлик қилган. Ёшлигида Хива шаҳридаги Араб Муҳаммадхон мадрасасида ўқиган, ўқимишли ҳукмдор. Унинг устозларидан бири таниқли ўзбек шоири, тарихчи, мироб, давлат арбоби Огаҳий. Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузнинг бошқаруви даврида Россия, Усмонли турк империяси, Эрон ва Афғонистон билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Муҳаммад Раҳимхон II – Хоразмнинг сўнгги мустақил хони бўлган. Шеърларини Феруз таҳаллуси билан ёзган. Феруз раҳбарлигида кўплаб таниқли адабий тарихий, илмий асарлар ўзбек тилига таржима қилинган.

Саййид Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз ўзбек адабиёти, санъати ва тарихида муҳим ўрин тутган. У Хоразм хонлари тарихида энг узоқ давр, қирқ етти йил мамлакатни идора этиб, элнинг ободлиги ва мустақиллиги учун курашган давлат арбоби. Феруз ўз саройида қирққа яқин шоир, созанда, тарихчи, хаттот ва таржимонларни тўплаб уларга ҳомийлик қилган.

Юрт сўраш, давлатни идора этиш осон эмас. Муҳаммад Раҳимхон Феруз ана шу вазифани уддалай олган, тарихий шахслардан ҳисобланади.

Саййид Муҳаммад Раҳимхон, Феруз ва Вазири акбар Саййид Ислонхўжа, давлатни идора этиш ва салтанатни бошқаришда Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари хонликлари учун намуна вазифасини ўтаган.

Феруз илм-фан ривожига ва халқни саводли, билимли ва илмли бўлишига эътибор қаратган. Мактаб, мадраса ва

мадраса олийлар курдирган. Унда нафақат, амалдорлар балки оддий халқнинг ҳам иқтидорли фарзандлари тахсил олган. Россия билан дипломатик алоқалар ўрнатилгандан кейин, Вазири Акбар Ислохўжанинг халқаро дипломатик ҳаракатлари билан Хивада телефон, телеграф, почта алоқа тизими ва шифохона ишга туширилган.

Феруздан бизгача “Девони Феруз”, “Ғазалиёти Феруз” мажмуалари етиб келган. Улуғ хон 1910 йилда Хивада 66 ёшида вафот этган.

Мустақилликга эришгач, 1994 йилда Президент фармонида асосан Ферузнинг 150 йиллик юбилеи муносиб нишонланди.

Феруз номида кўча, мусиқа мактаби, истироҳат боғи, хиёбонлар, Хивада ёдгорлик ҳайкали ўрнатилган.

Феруз ўзбек, адабиёт ва мусиқа санъатининг фахри.

Ватанпарварлик тимсоли.

Давлатёр Раҳимнинг “Феруз” асаридан.

“ХАЗОРОС КЎПРИГИ”

Хазорос элина, Жайхун бўйина,
Темирқанот кушдек тушди бу кўприк,
Толе кулиб элнинг орзу-ўйина,
Кўш қирғоқни суюб кучди бу кўприк.
Афсонага суврат кўшди бу кўприк.

Чингиз бир вақт кўшин санаган жойда,
Доро косов кучиб тунаган жойда,
Тўмарис қасос деб уннаган жойда,
Неча тарихларни очди бу кўприк.
Азал жумбокларин ечди бу кўприк.

Неча султон Синжор қаҳрин ютган жой,
Каъбага Карвақдан олма кетган жой,
Дулдул ҳатлаганда елка тутган жой,
Мухандис халқимнинг шаҳди бу кўприк.
Ер севган элларнинг шашти бу кўприк.

Дерлар: Хоразм десанг – Ҳазоросга бор,
Полвон пирга Нухдан келган розга бор,
Шайх Кубро сари бор, яъни ростга бор,
Жалолиддиндек сув кечди бу кўприк.
Кўхна Котни Катга кўшди бу кўприк.

Гоҳ эл билан элни бир тил боғлайди,
Гоҳ неча қавмни бир эл боғлайди,
Гоҳо икки дилни бир гул боғлайди,
Уфққа йўлларни сочди бу кўприк.
Воҳани ошиқдек кучди бу кўприк.

Хоразм белинда олтин камар бу,
Интилган жонларга толе – самар бу,
Юрган – дарё! Азми кучган зафар бу,
Рухга пўлат издек тушди бу кўприк.
Буржларни буржларга кўшди бу кўприк.

Майли меҳмон келсин дунё тоmidан,
Фалак, эврил бугун шоир комидан,
Юртбошим номидан, халқим номидан,
Дунёга дастурхон очди бу кўприк.
Кўш қирғоқни-суюб кучди бу кўприк.

*Омён Матчон,
Ўзбекистон халқ шоири*

ҚУТЛОВ
Эркин Самандар

Ёзувчи, шоир, драматург ва журналист Эркин Самандар 85 ёшга тўлди.

“Аму жилолари”, “Осмон тўла нур”, “Дунёнинг ёшлиги”, “Вафо деган гавҳар”, “Севги фасллари”, “Менинг йигит вақтим”, “Қабул соатлари”, “Соҳилдаги болалар”, “Юракка йўл” каби назмий китоблари, “Осмоннинг тош тулпори”, “Олтин сандик”, “Эрк садолари”, “Ишқий мактублар” каби дostonлари, “Жавохир”, “Аждодлар қиличи”, “Башорат”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Арабмуҳаммад Баҳодирхон”, “Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий”, “Суянч”, “Минг отлилар диёри” сингари қисса ва бадиалари, “Дарёсини йўқотган қирғок”, “Тангри қудуғи” каби романлари билан халқимизнинг қалбига кириб борган ижодкорни муборак ёш билан қутлаймиз!

“Ишонч” газ. 2020 йил 21 март

Хоразмликлар номидан мен ҳам улуғ адиб устоз Эркин Самандарни самимий қутлайман, адибга 100 ёшга кириш насиб этсин!

У.Исмаилов
2020 йил 30 март

ХОРАЗМ ФАРЗАНДИМАН

Мен туғилган кўхна воҳа шуҳратин олам билар,
Кўп замондин кўп шуаро унга ашъор битдилар,
Донғини мен ҳам жаҳонга бонг уриб айтгим келар,
Хоразм фарзандиман мен, Хоразм фарзандиман.

Кўхна Урганч тошлари сайр айлаган боғим менинг,
Ястаниб ётган қадим Султон Увайс тоғим менинг,
Ушбу боғу ушбу тоққа кўмдилар оҳим менинг...
Хоразм фарзандиман мен, Хоразм фарзандиман.

Бу улуғ маскан кўнгилларга зиё қилди ато,
Қаҳридан шамшир ясаб, ёвларга санчди бехато,
Қалбига илму алифу ал-жабрни қилди жо,
Мен алифдек тик яшаб ўтган диёр фарзандиман.

Мен зикр этсам асрлар қаърида кўргим шуур,
Мен тикилсам, ўтган ул зулмат ичида ёнди нур,
Ал-Берунийга забон берган диёр ҳам шул эрур,
Илмини нурдек таратган дониш эл фарзандиман.

Гоҳ булут остида қолди, гоҳ кулди юлдузи,
Қирди бу юртни неча ёв, босди Жўжи, Чингизий,
Сув бўлиб қон оққанини сўйласин Жайхун ўзи,
Сўйласам мен, шу жабрдийда Ватан фарзандиман.

Сувга ғарқ бўлганда Урганч бормиди дарёда айб,
Йиғласа мотам йўлида йўқдир ҳеч гиряда айб,
Тожу тахт илгида айбу бераҳм дунёда айб,
Айбсиз айбдор саналган танти эл фарзандиман.

Мен у кунлар хасратида ўртаниб ёнмай нечун,
Кўхна ул вайроналарда изгиса аччик тутун,
Мард Жалолиддин йиқилди жангда шу тупрок учун,
Мен шу тупрок ворисиман, мен шу эл фарзандиман.

Ҳаммадан кўпрок билар бу юрт надир кайгу, алам,
Дардини дафтарга чизди, қалбини этди рақам,
Куйлади ошиқ Ғарибу, нола урди Шоҳсанам,
Нола урган ошиқ элнинг ошиғи фарзандиман.

Хива бу, гумбаз, минора, нақшу нукра шаҳри бу,
Токчада қолган китоблар одамийлик шарҳи бу,
Паҳлавон Маҳмуд сўзин ёд олди Машрик, Мағриби,
Машриқу Мағрибда машхур ўлканинг фарзандиман.

Ким давр сурди кўлида май лиммо-лим жом билан,
Ким ғазал битди юракда қайнаган илҳом билан,
Мен мулоқотда эрурман Огаҳий бобом билан,
Боболар изин ўпарман, қутлуғ эл фарзандиман.

Нурли воҳам васфига лойиқ киёс йўқдир бугун,
Кўхна Жайхун ёш ўғилдай эркалаб, шўхдир бугун,
Бор бисотин очди инсонга кулиб тақдир бугун,
Хур диёрнинг бахтиёр фарзандларин фарзандиман.

Етти иқлимга овоза бўлди машъал ёғдуси,
Базм аро мағрур жаранглар бахтиёрлар кулгуси,
Жонима пайвастадирлар ёш кичик, ёшуллиси,
Лазгичи, шеърхон диёр, ёшулли эл фарзандиман.

Оқ сутин ичдим ва унда ташладим мен илк одим,
Илк меҳр, илк севги шавқин шу заминда тобладим,
Гулларининг рангларини кўз ичига жойладим,
Минг жило, минг ранг сочиб кулган замин
фарзандиман.

Неажаб товланса хил-хил, боғу бўстон бу ахир,
Янгилик кашф этмадим мен, тилда дoston бу, ахир,
Ўзбекистон бу, ёронлар, Ўзбекистон бу, ахир,
Не учун фахр этмагайман, мен ахир фарзандиман.

Ким билан ошно тутинмай, ким-ла суҳбат курмайин,
Хивами, Урганчми ё Тошкентда яшаб турмайин,
Қайси элга бормайин, қай гўшаларда юрмайин,
Мадҳ этарманки, Самандар, Хоразм фарзандиман.

Ортиқ Отажонов (1947-2019)

Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов 1947 йил 30 январда Хоразм вилояти Боғот туманида туғилган. 1967 йилда Урганч мусиқа билим юртини, 1980 йилда Тошкент маданият институтини тугатган. Миллий ашулачилик йўлларини Комилжон Отаниёзов, Абдушариф Отажонов, Гавҳар Раҳимова ва бошқа устозлардан ўрганган.

1968-1981 йилларда “Лазги” ансамбилида хонанда, 1982-1988 йилларда “Лазги” ансамблининг бадиий раҳбари. Ўзбекистон телевидениесида “Ортиқ Отажонов” фильм-концерт яратилган.

Ҳофизнинг репертуаридан:

Хоразм мумтоз ашулалари Феруз – 1, 2 савтлари билан, “Чапандози сувора”, “Кажҳанг сувора”, Хоразм дугоҳи ва бошқалар.

Куйини ўзи басталаган асарлар “Зеболаниб келибсиз”, “Она диёрим”, “Хоразм фарзандиман”, “Орол дарди”, “Сани кулишларинг”, “Ибияй”, “Бошқача”, шунингдек афғон, туркман, озарбайжон, рус, араб кушиқлари ўрин олган.

Ижролари 2 та грампластинка, Ўзбекистон радиоси фонотекасига ёзилган.

1991 йилда – Ўзбекистон халқ артисти,

1993 йилда – Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти унвонларига сазовор бўлган.

Ўрта Осиё, Европа, Америка ва Австралия мамлакатларида ижодий гастролда бўлган.

Ортиқ Отажонов – 2019 йил 17 майда 72 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этган. Ҳофизнинг ёрқин хотираси абадий қалбимизда.

Интернет, маданият хабарлари сайтидан.

Дўстларга хурмат!

Синфдош дўстим Илҳом Ҳакимовнинг оиласи ҳақида

Отаси, охиратлари обод бўлсин, Обиджон ота Ҳакимов айтишларича, нафақат Урганч тумани, балки Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигининг ибратли дарғаларидан бўлиб, тўғри сўз, қаттиққўл, талабчан шу билан бирга самимий инсон бўлган эканлар. Оила серфарзанд бўлганлиги учун онаси раҳматлик фарзандлар тарбияси билан шуғулланганлар. Улли отаси (катта) Эгамберган Ҳакимов ота изидан бориб, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Урганч ва Янгиариқ туманларига раҳбарлик қилган.

Оллаберган ота Ҳакимов ҳам қишлоқ хўжалиги техникаси соҳасида вилоятда етакчи раҳбарлардан бири. Опалари ҳам халқ хўжалигини турли соҳаларида хизмат қилганлар. Бир сўз билан айтганда Ҳакимовлар сулоласи вилоятдаги катта обрў-эътиборга эга ибратли сулолалардан.

Илҳом Ҳакимов – Урганч шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли 6-сон мактабда бир синфда 10 йил бирга ўқидик. Шу 10 йил мобайнида бир-биримизни хурматлаб сизлашиб гаплашдик.

Илҳомбой бадиий, детектив китобларни кўп ўқирди. Мактабда математика, алгебра, геометрия ва физикадан билими кучли бўлиб, аниқ фанларга қизиқиши баланд эди. Аниқ фанлар олимпиадаларидан доимо ғолиб бўлиб қайтарди. Оиладаги муҳит ҳам шунга хос ва мос эди. Синфдан синфга ўтиш оралиқ имтиҳонларига тайёргарлик кўриш, консультатив тайёргарликларда ҳам дўстим фаол

бўлиб, синфдошларга масала ёки машқларни ечиш, иншо ёки диктантлар ёзишда йўналишини тўғри белгилаш, шошилмасдан кунт билан тинглаб хатосиз ёзиш, оғзаки имтиҳонларда хаяжонсиз, диккатни жамлаш бўйича ўз маслаҳатлари билан ёрдам берган.

Илҳомбой мактабда аълочи, жамоат ишларида фаол, тартиб интизоми билан ажралиб турарди. Сурати мактаб аълочилар тахтасида турган.

Дўстим Тошкент Ирригация институтини инженер-энергетик мутахассислиги бўйича тамомлаган. Оилали. Севимли фарзандларни отаси. Турмуш ўртоғи Сайёрахон ҳам маърифатли оиланинг фарзанди бўлиб, тиббиёт соҳасида таниқли врач. Дўстлигимиз ҳозирда ҳам давом этиб келмоқда. Мактабни битирганимизни 20,30,40 йилликларини ўтказиш ташаббускори ҳам дўстим ҳисобланади.

Ўз соҳаси бўйича турли корхоналарда муҳандис, бош муҳандис, директор, бошлиқ вазифаларида ишлаб келмоқда. Ҳозирда “Хоразмгазқурилиш монтаж” корхонаси директори.

Шундай маданиятли, маърифатли дўстга содик, дўстим борлиги менинг ҳаётдаги ютуғим.

Абдулла Оллаберганов – Ота дўсти.

Оталаримиз дўст бўлишган. Бу дўстлик мен билан Абдуллага ҳам сингган. 1964 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Урганч автомобил ва йўллар техникумини тамомлаган.

Мехнат фаолиятини Урганч марказий универсал магазинида сотувчиликдан бошлади. Бир вақтни ўзида савдо маркази ёшлар бошланғич ташкилоти етакчиси вазифасини ҳам олиб борган. Радио техника ва мусиқа асбоблари,

галантерия бўлимларида ишлаб тажриба орттирди. Жамоа эътиборига сазовор бўлди. Ўзидан катта опаси Шодмонжон ҳам ўз даврида Урганч шахрининг фаол тадбиркор фидойи аёлларидан бўлган. Ҳаёт ташвишларини ва машаққатларини енгишда укалари, сингилларига ва ўз фарзандларига суянчик жонкуяр опа, она ва буви вазифасини матонат билан бажариб келмоқда. Абдулла дўстимни ота-онага хурмати чексиз. Ота-онасини ёш тўйларини ўтказди. Айниқса, онасига “лачак” тўйи ўтказгани, ота ва она дуосини олгани таҳсинга лойиқ. Истиқлол йилларида Урганч шаҳрида биринчилардан бўлиб “Бек” мини озиқ-овқат савдо маркетини ташкил этган ёш тадбиркор. Ушбу савдо маркети, шу соҳада иш бошловчи ёшлар учун маслаҳат маркази ва намунавий савдо шахобчасига айланган. Ҳозирда Тошкент шаҳар Чилонзор туманининг 19-мавзесида “Бек” эркалар ва аёллар салонини очиб, ёшларга иш ўринлари яратиб аҳолига ибратли ва сифатли маиший хизмат кўрсатиб келмоқда. Оилали. Рафиқаси Гулшода билан бир ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Ўғли Худойберган спортни бокс турида машҳур мураббий, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси, халқаро тоифасидаги рефери Мелс Китабов қўл остида шуғулланиди ва юксак марраларни эгаллади. Ҳозирда уйланган, оилали. Фарзандли бўлган, ўз бизнесига эга. Дўстим якка-ю ягона қизи Гўзалхонни маърифатли оилага узатган. Ҳозирда аёли билан ширин невараларни бобо ва бувисидирлар. Дўстим санъатга алоҳида ихлос қўйган. Машҳур Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевнинг шогирдлари ака-ука Қутлимурод ва Отамурод Хажиевлар сулоласига она томонидан мансубдир. Мен Тошкентда Президент академиясида ўқиб юрган даврда

Абдулла мени тоғаси (дойиси) Отамурод Хажиевникига олиб борган. Ҳофиз паловни дама босиб, бир-икки жуфт сувораларни куйлаганида кўнглимиз тоғдай кўтарилган.

Укаси Маҳмуджон Оллаберганов санъат соҳасида хизмат қилиб элга танилди. Кичик укаси Ибодулла тадбиркор. Укалари Маҳмуджон ва Ибодуллаларни уйлантиришда бирга совчиликка борганмиз. Дўстимнинг оиласи элда намунали, меҳмондўст, дастурхонли, ўзига тўқ, маънавийтли оилалардан бири. Дўстинг бўлса шундай бўлсин – деган бўлардим мендан сўрасалар...

*Мусофир бўлмагунча – мусулмон бўлмас эмиш – деган нақл
нақадар ҳақиқатлигига талабалик йшларимдаёқ ишонч
ҳосил қилганман.
Улуғбек Исмаилов*

Мусофирчиликда топган дўстларим

Шавкат Отамуратов – 1980 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетида танишганмиз.

Ўшанда Шавкат 1 курс талабаси бўлиб ўқишга қабул қилинган пайти эди. Мен шу факультетни 2 курс талабаси эдим.

Шавкат дўстим Хоразм вилояти Кўшкўпир тумани Тошкент қишлоғида туғилиб ўсган. Шавкат институтдан кейин ўз қишлоғидаги мактабда чет тили ўқитувчиси, директор ўринбосари, директор лавозимларида ишлади. Шавкат санъатсевар, мусиқани, айниқса, тор чалиб машхур Хоразм суворалари, яллаларини куйлашни севарди. У

куйлаганда атрофидагилар беихтиёр маҳлиё бўлиб қолишарди.

Бундай пайтларда Комилжон дўстимиз доирада окомпонент ва жўровоз бўлиб составни бутунлигини таъминларди.

Шавкат Отамуратов кейинчалик Хоразм вилояти ҳокимлиги мутахассиси, Республика ташқи ишлар вазирлигининг вилоят вакиллиги масъул ходими, раҳбар вазифаларида, вазирлик аппаратида ишлади. Раҳбариятга ўзининг дипломатик ходим бўлиш қобилиятини намоён этди. Шундан кейин дўстимни дипломатик фаолияти бошланган. Мустақиллигимизнинг имкониятлари чексиз. Буни ижобатини мен дўстим Шавкат мисолида кўрдим. Оддий қишлоқ йигитини ўқиб билим ва илм олиб, раҳбарият ишончига сазовор бўлиб дунёнинг Ҳиндистон, Эрон, Тожикистон, Афғонистон мамлакатларида, мамлакатимиз элчихоналари ва консулликларида дипломатик миссиясини, яъни шарафли вазифани бажариши ўзбек ўғлонига хос ватанпарварликдир.

Шавкат Кўпаловичнинг

Ҳиндистонда – буюк сиёсатчи, давлат арбоби, мустақиллик асосчиси Махатма Ганди ва унинг дунёга машхур қизи Ҳиндистон бош вазири бўлиб ишлаган Индира Гандилар ва Бобурийзода Шохжаҳон хоки пойларига таъзим-бажо келтириши;

Эронда – Имом Али ибн Мусо ар-Ризо мақбарасига ташрифи ва ҳурмат бажо келтириш;

Тожикистонда – Мавлоно Рудакийга эҳтиром кўрсатиши, ўзбек дипломатиясига хос меҳр-оқибатдир.

Комилжон Собиров – Комилжон дўстим Хоразм вилояти катхудолар эли бўлмиш Гурлан тумани Алишер Навоий қишлоғида оддий дехкон оиласида дунёга келган. Комилжон билан ҳам 1980 йилда Тошкент давлат чет тиллар институти инглиз тили факультетида 1 курс талабаси бўлганида танишганмиз. Мен, Шавкат, Комилжон учаламиз 5 йил ётоқхонада яшаб ўқиганмиз.

Дўстим Комилжон тўғрисида гапирганда улли (катта) оғаси Каримбой оға ҳақида илк сўзлар айтмасдан ўтолмайман. Каримбой оға ҳам бизларни институтда ўқиган фақат француз тили факультетида таҳсил олган. Ҳар қачон таътил вақтида Гурланга уларникига борганимизда катта ҳурмат-эътибор, меҳмон кутишни ўзига хос катхудоларча маданиятини кўрсатиб ҳамиша бизларни лол қолдирган. Ташкилотчи, лафзи ҳалол, самимий инсон. Умрлари узок бўлсин, доимо соғ-саломат фарзандлар ва неваралар камолини кўриб яшасинлар. Дастурхонли, қурғун инсон бўлган. Комилжон дўстимни авлоди Гурланда обрў-эътиборли, намунали авлоддир. Комилжон институтни тамомлагач, ота ватани Навоий қишлоғида бир умр мактабда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб меҳнат қилиб келмоқда. Рафиқаси Зулҳумор билан 3 та паҳлавон ўғилни тарбиялаб вояга етказдилар, маълумотли қилдилар, уйлантирдилар, уйли-жойли қилдилар. 2 та ўғли мудофаа вазирлиги тизимида ўз бурчларини адо этмоқдалар. Бугунги кунда дўстим Комилжон аёли билан ажойиб ўғилларнинг ота-онаси, бири-биридан ширин невараларни бува-бувиси бўлиб умр гузаронлик қилмоқдалар.

Бундан буён ҳам дўстлигимиз абадий бўлсин!

Қадамбой Отажонов – билан 1985 йилда ёшлар иттифоқида ишлаб юрган пайтимда танишганмиз. Бу танишув кейинчалик ака-ука, дўстликка айланган ва бугунгача давом этиб келмоқда. У киши мендан 3-4 ёш улли (катта) оға – дўст ҳисобланади.

Олий маълумотли. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлаган. Шовот туманида туғилиб вояга етган. У ёш мутахассис сифатида туман раҳбарияти ишончига сазовор бўлган. Натижада туман молия бўлими мудир, туман партия ташкилоти инструктори, туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи, мен Урганч шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи бўлиб бир даврда ҳамкасб бўлиб ҳам дўстликни мустаҳкамлаб ишлаганмиз.

Ўтган йиллар мобайнида ўзини ҳалол меҳнати билан турли ташкилотларда раҳбарлик вазифаларида ишлади. Қадамбой оға санъат шайдоси, қўлига тор олди дегунча Хоразмнинг машҳур суворалари-ю, яллаларини мароқ билан ижро қилади. Бу бежиз эмас, чунки у Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов, Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норматов ва кўпгина таниқли санъаткорларни етиштирган, Шовот элининг фарзанди. Дўстликни қадрлайдиган, чуқур мулоҳазали, дунёқараши кенг, бой ҳаётий тажрибага эга, ҳаёт академияси синовларидан ўтган самимий камтарин инсон. Қадамбой Норметовичдек оға дўстим борлигидан доим ғурурланиб юраман.

Комилжон Жуманиёзов – Комилжон оға ҳам дўст, ҳам устоз, ҳам сафдош.

Комилжон Абдуллаевич билан 1985 йилда комсомол ёшлар ташкилотида танишганмиз. У киши Хонқа тумани комсомол ёшлар ташкилоти биринчи секретари, мен Урганч шаҳар комсомол ёшлар ташкилотига бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган давримиздан дўстлашиб, кадрлашганмиз. Мен 1989 йилда вилоят комсомол ёшлар ташкилотига бўлим бошлиғи вазифасига ишга тайинлашди.

1990 йилда Ўзбекистон Республикаси комсомол ёшлар марказий кенгашининг навбатдаги съездида Жуманиёзов Комилжон Абдуллаевични ёшлар сиёсати бўйича марказком секретари этиб сайладик. Мамлакат мустақилликка эришгач, 1991-1993 йилларда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси марказий кенгашининг дипломатик алоқалар бўлими бошлиғи, 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, 1995-2003 йилларда Хонқа тумани ҳокими ўринбосари лавозимларида ишлаган. 1999 йили Комилжон Абдуллаевични тавсиясига биноан мени вилоят ҳокимлиги котибияти бошлиғи вазифасига ишга тайинлашди. 2003-2015 йилларда устоз вилоят ҳокимлиги котибияти бошлиғи вазифасида, мен вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи бўлиб бир сафда ишлаганмиз. 2010 йилда ҳам Комилжон устоз тавсиясига биноан вилоят раҳбарияти мени Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий Ойна” ижодий уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси этиб тайинлади.

Мен бир умр миннатдорман ҳам устоз, ҳам дўст инсондан.

Комилжон Абдуллаевич раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган “Хоразм”, “Хоразм қовунлари” рангли альбом-китобларни нашрга тайёрлаганмиз.

Шунингдек, у кишининг бевосита масъул раҳбарлигида Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамларини, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, Ўзбекистон Халқ артисти Ҳожихон Болтаевни 100 йиллиги, Ўзбекистон Халқ артисти Комилжон Отаниёзовни 90 йиллиги, улуғ, мутафаккир, шоир, машҳур таржимон, давлат арбоби Огаҳийнинг 190 йиллиги ва кўпгина Республика ва халқаро тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда қатнашганмиз.

2015 йилда бевақт ўлим моҳир, тажрибали ташкилотчи раҳбар, техника фанлари номзоди, вилоят ҳокимлигининг мияси – яъни ўраси (устуни) – файласуф даражасига етган самимий камтарин инсон, ҳам дўст, ҳам устоз, ҳам сафдош Комилжон Жуманиёзовни орамиздан олиб кетди. Охиратлари обод бўлсин. Ҳаётликларида дуосини олганман. Устозни ёрқин сиймоси биз дўстлари, шогирдлари, сафдошлари ва уни таниган хоразмликлар қалбида ҳамиша барҳаёт!

Давронбек Ибрагимов – Давронбек билан ёшлиқдан бир маҳаллада туғилиб ўсганмиз. Урганч шаҳридаги 3 сон маърифат маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги № 6 сон Ҳамид Олимжон номли мактабни изин-ма кейин тамомладик. Давронбек Бакиевич ҳам шогирд, ҳам сафдош, самимий дўстдир. Мен вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи, Давронбек Бакиевич мудофага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгаши раиси, Нур Аҳмад Хожибой ўғли вилоят

телерадиокомпанияси раиси вазифасида бир даврда сафдош дўстлар жамоасини бирлаштириб истиқлолни мустаҳкамлашга ўз хиссамизни қўшганмиз. Орамизда фақат Давронбек дўстимиз ўз раҳбарлик бурчини мана қарийб 20 йилдан ошиқ фидокорона меҳнати билан давом қилдириб келмоқда. Давронбек Бакиевич раҳбарлигида “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгаши 2011-2016 йиллар мобайнида Урганч шаҳар, Хазорасп, Қўшқўпир, Боғот туманлари ва Хива шаҳарларида ўқув спорт техника клублари ташкил этилди. Уларда қарийб 100 та янги ишчи ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги замонавий енгил ва юк ташиш автомобиллари билан моддий техника базасини мустаҳкамлади. Бу автомобиллар халқ хўжалигини турли соҳаларига мутахассис тайёрлашда хизмат қилмоқда. Давронбек Бакиевич меҳнат фаолияти давомида босиб ўтган шонли йиллар ўз мевасини берди. 2010-2011 йилларда “Энг улуғ вилоят кенгаши раиси” танлови ғолиби, 2013 йилда “Энг намунавий минтақавий кенгаш раиси” танловида ғолибликни қўлга киритган. Республика ватанпарвар кенгашини махсус совғалари ва мукофотларига сазовор бўлган. Дўстим Давронбек ЎзЛиДЕП аъзоси. 2004, 2009, 2014 йилларда халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгаш депутатлигига сайланган. Депутатлик вазифасини ҳам шараф билан бажарган. Эл ишончига сазовор фаол жамоатчи.

Мехмондўст, дастурхонли, кўнгли очик, фидойи инсон. Ҳар кимни шундай дўсти бўлсин!

Пўлат Ўразов – Хоразм давлат педагогика институтининг ўз даврида Ўзбекистоннинг машҳур ўқитувчиси бўлган Эрка Ўразов оиласида дунёга келган.

Метин иродали, қудратли ва жасур ҳам илмли, ҳам билимли бўлсин дея Пўлат деб исм қўйганлар. Сафдош дўстим Пўлат Ўразов ота изидан бориб 1980 йилда Хоразм давлат педагогика институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Урганч туманидаги Фрунзе номли мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик туман ижрокўми ва туман ҳокимлигида умумий бўлим мудирини, ЎзХДП туман кенгаши 2-котиби, маънавият ва маърифат туман бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган.

1999-2000 йилларда дўстим Пўлат Эркаевичнинг вилоят миқёсидаги тинимсиз машаққатли ва шу билан бирга шарафли меҳнат фаолияти бошланади. Эл-у юртга танилиш, халқ ишончини оқлаш, шу халққа садоқат билан хизмат қилиш унинг шиорига айланди. Хоразм вилояти ҳокимлигида аввал мен, кейин у киши вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуаси котибияти мудирини вазифасида ишладик. Вилоятда ишлаган давримизда вилоят ҳокими ўринбосари Ботир Хударганович Раҳимов раҳбарлигида Пўлат Эркаевич ва жамоамиз билан “Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердиннинг 800 йиллиги”, мукаддас “Авесто китобининг 2700 йиллиги”, машҳур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Хожихон Болтаевнинг 95 йиллиги, буюк мутафаккир, давлат арбоби Муҳаммадризо Огаҳийнинг 190 йиллик тантаналарини юқори савияда ўтказганмиз.

Пўлат Эркаевич вилоят ҳокими ёрдамчиси вазифасида ҳам ишлади. Вилоят ҳокимлигида ишлаган йилларда раҳбарият ишончига сазовор бўлган.

Раҳбарият Пўлат Эркаевичга юксак ишонч билдириб, мамлакатни муҳим стратегик соҳаси бўлган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи этиб тайинлади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи лавозимида дўстим Пўлат Эркаевич таълим тизимини тубдан ислох қилиш бўйича Президент ва ҳукумат қарорларини оғишмай амалга оширишда ташаббускорликни қўлга олиб, таълим соҳасини моҳир жонқуяр ислохотчиси ва тарғиботчисига айланди.

Натижада “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” шарафли унвони билан тақдирланди. “Умид ниҳоллари Хоразм 2003” мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақалари Республика босқичи Хоразмда бўлиб ўтди. Мусобақалар ўша даврда янги замонавий қурилиб ишга туширилган Урганч Олимпия захиралари коллежи базасида ўтказилди. Хоразм жамоаси ғалабага эришди, Президент совғаси “Дамас” автомобили билан тақдирланди. Албатта, бу вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида дўстим Пўлат Эркаевич бошчилик вилоят халқ таълими фидойиларининг фидокорона меҳнатларидир. Ушбу мусобақанинг мамлакатга ибратли овозаси тарқалди.

Пўлат Эркаевич мамлакатда халқ таълими тизимида намунали раҳбар тимсолида танилди. Бу шараф.

Халқ таълими фидойиси бўлиб пенсияга чиқди. Ҳозирда Урганч шаҳар 30-сон мактаб директори. Пўлат Эркаевич мустақилликнинг 10,15,25 йиллик кўкрак нишонлари билан мукофотланган. Сафдош дўстим билан ғурурланаман.

Султонназир Бобожонов – Султонназир оға билан 1985 йилдан буён танишмиз. Маълумоти олий. Тошкент давлат маданият институтини кейинчалик, Тошкент давлат

иқтисодиёт институтини молия-иқтисодиёти мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти клуби директори вазифасидан бошлаган.

Кейинчалик Хоразм вилоят маданият бошқармасида, катта инспектор, бошлиқ ўринбосари, бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари, вилоят партия ташкилоти ва вилоят ҳокимлигида масъул вазифаларда ишлаган. Бундан ташқари вилоят “Кинолаштириш ва киноижро” бошқармаси бошлиғи бўлиб вилоятда кино маданияти ва кино индустрияси ривожланишига катта ҳисса қўшган. 2000-2009 йилларда вилоят маданият бошқармаси бошлиғи, мен матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи, Пўлат Ўрозов вилоят маориф бошқармаси бошлиғи, Давронбек Ибрагимов Ватанпарвар вилоят кенгаши раиси лавозимларида сафдош дўстлар бирга истиқлолга садоқат билан хизмат қилганмиз. Ватанга хизмат қилишни доимо шараф деб билганмиз.

Султонназир Қодирович билан охириги 20 йилда вилоятда ўтказилган халқаро, Республика ва маҳаллий миқёсдаги тадбирлар, бундан ташқари “Наврўз” умумхалқ байрами ва Мустақиллик байрамларига тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказишда бевосита иштирок этганмиз. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида, 2002 йилда, Тошкентдан хушxabар келди Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға мувофиқ Бобожонов Султонназир Қодировичға “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони берилган. Бу йиллар

давомида қилинган тинимсиз машаққатли ҳалол меҳнатнинг шарафидир. Султонназир оға кенг феълли, чуқур мулоҳазали, инсонни қалбидагини билиш қобилиятига эга самимий дўстдир.

Нурмуҳаммад Бобожонов – мустақиллигимизнинг илк кунлари эди. Истиклол ғоялари, мустақил ва бетакрор Ўзбекистоннинг келажак йўл харитаси битиклари тузилаётган даврда иш жараёнида танишганмиз. Бу танишув бир-биримизни ҳаётда бир умр, яхши-ю ёмон кунимизда ҳам қўллаб-қувватлайдиган, маслакдош кадрдон дўстларга айлантирди. Оталари эртароқ оламдан ўтган. Оналари фарзандларини ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялаб вояга етказган. Оналари раҳматли, ул зотни дуоларини олганман ҳаётликлариди.

Дўстим Нурмуҳаммад Урганч шаҳридаги Автомобиль ва йўллар техникумини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Урганч шаҳар озиқ-овқат савдо корхонасида сотувчиликдан бошлаган. Кейинчалик вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси автокорхонасида ҳайдовчи, бўлим бошлиғи, бош муҳандис лавозимларида ишлаган. Урганч шаҳар ҳокимининг тавсиясига биноан “Урганч балиқ савдо” жамоа корхонаси директори этиб тайинланди. Ўзининг ҳалол фидокорона меҳнати билан шаҳар ва вилоят раҳбариятини ишончига сазовор бўлган.

Муҳаммаджон халқ таълими бошқармаси транспорт бўлими бошлиғи, вилоят босмахонаси директори ўринбосари, Урганч тумангаз инженери, Урганч тумани Ҳамид Олимжон МФЙ раиси ва турли ташкилотларда турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Вилоят соғлиқни сақлаш

тизими автокорхонаси директори лавозимидан нафақага чиқди. Умри давомида сон-саноксиз хайрли савоб ишларга бош-қош бўлди. Ҳаёт синовларидан ўтган.

Ҳарбийчасига айтганда, у киши билан “разведкага” борса бўлади.

Аёли Марямхон билан бир ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Вақти соатида ўқитиб, уйлантириб, турмушга узатиб эл билан куда-андалик ришталарини боғладилар.

Ҳозирда суюкли невараларни бува ва момосига айландилар.

Уларга худони уйи ва унинг расули Муҳаммад Мустафонинг зиёратида бўлиш, умра сафари амалларини адо этиш насиб этди. Барчага шундай дўстликни раво кўраман.

Ботир Давлетов – сафдош дўстим Ботиржон Комилжонович билан 20 йилдан буён дўстмиз.

Олий маълумотли. 1964 йилда Хива шаҳрида зиёли оилада туғилган. Ёшлигидан спортнинг кураш тури билан шуғулланган, чунки у машҳур Паҳлавон Маҳмуд элининг фарзанди.

Ботиржон Хива тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, мен вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар котибияти мудир вазифасида бирга бир давр, бир соҳада ишлаганмиз. 2000-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида грант асосида бирга ўқиганмиз. Тарихга қизиқиши баланд эди. Академияда ўтган бир йил бизларни дўстлигимизни мустаҳкамлашга, бир-биримизни яқиндан ўрганишга имкон берди. Дўстга содиқ,

лафзи ҳалол, қалби тоза инсон. Тушлик ва кечки овқатни бирга қилмаган кунимиз бўлмаган.

Академияни тугатгач, мен вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи, Ботиржон “Ичон-Қалъа” давлат тарихий-меъморий музей кўриқхонаси директори этиб тайинлашди.

Қарийб 16 йил мобайнида “Ичон-Қалъа” музей кўриқхонасига раҳбарлик қилди. “Ичон-Қалъа”да ички ислохотларни амалга оширди. Дўстим Ботиржон раҳбарлигида сайёҳлар оқимини кўпайтириш, сервис хизматлари тизимини кенгайтириш, хусусий меҳмонхоналарни барпо этилиши, гид экскурсоводларини малакасини ошириш, интернет халқаро хизматларини жорий этиш, сайёҳлар учун методик қўлланмалар, буклет, открытка жамланмалари ва Хива рангли китоб альбоми 5000 нусхада 3 тилда чоп этилди.

Бевосита Ботиржон Комилжонович билан Хоразмшоҳ султон Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, муқаддас Авесто китобининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилеи ва халқаро илмий амалий конференцияларга бағишланган тадбирларни ўтказишда бирга қатнашганмиз.

Ботиржонни ташаббуси билан Хоразм қовунлари сайли Ичон Қалъада ўтказилиши анъанага айланди. Шунингдек бой кадриятларимиз, урф-одатларимиз, тарихий меросимиз ҳақида сайёҳларга бебаҳо маънавият ва маърифатимизни намойиш этган “Асрлар садоси” фестивали, Пахлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган Халқаро кураш мусобақалари, “Талабалар баҳори” ёшлар фестивали, I-халқаро “Рақс сеҳри” фестивалларини ўтказилиши “Ичон-

Қалъа”ни дунё сайёҳлик салоҳиятини юксалишида аҳамияти катта. Вилоятимизга бир ёки икки меҳмон келса ҳам, бутун бошлиқ ишчи делегациялар келса ҳам, албатта, Хивага ташриф буюришади. Бундай пайтларда Ботиржон бошчилик Ичон-Қалъа музей кўриқхонаси ходимлари доим харбийларча меҳмон кутишга шай туришади. Албатта, бу машаққатли, ҳалол меҳнат натижаси. Ҳозирда Ботиржон Комилжонович Хива шаҳар ҳокимининг маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Ботиржондек дўстим борлиги мен учун фахр.

Нурахмад Ҳожибой ўғли – 1961 йилда Хива шаҳрида туғилган. 1985 йилда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтини, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясини, 2003 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Хоразм вилоят телерадиокомпаниясида муҳаррирликдан бошлаб, 2000-2006 йилларда шу компания раиси лавозимида фаолият олиб борган. 2006 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ишлаб келмоқда. Хоразм телерадиокомпанияси раиси даврида, мен вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи лавозимида, бир сафда бирга ишлаганмиз. Нурахмад Ҳожибой ўғлига истиқлолни давтлабки кунларида вилоятимизга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовдан вилоят журналистлари орасидан биринчи бўлиб интервью олиш насиб этган. Хоразм телевидениясини янги бинога кўчириш, “Siemens” компанияси техникалари билан

жихозлаш асосий мақсади ва орзуси эди. Кеч бўлса ҳам дўстим Нурахмадни орзуси 2020 йилда амалга ошди. Хоразм телевиденияси ва радиоси янги бино ва технологияларга эга бўлди. 2021 йил Хоразм телерадиокомпаниясининг 60 йиллиги нишонланади. Самимий дўст, камтарин инсон 2017 йилда Нурахмад Ҳожибой ўғлининг “Ойнинг ўн беши” ёдномалар рисоласи нашрдан чиқди. Тақдироти Хоразмда ҳам кенг жамоатчилик, ёзувчи, шоир, журналистлар иштирокида ўтказилди. Бундай ҳақиқий дўст камдан кам инсонларда бўлади. Барчага шундай ҳақиқий дўсти бўлишини тилайман.

ХУЛҚ, ОДОБ-АХЛОҚ, САБР-ТОҚАТ ҲАҚИДА ҲИКМАТЛАР, РИВОЯТЛАР, ҲИКОЯЛАР

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Кексаларни этсанг азизу хурмат
Сени ҳам кексайгач этишар иззат.

Фаридиддин Аттор

Кексадан истама қувноқлик ҳавас,
Ёшлик ўтмиш, оқар сув ортга қайтмас.

У дамки бошимда отам бор эди
Бошим узра тожим, жигарим бор эди.

Саъдий Шерозий

Кўзгуда нимани кўрар навқирон,
Хом ғиштдан қуролур қари билимдон.

Убайд Законий

МОЖАРОДАГИ ХУЛҚ-АТВОР ҚОИДАЛАРИ:

1. Рақибингизга “ҳовуридан тушиш” имконини беринг. У портлаётган пайтда ўзингизни хотиржам, ишончли тутинг, лекин ўзингизни катта олманг.

2. Ундан ўз даъволарини асослаб беришни талаб қилинг. Чунки ҳиссий танглик жараёнида одам фактлар билан гумонни аралаштириб юбориши мумкин.

3. Тажовузни қутилмаган усуллар билан йўққа чиқаринг (масалан: жаҳлингиз чиқса, сиз яна ҳам чиройли бўлар экансиз, ёки сиз мен кутганчалик жаҳлдор эмас экансиз.)

4. Унга салбий баҳо берманг, балки ўз ҳисларингиз тўғрисида гапиринг. “Сиз мени алдадингиз” деманг, аксинча “Мен ўзимни алданган ҳис қиляяпман” деганингиз маъқул.

5. Қутилаётган пировард натижани ифодалаб беришини ва муаммони қаршиликлар занжири сифатида тасвирлаб беришни сўранг. У билан биргаликда муаммони аниқлаб, унга умумий кучни қаратиш имконига эга бўласиз.

6. Можарода шерикингизга юзага келган муаммони ҳал қилиш бўйича ўз вариантларини ва ўз фикрини айтишини таклиф қилинг.

7. Ҳар қандай шароитда ҳам рақибингизга “ўз юзини сақлаш” имконини беринг. Унинг обрўсига путур етказманг.

8. Унинг фикрлари ва даъволари мазмунини акс-садога ўхшатиб қайтариб туринг. “Мен сизни тўғри тушундимми?”, “Сиз.....демоқчи эдингизми?”

9. “Тенглар” позициясида қатъий туринг. Баъзи бир одамлар бақиргани, бақирган, ёки рақибини совутиш мақсадида индамай тураверади. Иккала позиция ҳам

нотўғри. Ҳар доим осойишта, ўзингизга ишонч позициясида тулинг.

10. Ўзингизни хатоингизни сезсангиз, кечирим сўрашдан кўркманг.

11. Ҳеч нарсани исботлаш керак эмас. Чунки бу бефойда иш.

12. Биринчи бўлиб жиминг.

13. Оппонентингиз ҳолатини тасвирламанг. Нимага эришдингиз ва ҳ.к.

14. Кетаётиб эшикни қаттиқ ёпманг.

15. Рақибингиз совугандан кейин гапиринг.

16. Қарама-қаршиликни ҳал қилиш натижаси қандай бўлишидан қатъий назар муносабатни бузманг.

“Жаҳон адабиёти” журналидан.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – НАВРЎЗ ҲАҚИДА

“Наврўз” янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шуни тақозо этади. “Наврўз” эронликларнинг зижлари бўйича ўтмиш замонларда улар йилларни кабисали қилган вақтларида қуёшнинг саратон буржигга кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. У бугун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда шаҳват кўзғалишидан то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунча давом этган вақтда

келади. Шунинг учун “Наврўз” оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган.

Айтишларича, шу куни Худо фалаклар ҳаракатсиз турганидан кейин уларни айлантириб ва ёритгичлар (сайрдан) тўхтаганидан кейин уларни сайр эттириб юборган.

Қуёшни яратган, ниҳоят у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширинликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган. Айтишларича, шу куни Худо қуйи оламни яратиб Қаюмарсни унга подшоҳ қилган ва “Наврўз” унинг “жашни”, яъни ҳайити бўлган.

Баъзиларнинг айтишича, “Наврўз” Худо маҳлуқотни яратган олти куннинг биринчисидир. Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, “Наврўз” ва “Меҳржон” замоннинг икки кўзидир.

Ал Маъмун Али ибн Тусо ал Риздан “Наврўз” ҳақида сўраганда, у “Наврўз” фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаган, чунки у замоннинг биринчи кунидир – деган.

Хашвияликлардан бирининг айтишича, Сулаймон ибн Довуд – икковига ҳам салом бўлсин – узугини йўқотгач, подшоҳлиги кўлдан кетди, сўнгра қирқ кундан кейин (узуги) ўзига қайтарилиб, равнақи ҳам қайтиб келди. Подшоҳлар унинг ҳузурига келдилар, паррандалар тўпландилар, шунда эронликлар “Наврўзи омад”, яъни “Янги кун келди” дедилар. Натижада шу кун “Наврўз” деб аталди. Сулаймон шамолга буюрди, шамол уни кўтариб учди. Бир қалдирғоч унга рўбарў чиқиб “Эй подшоҳ, уямда бир мунча тухум бор,

уларни босиб кетма, нарирокдан ўт” – деди. Сулаймон наридани ўтди.

Ажам олимлари “Наврўз” кунинда бир соат бор, шу соатда Фируз рухлари махлукни яратишга хайдайди, деб яна, у куннинг энг саодатли соатлари куёш соатларидир. Унинг тонгида ёруғлик имкони борича ерга якинлашади. Одамлар унга қараш билан ўзларини бахтиёр санайдилар. У танланган кундир, чунки у “хумруз” деб аталади. Бу ном бунёд этувчи, санъаткор, яратувчи, дунёни ва унда яшовчиларни тарбияловчи азиз ва улуғ тангрининг исмидир. Унинг неъмат ва эҳсонни бўлакларнинг бир бўлагини ҳам тавсифлашга тавсифловчининг кудрати етмайди дейишган.

У кунни “Наврўз” деб аташнинг сабаби шуки, собитлар Тахмурад даврида юзага чиққанлар. Жамшид подшо бўлгач, (мажусийлар) динини янгиледи ва бу иш қилинган кун, яъни “Наврўз” - “янги кун” деб аталди, бу кун гарчи у (Жамшиддин) олдин ҳам ҳурмат қилинган бўлса-да, ҳайитга айлантирилди.

“Наврўз”ни ҳайит қилиш тўғрисида бундай ҳам дейилган: “Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша кунни аравага чиқди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг аравада учишига тақлид қилиб арғимчоқларда учдилар.”

Эронликларда “Наврўз” кунини бир-бирларига шакар ҳадя қилиш русм бўлган эди. Бағдод мубоди ҳикоя қилишича, бунинг сабаби “Наврўз” кунини Жамшиднинг масканида шакарқамиш пайдо бўлган. Бу шу вақтгача билинмаган эди. Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаётганини кўрган. Унда лаззатли ширинлик борлигини билгач, сувини

чиқариб, ширасидан шакар ишлашни буюрган. Шакар бешинчи кунни кўтариб олинган ва табриклаш учун бир-бирларига ҳадя қилганлар. “Меҳржон” байрамида ҳам бу маросим ўтказилган.

Шу кунини, яъни “Наврўз” ўз вақтидан шунчалик вақт ўтиб кетдики, ҳатто бизнинг замонимизда куёшнинг ҳамал буржиги кирган вақтида, яъни баҳор бошига тўғри келадиган бўлди. Кейин “Наврўз”да отлик аскарларга баҳор ва ёз кийимлари кийгиши Хуросон подшоҳларига русм бўлиб қолди.

ҲИКОЯЛАР

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларидан сўрадилар:

- Аллоҳ ишқи надир?

Жавоб берибдилар:

- Мен бўл-да, бил!

Ҳазрати Баҳоуддин Накшбанддан муридлари бир каромат кўрсатишни сўрашди. Ҳазрат ўринларидан турдилар-да енгил-енгил беш-олти қадам юриб, яна жойларига чиқдилар. Муридлар ҳайрон бўлиб қарашди. Ҳазрати Накшбанд дедилар:

- Икки елкамда тоғдай-тоғдай гуноҳларни кўтариб, кушдай енгил юришимнинг ўзи каромат эмасми?!

Сукротнинг ўлимга ҳукм этилганини эшитган хотини:

- Сизни ноҳақ ўлдиришяпти, - деб йиғлай бошлабди.

- Ўчир, - дебди Сукрот. - Ҳали мени ҳақ бўла туриб ўлдиришларини истабмидинг?

Салжук султонларидан бири, мавлоно Жалолоддин Румийни зиёрат қилиб гап асносида салтанатлари орасидаги фаркни сўрабди.

- Сенинг салтанатинг, то кўзинг очик турган муддатгача давом этади. Меники эса кўзим юмилганидан кейин бошланади – дебди мавлоно.

ҲАЙРАТ УМАР ХАЙЁМ ТАҚВИМИ

Маълумки, 21 мартда кун билан тун чегараси иккала кутбдан ўтади. Яъни сайёрамизнинг ҳар иккала ярим шарида кун билан туннинг узунлиги бир-бирига тенг бўлади. “Наврўз” ҳамиша баҳорги тенг кунликка тўғри келиши учун янги тақвим тузиш машҳур олим, мунажжим, улкан шоир Умар Хайём зиммасига тушган ва у бу хайрли ишга 1074 йилдан киришган.

Олим янги тақвим лойиҳасида жуда пухта ҳисоб-китоб олиб борди, кабиса йилларини Юлий Цезар тақвимида бироз фарқ қиладиган тарзда ишлатишни таклиф этди. Умар Хайём ишлаб чиққан тақвим бўйича 33 йилда 8 та кабиса йили келади. Бу тақвимдаги йил узунлиги 365 кун 5 соату 49 дақиқаю 5,5 сонияга тўғри келган. Ҳозирги йил ҳисоби эса 365 кун 5 соат 48 дақиқаю 46 сония эканлигини ҳисобга олсак, Умар Хайём тақвимидаги фарқ йилига 19,5 сонияни ташкил этади, халос.

1079 йил 16 мартдан бошлаб Эронда қабул қилинган Умар Хайём тақвими тарихдаги жамики тақвимлар орасида энг аниқидир. Ҳозир Афғонистон ва Эронда амалда бўлган тақвим Умар Хайём тақвимига асосланган бўлиб, ҳар йили

баҳорги тенг кунлик “Наврўз” байрами билан бошланади. Мазкур тақвим Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сумбула, Мезон, Акраб, Қавс, Жадди, Лалв ва Ҳут ойларида иборат. Куёшнинг Ҳутдан Ҳамалга ўтиши бизнинг йилномамизга биноан 21 март билан 21 апрел ўртасига тўғри келади. Бу даврда янги йил туғилади. Табиат амалга киради. Умар Хайём 33 йил давомида тузган тақвим тизими бир неча аср ўтгандан сўнг италян олими А.Лилио тузган ва 1582 йил 24 февралда қабул қилинган Григорий тақвимида аниқлиги билан ажралиб туради.

ИБРАТЛИ СЎЗЛАР

“...Соғлом одам соғлом фикрлайди, соғлом фикрлайдиган одамгина Худога иймон келтиради, эътиқоди соғлом бўлади.”

Ислом Каримов

Аёл салтанатнинг пойдеворидир, аёллари тинч яшаган юрт тинч бўлади.

Фарзанд ота-онасини уч нарса билан хурсанд қилиши мумкин:

Баркамол, солих инсон бўлиш;
Уларнинг яқинлари ва дўстлари билан боғланиб туриш;
Ота-она учун дуо қилиш, садақа бериш.

Ҳеч бир йўқотишдан қайғуриш шарт эмас, фақат ниятни йўқотишдан қайғуриш керак. Чунки бирор хайрли иш ниҳоясиз дуруст бўлмайди.

Кишининг энг ёмон жиҳати кибрни севмоқлиги ва ёмон ишларда ихтиёр соҳиби бўлмоқлигидир. Ҳолбуки, кибр фақатгина зоти буткул беайб бўлган зотга ярашади: ихтиёр эса илми буткул жаҳолатсиз бўлган зотга дуруст бўлади.

Ҳаким ат-Термизий

Улуғлик гапда эмас бошдан оёқ,
Ёрти иш ҳам юзта гапдан яхшироқ.

Абулқосим Фирдавсий

Ҳар ишдаким инсон кўрсатур ҳиммат,
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.

Саъдий Шерозий

Эртага қолмаса бугунги иши,
Бу дунёда ғолиб яшар шул киши.

Хусрав Дехлавий

Ҳар тирик жон агар қилса ҳаракат,
Ҳаракатга қараб топар баракат.

Камолиддин Биноий

Қоматдан не фойда диди бўлмаса,
Гул рангидан не фойда ҳиди бўлмаса.

Бадриддин Ҳилолий

Эркин бўлиш учун қонунларга итоат қилиш керак.

Эркинлик, қонунлар йўл берадиган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқи демақдир. Агар фуқаро қонунлар мен қилган нарсани ҳам қила олса, унда эркинлик қолмасди, чунки

бошқа фуқаролар ҳам шу нарсани қилишлари мумкин бўларди.

Ш.Монтескье

Онгли интизом – ахир, ҳақиқий озодлик шу эмасми?!

Н.Рерих

Эркинлик ўзингни кўйиб юбориш эмас, ўзингни бошқармоқдир.

Ф.Достоевский

Ёлгон айтмай ҳам кун кўра оладиган одам эркиндир.

А.Қамю

Йўқчиликнинг синовидан тўқчиликнинг синови оғир.

Б.Мирак

Бурч – ўзинг ўзингга буюрган нарсани севмоқдир.

И.Гёте

Ичимиздаги қонун виждон, деб аталади. Виждон, аслини олганда, ҳаракатларимизни шу қонунга қўллаб кўрмоқдир.

И.Кант

Виждон – алоҳида одам англаган ижтимоий хотирадир.

Л.Толстой

Виждон – ижтимоий уят, уят эса – табиий виждондир.

В.Соловёв

Одамларнинг ҳукмидан қочиш мумкин, ўз ҳукмингдан қочиш мумкин эмас.

А.Пушкин

Бошқаларни кечир, ўзингни кечирма.

Публилий Сир

Кечирмоқ – кучлиларнинг фазилати. Ожизлар ҳеч қачон кечирмайдилар.

М.Ганди

Ўзингни кечирма, шунда бошқаларни кечириш осон бўлади.

Л.Толстой

МУҲАММАД СИДДИҚ РУШИДИЙ

Шарқ маънавияти ва фалсафаси фидойи, эътиқод соҳиби бўлишга, иймон бутунлигига ўргатади, инсонпарвар, касб-хунарга, илм-фанга меҳр қўйишга ундайди; сабр-бардошли, ҳалолу пок, ризқига шукр қилиш, баний одамийга яхшилик қилишга чорлайди. XIX асрда яшаган ўзбек ёзувчиси Муҳаммад Сиддиқ Рушидийнинг “Тазкират ул авлиёи туркий” китоби ҳам 88 нафар донишмандлар фаолиятидан ташкил топган бўлиб, ундаги ҳикоят ва ҳикматларда инсонпарварлик ғоялари илгари сурилади. Аҳдига вафодор бўлиш, дўстликка хиёнат қилмаслик, пешона тери билан топган ризқи билан кун кўриш, кўзланган мақсад йўлида собитқадам бўлмоқ Рушидий ҳикматларининг мағзини ташкил этади. Қуйида ана шу нодир ёдгорликлардан айрим ҳикоят ва бандлар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Нақлдурким, бузурглاردан бири Робия қошига борур эрди. Кўрдиким Робиянинг эгни эски ва йиртик.

Деди:

-Эй Робия, дунёда кишилар тўладур. Мужмал ифода ва ишора қилсангиз, эгик берурлар.

Робия деди:

- аввалки, ҳамма дунё анинг мулкидур, анингдин бир нима тиламакка шарм тутарман, бас, нечун тилагайман, ул кишининг пули ўзининг эмасдур.

Рузайл дебдур: халққа кўрсатмак учун амални дўст тутмоқ риёдур, яъни халқ кўрмаки учун амал қилмоқ шартдур, яъни намоз ўтамасам халқ мени айб қилур, деб намоз ўтаса ширкдур, яъни кофур бўлур.

Нақл қилибдурларким, Иброҳим Адҳамдан сўрадилар:

- Не ҳолда кунингни ўтказурсен?

Иброҳим деди:

- Тўрт от сақлабман: бирининг оти Шукрина, бирининг оти Сабрина, бирининг оти Ихлос ва яна бирининг оти Тавба. Агар менинг олдимга бир неъмат келса, Шукр отига миниб, Сабр отида анинг олдига чиқармен ва агар балое манга юзланса, Ихлос отига миниб, рўбарў бўлурман, ва агар манда гуноҳ пайдо бўлса, Тавба отига миниб, қувлаб-қочарман.

Башир дебди: Одамнинг ёмони ғийбатчи ва бахилдур.

Довуд алайҳиссалом айтган эканлар: “Илм эгаларига айтинг, темирдан асо олсин, темирдан ковуш кийсин, сўнг ҳассасини олиб, ковуши ейилиб кетгунча илм изласин.”

Илмнинг аввали сукут, сўнг эшитиш, сўнг ёд олиш, сўнг амал қилиш, сўнг уни тарқатишдир.

Яҳё ибн Муоз: “Олимлар Муҳаммад (с.а.в.) умматларига уларнинг ота-оналаридан ҳам меҳрибонроқдир”, дедилар. “Қандай қилиб?” деб сўрашди. “Чунки ота-оналари уларни бу дунё оловидан, олимлар эса, у дунё оловидан асрайди”, деб жавоб қилдилар.

Барча яхшиликлар уйнинг ичкарасида, унинг калити тавозедир. Барча ёмонликлар ҳам уйнинг ичкарасида, унинг калити эса такаббурликдир.

ХУКМДОР ВА ДОНО ВАЗИР

Хукмдор элчига ўз вазирининг донолигини пеш қилмоқчи, бу билан аҳли донишлар ўз атрофида тўпланганини намойиш этмоқчи бўлиб, вазирга мурожаат этди:

-Оламда ҳар нарсаки бор, ҳаммасини билурсан, шундай эмасми?

Вазир жавоб берди:

-Билмасман!

Бу жавобдан хукмдор танг бўлди, элчининг олдида хижолат чекди ва яна сўради:

-Унда ҳамма нарсани ким билур?

-Ҳамма нарсани ҳамма билур, лекин ҳамма нарсани ҳали онадан туғилмамишдир, -деб жавоб берди вазир.

“Урганч оқиоми” газ. 28.09.2002

ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Бошингга ғам тушганда, аҳвол сўровчилар ҳар хил бўларкан. Биров сийлаб сўрашса, биров синаб сўрашади.

Ҳар қандай тўғри сўз одам ҳам умрида бир марта ёлғон гапиришга мажбур бўлгандир. Сен нега “Умримда ёлғон гапирмаганман” деб кериласан.

Ҳар қандай ташвиш ва қийинчиликни ҳаёт мактабининг яна бир синови деб қабул қиламан. Яна шундай енгиш осон бўлади.

Шундай одамлар борки, ҳамма нарсани қарзга олишади. Лекин қайтиб беришга келганда... Яхшиям бахтни қарзга олиб бўлмайди. Агар бўлганда ким билсин!

Дунёда энг қийин нарса бировнинг қалбини тушуниш. Бу шу қадар мушкулки, ҳатто она ҳам ўз туққан фарзандини баъзан тушуна олмай қолади.

Нега одам боласи шунақа. Хато қиладию, кейин тушунади. Бирор нарсани қўлдан чиқарадию, қадри учун умр бўйи куйиб ўтади. Лекин кеч бўлади-да.

Қўйинг, менда йўқ фазилатларни айтиб мақтаманг. Хушомадни жиним суймайди.

Сенинг энг ёмон қилигинг шуки, ўзгалар бахтсизлигидан завқланасан, бахилжон.

Жаҳолат ақл ва туйғулар мажрухлиги ҳозирги пайтда ахлоқий иллатга айланмоқда.

В.А.Сухомлинский

Қаердаки, аниқ билим бўлмаса, у жойда фаразлар ҳукм суради, ҳар ўн фаразнинг тўққизтаси хато.

М.Горький

Жаҳолат, нодонлик, дағаллик билан тўқнашдингми, чарчоқ ва дам олиш нималигини билмай уларга хужум қил. Ҳали ҳаёт экансан, уларга зарба кетидан зарба беравер.

Т.Карлейль

Мутлак билимсизлик мутлак калтабинликка олиб боради.

К.Гельвещий

Жаҳолатга тушган зеҳн озуқа етишмаслигидан қурийди.

К.Гельвещий

Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқаси унитилади.

Ақл ва идрок қуёшга ўхшайди. Улар доғларни беркитади.

Ҳадисдан.

Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқаси
унитилади.

Ақл ва идрок куёшга ўхшайди. Улар доғларни
беркитади.

Ҳадисдан.

Нега одам боласи шунақа. Хато қиладию, кейин тушунади. Бирор нарсани қўлдан чиқарадию, кадри учун умр бўйи куйиб ўтади. Лекин кеч бўлади-да.

Кўйинг, менда йўқ фазилатларни айтиб мактаманг. Хушомадни жиним суймайди.

Сенинг энг ёмон қилигинг шуки, ўзгалар бахтсизлигидан завқланасан, бахилжон.

Жаҳолат ақл ва туйғулар мажрухлиги ҳозирги пайтда ахлоқий иллатга айланмоқда.

В.А.Сухомлинский

Қаердаки, аниқ билим бўлмаса, у жойда фаразлар ҳукм суради, ҳар ўн фаразнинг тўққизтаси хато.

М.Горький

Жаҳолат, нодонлик, дағаллик билан тўқнашдингми, чарчоқ ва дам олиш нималигини билмай уларга ҳужум қил. Ҳали ҳаёт экансан, уларга зарба кетидан зарба беравер.

Т.Карлейль

Мутлак билимсизлик мутлак калтабинликка олиб боради.

К.Гельвеций

Жаҳолатга тушган зеҳн озуқа етишмаслигидан қурийди.

К.Гельвеций

Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқаси унитилади.

Ақл ва идрок қуёшга ўхшайди. Улар доғларни беркитади.

Ҳадисдан.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ШАРҚНИНГ БУЮК АЁЛЛАРИ

(давоми)



*Фидойи аёлларимиз Ўзбекистон инсоний салоҳиятининг
олтин фондидир.
Шавкат Мирзиёев*

*Онам – Шокирова Назира она охираглари обод бўлсин, тўплаган
маълумотлари.*

ШАРҚНИНГ БУЮК АЁЛЛАРИ (давоми)

БИБИ УБАЙДА ВА БУВАЙДАЛИКЛАР

Бувайда – азиз авлиёларнинг муборак қадамлари теккан муқаддас тупроқ. Бу номнинг кўйилиши узоқ ўтмишга бориб тақалади.

...Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сафдоши ва куёвлари бўлмиш Усмон Зиннурайн ва Зайнабнинг фарзанди, яъни пайғамбаримизнинг набиралари Шох Жарир Туркистонга йўл олади. Самарқанд, Бухоро ҳокимлари томонидан яхши кутиб олингач, Фарғонага, сўнг Косон шаҳрига юзланади. Бодак қишлоғида тўхтаб, Унгор вилояти ҳокими Карвонбошига элчи жўнатади. У имомни ўз юртига меҳмонга таклиф қилади, қизи – биби Убайдани хотинликка беради. Демакки, Биби Убайда пайғамбаримизга набира келиндир. Орадан бир мунча вақт ўтиб, тақдир тақозосига кўра у эри билан Мадинага кетади. Шох Жарир душманлари томонидан заҳарланиб ўлдирилгач, ёлғизликда ва ғарибликда заҳмат чекади. Ўғли туғилгач Шох Фазл деб исм кўяди. Шох Фазл 40 ёшга етганида онаси Биби Убайда билан биргаликда Косон юртига боради Маркадлар бунёд эттиради. Биби Убайда қавмидан бўлган Бадиғабонуга уйланиб, ундан ўғил кўради ва уни отасининг хурматиغا Муҳаммад Жарир деб атади. Биби Убайда мазори деб

аталаётган жойда ҳалок бўлган. Бу жой XX асрнинг 30 йилларигача ҳам Биби Убайда деб келинган. Бу муборак жойдан беш-ўн чақирим наридаги “Пошшопирим” деб аталадиган мақбара Биби Убайданинг набираси Мухаммад Жарир номи билан аталади.

Яна бир ажойиб далил. Ўзининг пири муршиди хисобланмиш Саййид Бараканинг васиятларига кўра, буюк бобомиз Амир Темур ўз тасарруфидаги ерларда ётган пайғамбарларимиз ва азиз авлиёлар қабрларини топтириб, уларга мухташам мақбара ва обидалар қурдирган. Ана шулар қаторида XIV-XV асрларда Биби Убайда, Шоҳ Жарир Пошшопирим, Султон Боёз Бастомий мақбаралари бунёд этилган.

Шўролар замонигача бу жойлар муборак қадамжолар сифатида авайлаб-асралган, муқаддас зиёратгоҳ дея эъзозланган. Аммо кизил империя даврида аёвсиз вайрон қилинди, молхона, кўйхоналарга айлантирилди.

Биласиз, - тарихда Амир Темур бобомизгина пайғамбарларимиз, азиз авлиёларимиз қабрини, мақбараларини обод қилганди. Бу савобли ва хайрли ишга тарихда иккинчи бор Президент Ислом Каримов кўл урди. Ат-Термизий, Исмоил Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Паҳлавон Маҳмуд, Саййид Аловиддин пирлар каби улуғ алломаларимизнинг мақбаралари қайта таъмирланиб, янгидан янги ёдгорликлар ўрнатилди, катта ишлар амалга оширилди.

ТУРКИСТОН АЁЛ ҚЎРБОШИЛАРИ ҚИСМАТИ

Сўнги 15 йиллик изланишлар натижасида Туркистонда 1920 йилларда 3 нафар аёл қўрбоши ва 2 нафар полвон аёл ўтганлиги аниқланган.

Архив манбаларининг гувоҳлик беришича, Фарғона водийсидаги ватанпарварлар сафида ўзбек ва қирғиз аёлларидан чиққан қўрбошилар ҳам бор эди. Хусусан, Муҳиддинбекнинг онаси ва Шакархон қўрбоши (?-1921) бошчилик қилган гуруҳлар шўро босқинчилари юрагига даҳшат солган.

Муҳиддинбекнинг ўлиmidан кейин унинг онаси (афсуски, бирламчи манбада бу жасур аёлнинг исми кўрсатилмаган) ўғлидан қолган ҳарбий гуруҳга бошчилик қилган ва Ўш уездида кизил аскарларга қарши мардонавор курашган (Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 2 рўйхат, 38-иш, 4-в).

Муҳиддинбек 45 ёшда ўлдирилганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу пайтда унинг онаси тахминан 65-70 ёшларда бўлган. Унинг жасоратига Қизил армия кўмондонлари ҳам тан берган. Афсуски, бу довюрак аёлнинг 1923 йилдан кейинги тақдири ҳақида ҳужжатлар сукут сақлайди.

ШАКАРХОН ҚЎРБОШИ

Фарғона водийсидаги жасур аёлларнинг XX асрдаги вакиласи эди. У Олтиариқнинг Полосон қишлоғида туғилган. Отаси – уста Ҳоликбой узок йиллар Олтиариқ бозорида оқсоқоллик қилган. Шакархон отасининг эркаси, мағрур ва гўзал қиз эди. Анча тортишувлардан кейин кўнчи бойлардан бўлган Отажон унга уйланади. Уларнинг уч қиз ва бир ўғли бўлган. 1916 йили Отажон вафот этиб, Шакархон бева қолди.

1918 йилнинг ёзида олтиариқлик Тўйчи қўрбошининг Тошқўрғон қишлоғидаги уйига қуролланган 30 йигит ҳамроҳлигида эркакча кийиниб олган Шакархон кириб келади. Тез орада у 500 йигитдан иборат ҳарбий дастага раҳбарлик қилади ва Шакархон қўрбоши сифатида Фарғона водийсида машҳур бўлади. Унинг йигитлари Қайрағоч қишлоғини қизил аскарлардан ҳимоя қилишган. 1918 йил кузида унинг ёлғиз ўғли Одилжон қўлга олиниб, чекистлар томонидан отиб ташланади. А.Ибодинов ва Ю.Эминовларнинг ёзишларича, 1921 йил охирида Қайрағоч қишлоғида қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувларнинг бирида Шакархон қўрбоши ҳалок бўлади.

Бухоро ва Хоразмда аёллардан кўплаб қўрбошилар чиқиб, мустақиллик учун кураш тарихига шонли саҳифалар битишган.

Карманалик **НОДИРА ҚИЗ**
улардан бири ҳисобланади.

Нодира қиз 1904 йилда Бухоро амирлигига қарашли Кармана беклигидаги Зиёвуддин қишлоғи (ҳозирги Самарқанд вилояти Пахтачи туманининг маркази Зиёвуддин шаҳри)да Мулла Раҳматиллабой хонадонидан туғилган.

1923 йили қизил аскарлар Зиёвуддин қишлоғига бостириб кириб, унинг икки акасини ўлдиришади. Нодира бу фожеадан кейин икки йилча Бухорода босқинчи Қизил армияга қарши жангларда қатнашади. Юрт қўлдан кетганлигини кўрган Мулла Раҳматиллабой 1925 йили ўз оиласини олиб Афғонистонга жўнаб кетишга мажбур бўлган.

Саид Мансур Олимий “Бухоро-Туркистоннинг бешиги” асарида гувоҳлик беришича, Афғонистонда Нодиршоҳ ҳукмронлиги даврида (1929-1933 й.) туркистонлик муҳожирларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашган. Бу пайтда Афғонистонга нисбатан СССР нинг тазйиқи ҳам кучайган эди.

Ана шундай тўс-тўполонлар даврида икки ҳарбий Нодиранинг уйига кириб, кўз ўнгида ота-онасини ўлдиришади ва унинг номусига тажовуз қилмоқчи бўлишади. Бундай ёвузликни кўрган Нодира ҳар икки аскарни қилич билан чопиб ташлайди. Нодира ўз атрофига туркистонлик муҳожир аёллар ва қизларни тўплаб, улардан маҳсус даста тузади. Бу аёллар афғон маъмурларидан Нодира бошчилигида ўз озодликларини ҳимоя қилишади.

1930 йили Нодира ўз дастаси билан Таҳор вилоятининг маркази Толиконда турган Иброҳимбек (1889-1932) сафига келиб қўшилди.

1931 йил баҳорда Иброҳимбек СССР худудига кирганида унинг қўшин сафида Нодира киз ҳам бўлган. Афсуски, Нодиранинг 1931 йилнинг ёзидан кейинги тақдири номаълумлигича қолмоқда.

“Гулистон” журналидан 2002 йил.

ОНА КУТГАН КУН

Дилноза бундай бўлишини хаёлига келтирмаганди. У онасини жонидан ортиқ яхши кўрар, шунинг учун ҳам волидаси ҳаётига мазмун бағишлашни ўйларди. Шу ниятда уйдан чиққан, худди эртақлардагидек ўз бахтини топиб қайтмоқчи эди. Аммо ҳаёт эрмак эмас, унинг шундай сирли – сеҳрли синовлари бор эканки, у Дилнозани ҳам кўнгил кўчасига бошлаб кетди. Бу кўчада уч ой тентираб юрди. Охири совчилар билан уйига кириб келганида ҳам бадавлат куёв дарагини эшитиб онам роса севинадилар, деб ўйловди. Аммо онаизори уни кучоқ очиб кутиб олмади. Кутиб олувчилар эса шунчаки совуққина қаршилашди.

Шунда киз ўнгида онаси ётадиган уйда кўрган манзара гавдаланди. Нега шам ёқиб қўйишганига тушунгандай бўлди. Бу аччиқ ҳақиқат ростлигини яқинлари эгнидаги аза кийимлари тасдиқлаб турарди. Ҳалигача бунга аҳамият бермаганига ўзи ҳам хайрон эди. Чунки унинг фикри, хаёли нозик жойдан келаётган нуфузли совчилар билан банд эди. Ҳаммасига тушуниб етгач, онаизорининг кийимларини

кўзига суртиб йиғлади, волидасининг орзу-ниятларини эслаб афсусланди. Аммо энди кеч эди...

Ўшанда Дилноза ўзига бахт излаб уйдан чиққан эди. У қолдирган хатдаги “Мендан хавотир олманглар, савдо билан кетаяпман. Тезда қайтаман” деган сўзларни ўқиб онаизори бўлари бўлди. Икки-уч кунгача бу хабарни ҳеч кимга айтмади. Қизим келиб қолар деб кутди. Охири бўлмади, эрига ёрилди. Қизининг хатини кўрсатиб, маслаҳат сўради. Эри эса тутакиб кетди, ҳар икки гапининг бирида уни вайсайдиган, унга захрини сочадиган бўлди. Аламзада сўзлар юрагига ҳар кун найзадек санчилавериб, охири уни йиқитди. Онаизор шунда ҳам фақат қизини кутди, “тиқ” этса эшикка қараб умидвор яшади.

Кунларнинг бирида шаҳарда ўқийдиган кўшнисининг кизи уни йўқлаб кирди. Дилнозани кўрганини, бир ҳафтадан кейин қишлоққа қайтишини айтди. Онанинг дардманд юзларига нур югурди, кўзларида умид чакнади. Қизининг ташрифига пинҳона тараддуд бошлади. Келинларига айтиб ҳовлиларни чиннидек тозалатди, кўрпа тўшакларни ювиб, қайта қуритди. Азиз меҳмондек қизини кутди. Дўхтирлар “Умид йўқ” деган аёлининг руҳидаги ўзгаришлардан эри ҳам қувонди, ҳам кўрқди. Аммо оғзидан чиққанини бажо келтирди.

Ниҳоят она кутган ўша кун етиб келдию, умид билан кутгани келмади. Онаизорининг сўнган умиди чил-чил синди. Кутавериб чарчади...

Тонгда тумонот одам йиғилди. Фақат улар орасида Дилноза йўқ эди.

*Рўза Сайдаматова
“Ишонч” газ. 2002 йил 3 ноябрь.*

ҚАТТИҚ ГАПИРМАНГ

Аёллик – бу аёллик. Ана шунинг ўзида уларга хос ташқи ва ички дунё акс этгандек. Сифатларга келсак, улар жуда кўп. Лекин биринчи бўлиб аёл, кизларга нисбатан “назокат”, “дилбарлик” сўзлари ишлатилади. Айнан шу сўзларда киз – аёлларга хос бўлган хулқ, ахлоқ, одоб акс этган...

Аёл кишининг юриш-туриши, гап сўзи назокатли, дилбар ва иболи бўлсин. Бундайларга ортиқча кўпол ҳаракатлар ярашмайди. Назокатлик, дилбарликка, мулойимлик, нозик хатти-ҳаракат муносиб.

Қаттиқ гапириш, қаттиқ кулиш, ҳаммани ўзига қаратиш назокатликдан йироқдир. Тили ширин, чехраси гулгун, қалби пок киз-аёллар ўз оиласининг бахту-саодати, она-онасининг фаҳри бўлибгина қолмай, ўз элининг кўрки ҳамдир.

Демакким, аёл киши, энг аввало ақлу фаросат, идрок, назокат эгаси бўлиши лозим. Назокат ҳамиша меҳр булоғидан сув ичади. Назокатли, латофатли аёл ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута билади. Қадр-қиммати, шарм-ҳаёсини сақлай олади. Гўзал чехра аёл бойлиги бўлгани каби дили поклик ундан афзалдир.

“Оила” журналидан. 2001 йил.

АЁЛ ҚУДРАТИ

Табиат аёлга шундай дейди:

Уддасидан чиксанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.

Ўз муҳаббати билан олишаётган аёлнинг қатъияти оламда мавжуд жами қатъиятларнинг олижанобидир.

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

Аёл қалби

Аёл қалби тесқари магнитга ўхшайди: яқинлашсанг – узоклашади, узоклашсанг – яқинлашади.

Ҳушёр бўлинг

Аёл сизни жуда қаттиқ севса, ҳушёр бўлинг. Оташин муҳаббат – рашкка, рашк – шубҳага, шубҳа – худбинликка, худбинлик – душманликка айланиши мумкин.

Гўдак иси

Аёл гўдак исини биринчи фарзанди туғилгандаёқ ҳис этади. Эркак эса гўдак иси нималигини неварали бўлгандан кейин англайди...

Биз – эркаклар доим кечикиб юраимиз...

Оталар ва болалар

У оддий одам эди. Ҳаммолчилик қиларди. Тўрт киз, тўрт ўғилни оёққа турғазди. Ўғилларини уйлантирди, кизларини чиқарди. Ҳаммасини уйли-жойли қилди. Кўз

юмаётганида “Ҳаммаларингдан мингдан-минг розиман” деди...

Қарашса, кафанлиги йўқ экан.
Асл айнимас

Сопол товоғинг синса, дод сол: кесакка айланади. Тилла идишинг синса, парво қилма: баҳоси тушмайди!

Кулги ва йиғи
Кулишни билмайдиган одам – бахтсиз одам. Йиғлашни билмайдиган одам икки ҳисса бахтсиз.

Ўткир Ҳошимов

АЁЛ МАДҲИ

Сендек жаҳонда кўзлари айна бало қани?
Мендек анинг балоси била мубтало қани?

Эрнинг аниқи гарчи жаҳонда ягонадир,
Чеҳрам менгизли ҳам яна бир қаҳрабо қани?

Кўзни ғубор тутти фироқингда йиғлаю,
Изинг тузингдин ўзга анга тўтиё қани?

Лаълинг шароби бўлди кўнгил дардина даво,
Бу дард жонга етти, вале ул даво қани?

Юзимни олтун этти сенинг ишқинг, эй санам,
Мундоғ бакони олтун этар кимё қани?

Қадду ҳадинга сарву гул ўзин тутар шабих,
Онла бўю юзинда бу обу-ҳаво қани?

Ҳуснинг закоти бергали бир қўлни изласанг,
Саккокийдек бу дунёда бир бенаво қани?

Саккокий

АЁЛНИ ЯРАТДИ

Яратган ким тан ичра жон яратти,
Сени кўрклуқлар ичра хон яратти.

Куёш янглиғ юзингни ёритти,
Фалакдек бизни саргардон яратти.

Ҳалойиқ қибласи бўлди жамолинг,
Ўшал кунким сени яздон яратти.

Тўлин ой тарбия сирав узра қилди,
Ой ичра ғунчаи хандон яратти.

Жамолингни жаҳонга жилва қилди,
Мени ул сурата ҳайрон яратти.

Эшиттинг эрса, Юсуфнинг жамолин,
Сени ҳусн ичра сад чандон яратти.

Карим тангри камолин қилса изҳор,
Сен ойни бўйла бенуқсон яратти.

Зихи қодир ким ул бир қатра сувни
Муҳаббат гавҳаринга қон яратти.

Азалда қилди Хоразмийни муҳтож,
Таги манзурини султон яратти.

Хоразмий

Миллий оила кучли жамиятга, қудратли давлатга асос бўлади.

Шавкат Мирзиёев

МОЗИЙ ВА МАЪНАВИЯТ ПИРУ БАДАВЛАТЛИК АСРОРЛАРИ

Қадрли кадриятларимиз.

Ховлимизда саҳарлаб карнай-сурнай садолари янграган дам. Ёшлари тўксондан ошган табаррук падари бузруквор Мухаммад Сиддиқ ота, волидам Мамлакатхон аяларнинг олмос тўйини овоза қилгувчи садолар бўлар эди. Олмос тўй қандай тўй, ҳеч эшитганмисиз?

Бир никоҳ – бир рўзғорда 70 йил... бир ёстикка 70 йил бирга бош кўйиб, неча суронли йиллар ва ҳадисларнинг гувоҳи бўлиб, елкама-елка иноқ яшаб ўтган азиз инсонларнинг никоҳ тўйларига 70 йил тўлиши “Олмос тўй” энг мустаҳкам тўй, дея эъзозланмоқда эди бу кун.

Бундай бахтга эришмоқ сабаби нимада?

Ота-онамнинг барҳаёт сиймолари олдида таъзим қилган ҳолда, уларнинг ҳаловат ва файз билан 70 йилдан ортиқ рўзғор қуриб, узоқ-умр кўрганлари сабаби ҳақида кўп ўйлайман. Мана шу бахтнинг бош сабабчиси уларнинг майин хулқларида, кундалик яшаш тарзларида, ўй-фикрларида тетик руҳиятларида ва ниҳоят, яхши ниятларида бўлган, деб биламан.

Миллий кадриятларимиз тикланаётган ҳозирги кун ўлчови билан назар ташланса, уларнинг ва кўплаб уларга замондош инсонларнинг хулқларида тасаввуф ва жавонмардлик тариқат изларини кўраман.

Улар ўз атрофидаги кишиларга хайрихоҳ бўлишган. Бирор инсон ҳақида улардан ёмон фикр эшитмаганмиз.

Хонадонимизда гийбат деган нарса бўлган эмас. Кенг ховлининг ҳар бир туп мевасидан бир неча ховли ён кўшниларга, албатта насиба тарқатилар, ховлимиздаги бор нарса умумникидек тасаввурда улғайдик. Маҳалланинг катта-кичик неча авлод боласи учун улар “Дада ва буви” эдилар. Маҳаллада янги туғилган ҳар бир гўдак биринчи бўлиб уларга суюнчиланар, ҳар бир бемор кўшни уларнинг нигоҳида эди. Бу хайрихоҳликнинг энг олий кўриниши уларнинг ўзаро бир-бирларига хайрихоҳлигидир. Ана шу эзгуликлар қаердан бошланади, қайси манзиллардан ўтади ва қай мақсадларга интилади?!

Бу йўлнинг боши оила номли гулшанда экани айни ҳақиқат бўлса, ҳаёти дунё деб аталмиш бу синов диёрида манзил кўрган.

Йўл боши – яъни оила номли гулшаннинг боғбонлари ота-онадир. Унинг ниҳоллари жажжи фарзандлар бўлиб, ота-онанинг машаққатли ва эзгу меҳнатлари эвазига жамиятнинг янги авлодлари вужудга келади, тарбияланади ва камол топади. Фарзанд камолотига энг мутасадди шахслар ота-она, қай йўсинда бу вазифани амалга оширади. Бунинг энг биринчи шох усули уларнинг шахсий ибратларидир. “Қуш уясида кўрганини қилади”. Инсон боласи ҳам ўз уйида кўрганини қилади, албатта. Лекин инсон боласи олган тарбиянинг асоси бутун инсоният жамиятида акс этади. Оилада ота-онанинг ибрати – яъни уларнинг дунёқараши, фикр-интилишлари, хулқ-атворларининг қандайлиги тарбия натижасига таъсир этувчи энг биринчи омилдир. Ана шу ибрат бўлувчи фазилатларни камол топтирайлик.

Журналист

Мавлуда Иминова. Андижон.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ
**ШАХМАТ ҲАҚИДА,
МАШҲУР КУТУБХОНАЛАР ВА
НОДИР АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ**
(давоми)



*2012 йилда Камолот Ёшлар шахмат мусобақасининг
Республика босқичи мутлақ ғолиби, ўғлим – Абу-Жаъфар
тўплаган маълумотлар
(давоми)*

**17- ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ
ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ – РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ!**

1979 йил 5 декабрда Тошкентда туғилган. У 5 ёшида шахмат ўйнашни ўрганган. Рустам Қосимжонов 1994 йилда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони, 1997 йилдан – гроссмейстер, 1998 йилда биринчи Осиё эркаклар чемпионатининг ғолиби.

Ереванда 1999 йилда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллади.

2001 йилда Эссенда ва 2002 йилда Памплонадаги турнирлар ғолиби.

2002 йилда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод штатида Рустам Қосимжонов – Вишванатан Ананд билан бўлган турнирда 2-ўринни эгаллади.

Уйланган, оилали, 2 та ўғилни турмуш ўртоғи Фирузахон билан тарбияламоқда, шунингдек оилада синглиси Умида ва укаси Хуршидлар билан бирга яшайдилар.

Рустам Қосимжонов оламшумул ғалабага ФИДЕнинг жаҳон нокаут-чемпионатида, 2004 йилда Ливия араб давлатининг пойтахти Триполи шаҳрида эришди.

Рустам Қосимжонов номида – 2001-2005 йилларда Ўзбекистон почта маркаси муомалага чиқарилди. Жаҳоннинг нокаут-чемпионатидаги ғалабасидан кейин

Рустам Қосимжонов Пуне шахрида вакиллик турнирида ҳам галабага эришди.

Шахмат оламида ҳамкорликда олиб борилган саъй-харакатлар натижасида 2005 йилда Қосимжонов ва Гарри Каспаров ўртасида ўйин режалаштирилган эди, аммо беллашув ўтказилмади.

Рустам Қосимжонов 2005 йилда чемпионлик мақомини Веселин Топаловга бериб қўйди.

Ҳозирда Рустам Германиянинг “Бад Годесберг” шахридаги бундеслига шахмат клубида ўйнамоқда.

2000 йилда “Ўзбекистон ифтихори” унвони,

2004 йилда “Амир Темур” ордени билан тақдирланган.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК СОЛИҚЧИ – ГРОССМЕЙСТЕР

Бирлашган Араб амирликларининг Дубай шахрида ҳар йили халқаро шахмат мусобақасини ўтказиш яхши анъанага айланган. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мусобақада жаҳоннинг донгдор шахматчиларидан 168 нафари иштирок этди. Уларнинг 48 нафари гроссмейстер эди. Ана шундай нуфузли мусобақада ҳаваскор шахматчи, Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси назорат ишлари инспектори Акбар Алибоевнинг ҳам иштирок этиши ўзига хос воқеа бўлди. У 9 имкониятдан 5 очко тўплаб, “ФИДЕ гроссмейстери” деган унвонга сазовор бўлди. Бу унвонни тасдиқловчи сертификат Акбарга тантанали суратда топширилди. Унга халқаро шахмат федерацияси Президенти Кирсан Илюмжинов имзо чеккан эди.

XIX асрни 60-йиллари, XX ва XXI аср жаҳон шахмати майдонида етишиб чиққан чемпионлар сони атиги 20 та

холос. XXI аср шахмат бўйича жаҳон чемпиони буюк ўзбек фарзанди 24 ёшли Рустам Қосимжоновдир – жаҳон чемпиони бўлиш билан бирга – Рустам Қосимжонов Ўзбекистоннинг улуғ алломалар юрти эканини яна бир бор дунёга танитди.

ОЛТИНЧИ ЧЕМПИОН: МИХАИЛ БОТВИННИК ҲАҚИДА

1911 йилнинг 30 августида Петербург яқинидаги Репино шаҳарчасида туғилган. 12 ёшидан шахмат ўйнай бошлаган. 1925 йилда жаҳон чемпиони Хосе Капабланка ленинградлик шахматчиларга бир йўла сеанс берганида уни фақат бир ўйинчи – ўн тўрт ёшли Миша Ботвинник мағлубиятга учратганди. Ушбу галаба бу истеъдодли ўспириннинг шахматга бўлган меҳрини янада жўштириш билан бир қаторда, унинг ўзига бўлган ишончини кучайтириб юборганди.

Михаил политехника институтида таълим олаётганидаям, техника фанлари бўйича докторлик диссертациясини ёқлаб, илмий иш билан банд бўлган чоғларидаям шахматдан ажралмайди: мусобақаларда фаол қатнашиб, гоҳо биринчи, гоҳо иккинчи ўринларни эгаллайди.

1946 йилги чемпионат арафасида рақиби Александр Алёхин вафот этгач, жаҳон биринчилиги учун беллашув 1948 йилга кўчирилади ва унда дунёдаги энг кучли гроссмейстерлар қатнашиб, сўнгги курашда Михаил Ботвинник ғолиб чиқиб, олтинчи жаҳон чемпионлигига сазовор бўлади.

Орадан уч йилдан сўнг унинг тожиги Давид Бронштейн (1924), 1954 йилда эса Василий Смыслов ҳамла қилишади. Аммо қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Лекин “суллоҳ” Смыслов икки йил ўтгач, курагини ерга теккизиб, Михаил Моисеевични “тахтидан” ағдариб ташлайди. Тахтда эса атиги бир йил ўтиради, холос. Ботвинник 1957 йилда “бир мушт билан” кулатиб, тагин жойига ўз чиқиб олади олтмишинчи йилларда Михаил Таль дегани қуюндек ёпирилиб, адашининг унвонини олиб қўяди. Лекин бир йилга: минг тўққиз юзу олтимиш биринчи йилда ўтказилган реваниш беллашувида рақибидан енгилиб, унвонини ўзига қайтариб беришга мажбур бўлади. 1963 йилда Тигран Петросянга бой бериб қўйгач эса, унвонини бошқа қайтариб ололмайди...

Ўн уч йил давомида чемпионлик гаштини сурган Михаил Ботвинник 1995 йилнинг 5 майида 84 ёшида (Москвада) оламдан ўтади. Михаил Моисеевич ҳам шахмат тараққиётига салмоқли улуш қўшган. У яратган мактабда А.Карпов, Г.Каспаров ҳамда бир қатор бошқа гроссмейстерлар сабоқ олишган.

*“Марказий Осиё” газ.
2002 йил. 1-7 июнь*

Шахмат бўйича жаҳон чемпионлари

Т/р	Исм фамилияси	Чемпионлик йиллари	Сурати	Мамлакат номи
11	Роберт Фишер	1972-1975	 (9 март 1943 17 январ 2008)	АҚШ. Шахмат касаба уюшмасининг отаси
12	Анатолий Карпов	1975-1985 1993-1999	 (23 май 1951 й. туғ)	СССР Россия
13	Гарри Каспаров	1985-1993 1993-2000	 (13 апрел 1963 й. туғ)	СССР Россия
14	Александр Халифман	1999-2000	 (18 январ 1966 й. туғ)	Россия
15	Вишванатан Ананд	2000-2002 2007-2013	 (11 декабр 1969 й. туғ)	Ҳиндистон
16	Руслан Пономарёв	2002-2004	 (11 октябр 1983 й. туғ)	Украина
17	Рустам Қосимжонов	2004-2005	 (5 декабр 1979 й. туғ)	Ўзбекистон

18	Веселин Топалов	2005-2006	 (15 март 1975 й. туғ)	Болгария
19	Владимир Крамник	2006-2007	 (25 июн 1975 й. туғ)	Россия
20	Магнус Карлсен	2013 – х.в.	 (30 ноябр 1990 й. туғ)	Норвегия

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ, французча Federation international des Echecs, FIDE) ҳақида

1924 йил 20 июлда Парижда ташкил топган, миллий шахмат федерацияларини бирлаштирувчи, халқаро спорт ташкилоти.

Шахматни оммавийлаштириш, жаҳон чемпиони унвони учун талабгорлар ўртасида турнирлар, шахмат олимпиадалари ва бошқа халқаро шахмат турнирлари шунингдек, спорт унвонлари билан тақдирлаш, шахматчиларнинг расмий рейтинглари ҳисобини юритиш ва ОАВда эълон қилиш ишларини ташкил этади.

ФИДЕ шиори – “Gens Una Sumus” лотинчада, ўзбекчада “Биз – бир оила”.

ФИДЕ штаб – квартираси Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган, бундан ташқари Элиста шаҳрида ҳам ўз офисига эга.

ФИДЕ низомида расмий муомала тили – инглиз ва француз тиллари деб айtilган, барча ҳужжатлар инглиз тилида юритилади. Бундан ташқари ФИДЕ конгрессларида испан ва рус тилларидан ҳам фойдаланилади.

ФИДЕ жаҳон миқёсида – шахмат олимпиадалари, жаҳон кубоги, 1948 йилдан буён эркаклар ва аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги матчлари ва бошқа мусобақаларни ўтказиб келаётган халқаро спорт ташкилоти шахмат олимпиадаси (аввалги номи – миллатлар турнири).

Жамоавий турнирлар, икки йилда бир марта 1927 йилдан буён ўтказилиб келинмоқда.

ФИДЕга аъзо давлатларнинг шахмат жамоалари иштирок этиш ҳуқуқига эга. Қоидага биноан олимпиада билан бирга ФИДЕ конгресси ҳам ўтказилиши бошланган.

Жаҳон чемпиони унвони учун мусобақалар ФИДЕ ташаббуси билан 1948 йилдан буён ўтказилиб келинмоқда.

Амалдаги шахмат бўйича 4-жаҳон чемпиони Александр Алехин вафотидан кейин, янги жаҳон чемпионини аниқлаш учун матч-турнир ўтказилган.

Шундан кейин жаҳон чемпиони, жаҳон чемпионатида аниқланган, бундан (1993-2006) йиллар мустасно.

ФИДЕ нокаут – тизими бўйича жаҳон чемпионати ўтказганда амалдаги 13-жаҳон чемпиони Гарри Киспаров ФИДЕ шартлари бўйича ўйинни рад этган. Шундан кейин ёнма-ён жаҳон чемпиони ва классик йўналишдаги жаҳон чемпионлари пайдо бўлган.

2006 йилда Владимир Крамник икки версия бўйича жаҳон чемпионлигини, Василий Топаловни мағлубиятга учратиб қўлга киритган.

2007 йилги жаҳон чемпиони хиндистонлик Вишванатан Ананд 2008 йилда Владимир Крамник устидан галаба қозонди ва ўртадаги узилиш бартараф этилган.

ФИДЕ жаҳон чемпиони унвонини матчда аниқлаш версиясига қайтган.

Алоҳида шуни таъкидлаш керакки: хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионатлари ФИДЕ томонидан 1927 йилдан буён ўтказиб келинмоқда.

Халқаро шахмат федерацияси ФИДЕ маълумоти.

ЖАҲОННИНГ ЭНГ МАШҲУР КУТУБХОНАЛАРИ

1. Қозоғистон, Элбаси Нурсултон Назарбаев номидаги миллий кутубхонаси. 12.500.000 китоб фондига эга.

2. Испания Миллий кутубхонаси. Мадрид китоб фонди 25 000 000 ташкил этади. 1090 нафар ходим хизмат кўрсатади.

3. Берлин Давлат кутубхонаси, Германия филиаллари: Leipzig ва Frankfurt an mein шаҳарларида, жами: филиаллар билан бирга 23 400 000 фондга эга.

4. Дания Қироллик кутубхонаси, Копенгаген. 33 300 000 фондга эга бўлиб, атиги 429 та ходим хизмат кўрсатади.

5. Туркия Президенти Ражеп Тойип Эрдоған томонидан бунёд этилган халқ кутубхонаси 2020 йилда очилди. Унинг очилишида юртбошимиз Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва оташин нутқ сўзлади.

6. Миллий Парламент кутубхонаси. Япония. Токио. Жами фонд 35 700 000 ташкил этади. 890 нафар ходим хизмат кўрсатади.

7. Хитой Миллий кутубхонаси. Пекин. Китоб фонди 31 200 000 дан иборат. Бир йилда 5 200 000 одам ташриф буюради. 1365 нафар ходим хизмат кўрсатади.

8. Йел университети кутубхонаси. АҚШ. Нью-Хейвен. 15 200 000 ноёб фондга эга. 598 нафар ходим хизмат кўрсатади.

9. Оксфорд кутубхонаси, дунёнинг энг қадимий кутубхоналаридан, Томас Бодлейяна шарафига номланган. Марказий кутубхона ва 8 та унга қарашли кутубхоналардан иборат. Дунё олимлари ушбу кутубхона фондидан фойдаланишади. Фонди сир сақланади.

10. Флоренциядаги Лауренциана кутубхонаси. Жаҳоннинг энг йирик кутубхоналаридан бири. Тикланиш даври. Хазинасидаги қимматбаҳо кўлэзма асарлар ва китоблар Сан-Лоренцио мажмуасиники ҳисобланади. Микеланжело Буонарроти лойиҳаси асосида қурилган.

Халқаро интернет ахборот кутубхонаси маълумоти.

ДУНЁДА КИТОБГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТГАН МАМЛАКАТЛАР

1. Муқаддас “Авесто” китоби монументи Ўзбекистон, Урганч шаҳри.
2. “Китоб” мемориали – Огайо штати. АҚШ.
3. “Китоб” манументи – Омон давлати
4. “Рухнома” китоби ёдгорлиги – Ашхобод шаҳри. Туркменистон.

**ҲАР БИР КИШИ ЎҚИБ ЧИҚИШИ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН
100 ТА КИТОБ – НОДИР АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИНИНГ**

50 ТАСИ (давоми)

51. Кутадғу билиг (Юсуф Хос Ҳожиб).
52. Инсон хусни (Мирзакалон Исмоилий).
53. Иймон (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф).
54. Аждодларимиз фожиаси (Миркарим Осим).
55. Танбеҳул гофилийн (Абу Лайс Самарқандий).
56. Сўнги ўк (Тохир Малик).
57. Ҳалол нимаю ҳаром нима? (Тохир Малик).
58. Раҳиқ ал-маҳтум (Сафийюр Раҳмон Муборақфурий).
59. Очиқ хат, Дин насихатдир, Васатия, Ихтилофлар, сабаблар ва ечимлар (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф).
60. Тил номуси (Аҳмад Аъзам).
61. Гулистон ва Бўстон (Саъдий).
62. Жалолиддин Румий (Радий Фиш).
63. Шавкат Раҳмон шеърлари.
64. Қатлнома (Набижон Бокий).
65. Маҳтумқули шеърлари.
66. Жимжитлик, Уфқ (Саид Аҳмад).
67. Шайтанат (Тохир Малик).
68. Тазкират ул-авлиё (Фаридиддин Аттор).
69. Қўшчинор чироқлари (Абдулла Қаҳҳор).
70. Минг бир кеча.
71. Ичиндаги ичиндадир (Жалолиддин Румий).
72. Сабот ул-ожизийн (Сўфи Оллоёр).
73. Мукошафатул кулуб (Имом Ғаззолий).
74. Уламолар наздида вақтнинг кадри (Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда).

75. Судхўрнинг ўлими (Садриддин Айний).
76. Сарик аждар хамласи (Маннол Эгамбердиев).
77. Маснавий-маънавий (Жалолиддин Румий).
78. Иймонлашиш умиди, Ов (Тохир Малик).
79. Қуръони карим (Ўзбекча).
80. Муаллиф Аҳмад Назиркулов “Дехкон таквими”.
81. “Аёлларга маслаҳатлар”
82. “Нозик иборалар” Маҳмуд Замаҳшарий
83. “Ҳазрат Али ҳақида қиссалар”
84. Намоз сабоқлари
85. “Ҳикмат дурдоналари”
86. “Бўстон ул Орифин”
87. “Ҳадис”
88. Севги иборалари
89. Умар Ҳайём “Нозиктаг аёллар ҳақида”.
90. Феруз (Давлатёр Раҳим Шихназар Матрасул).
91. Оллақулихон (Давлатёр Раҳим)
92. Анушшоҳ (Давлатёр Раҳим)
93. Нуруллабой мажмуаси (Комилжон Худойберганов)
94. Абу Райҳон Беруний (Қурбон Муҳаммадризо).
95. Ошиқнома (Рўзимбой Сафарбоев).
96. Танланган асарлар (Матназар Абдулҳаким).
97. Хоразм хонлари (Комилжон Худойберганов).
98. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (Зиё Буниёдов)
99. Феруза (Абу Райҳон Беруний).
100. Байт ул-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (Баҳром Абдуҳалимов).

(Давоми 3-тўпламда)

ХОРАЗМДА ИЛМ МАСКАНЛАРИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали – 2005 йилда ташкил этилган.

Биринчи ректор иқтисод фанлари доктори, профессор Юсупов Аҳмед Юсупович.

Илм маскани куйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлайди:

1. Компьютер инжиниринг, IT-сервис, мультимедия технологиялари;
2. Дастурий инжиниринг;
3. Ахборот хавфсизлиги;
4. Телекоммуникация технологиялари:
“Телекоммуникация”, “Телерадиоузатиш”, “Мобил тизимлар”;
5. Ахборот – коммуникациялар соҳасида касб таълими, халқаро алоқалар ва илмий фаолдият.

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДА МАЪНАВИЙ ИШЛАР

Ҳар йили 11 ноябр яқинлашиши билан мухтарам Президентимизнинг Хоразм Маъмун академиясини қайта тиклаш ҳақидаги фармони эсга олинади ва бу борада амалга оширилган ишлар, академия ўтган йилларда эришган натижалар таҳлил қилинади. Албатта, академияда ўз олдига қўйилган илмий тадқиқот ишлари изчил бажариб келинмоқда, аммо маънавий-маърифий ишлар қандай йўлга қўйилган?

Мазкур мақолада Хоразм Маъмун академиясининг миллий маданий меросни ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда ёш авлодни миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик руҳида

тарбиялаш борасида амалга ошираётган илмий ва илмий ташкилий фаолияти тўғрисида маълумот берилади.

Хоразм Маъмун академияси олимлари куйидаги тарихий ёдгорликларда археологик қазиш ишларини амалга ошириб, бир қатор қимматли ашёвий далилларни қўлга киритдилар:

- ✓ **Хумбузтепа (Ҳазорасп тумани)** - Ўрта Осиё худудида энг қадимиги Зардуштийлик ибодатхонаси қолдиқлари очиб ўрганилди. Мазкур топилма қадимги Хоразм Зардуштийликнинг ватани деган ғояни тўлиқ исботлайди.
- ✓ **Мешекли карвонсаройи (Ҳазорасп тумани)** – ривожланган ўрта асрлар ёдгорлиги. Савдо йўли устида жойлашган карвонсарой.
- ✓ **Шарофат (Ҳазорасп тумани Тупроққалъа массиви)** - бронза даври манзилгоҳи
- ✓ **Тош қалъа-2 - (Ҳазорасп тумани Тупроққалъа массиви)** - антик ва илк ўрта асрлар даврига оид ёдгорлик
- ✓ **Уч ўчоқ тепалиги** - ёдгорлик худудидан Ўрта Осиёда биринчи марта тўлиқ сақланган ёғоч ёпилмалар топилди.
- ✓ Хива шаҳри яқинида ўрта асрларга оид **Охунлар манзили** аниқланди (2010-2011 йиллар). Манбалар асосида XII – XIII асрларда мазкур худудда Хива шаҳри яқинида қишлоқ манзилгоҳи борлиги тасдиқланди.
- ✓ **Мешекли карвонсаройи атрофида** (2004-2011 йилларда) ареали 4-5 км гача бўлган худудда милoddан аввалги XIV-XIII асрлардан – милodий VII асрларгача бўлган даврни қамраб олувчи кўчманчилар маданиятига мансуб мозор-кўрғонлар қолдиқлари аниқланди. Хоразмнинг турли тарихий даврлардаги кўчманчи ва ўтроқ халқлар ўртасидаги этногенез алоқаларини, уларнинг маданияти,

айниқса, диний маросимлари ва дафн тартиблари билан боғлиқ ноёб маълумотлар қўлга киритилди.

- ✓ **Кат қалъа** (Шовот тумани) – ёдгорлигида 2005-2007 йилларда шаҳар марказида масжид қолдиқлари очиб ўрганилди. Масжид Анушахон даврида Янги Катга асос солиниши билан ўрта асрлардаги масжид қолдиқлари ўрнида барпо этилган ва XX аср бошларигача фаолият юритган.
- ✓ Кўшкўпир туманидаги **Зорлик Эшонбобо** 2009-2011 йилларда ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида кўплаб археологик материаллар қўлга киритилган. Тадқиқотчилар деворда иккита курилиш даврини аниқлашга эришганлар, яъни бу даврлар VII-VIII ва IX-XI асрлар билан белгиланган.
- ✓ 2013 йилда академия тадқиқотчилари Кўшкўпир тумани Ўртаёп қишлоғи яқинида XII – XIII асрларга оид янги археологик ёдгорликни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Мазкур ҳудуд номига асосланиб, бу ёдгорликка “**Ашурматбобо**” ёдгорлиги деб ном берилди.

Археологик изланишлар, ёзма манбаларни таҳлил қилиш ҳамда қадимги давлатчилик тарихини ёритувчи илмий манбалар муомалага киритилди. Ўзбек давлатчилигининг асосини ташкил қилувчи Хоразм давлатчилиги тарихи 2700 йил эканлиги илмий исботланди:

- ✓ “**Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Хоразм**” монографияси чоп қилинди. Монографияда Хоразм давлатчилиги масаласи миллий истиқлол ғояси руҳида ёзма манбалар асосида янги ёритилди. (Муаллифлар жамоаси: проф. Д.Алимова, акад. Р.Ртвеладзе, акад. А.Ҳакимов ва б., 40 б.т.)

- ✓ Мирсодик Исҳоқов **Авестонинг Яшт ва Видевдот** қисмларини илмий изоҳли таржимасини амалга оширди ва нашр этилди.

- ✓ **Хива хонлари давлат архив хужжатлари каталогининг** 1 жилди нашрга тайёрланди. (О.Ҳ.Жалилов, А.А.Мағфурий, М.С.Абдуллаев, 20 б.т.)

- ✓ Хоразм Маъмун академияси олимлари кўп жилдли Хоразм тарихининг I ва II жилдлари “**Хоразм - энг қадимги даврлардан V асргача**” ва “**Ўрта асрларда Хоразм**” китоблари устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Тарихий Хоразм Маъмун академиясининг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда:

- ✓ **Хоразм Маъмун академиясининг тарихий илдизлари** (А.Садуллаев, А.Сотлиқов, 2003)

- ✓ Абу Райҳон Берунийнинг “**Тафҳим**” асари араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинди ва муомалага киритилди.

- ✓ Табиий фанлар соҳасида кимёда ишлатиладиган маъданли моддалар кенг ўрганилди. Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана” асари илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, “Сайдана дурдоналари” асари чоп қилинди. Китобда Хоразмдаги доривор ўсимликлар ва улардан дори тайёрлаш усуллари келтирилган.

- ✓ Аниқ фанлар соҳасида Абу Наср ибн Ироқнинг сферик учбурчаклар учун синуслар теоремаси ва Абу Райҳон Берунийнинг ер радиуси аниқ ўлчамда эканлиги таҳлил қилинди. А.Садуллаевнинг **Берунийнинг соялар назарияси (гномоника)** асари чоп қилинди.

✓ **Исмоил Журжонийнинг “Захирайи Хоразмшохий” асари** ўзбек тилига таржима қилинди ва Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” билан қиёсий ўрганилди ҳамда нашр этилди.

✓ **Масихийнинг “Тиб илмидан юз бобли китоб” асари** араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан чоп этилган илмий, бадний ва таржима асарлар:

✓ Шоир ва таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Матназар Абдулҳакимнинг **Азизлар анжумани** (2008, Н.Кубро, П.Махмуд, Бедил, Мунис, Огахий, Комил Хоразмий, Рожий ва Табибийдан таржималар), **Тафаккур чорраҳаларида** (2013, фалсафий мушоҳадалар, П.Махмуд ижоди ва унинг қарашлари баёни) китоблари чоп қилинди.

✓ **К.Худойберганов Хива – дунёдаги энг кўхна қалъа** (2012)

✓ **Хоразм амалий санъат усталари** (Д.Бобожонов, М.Абдуллаев, 2010)

✓ **“Хоразмда тарихий-маданий объектлар (муқаддас қадамжолар) ва уларнинг шаклланиш тарихи”** тадқиқ қилинди. Хоразм вилоятидаги 200 га яқин қабристонлар, улардаги авлиё-анбиёларнинг мақбаралари, ҳаёти ва фаолияти ўрганилди. Шу номдаги монография нашрга тайёрланди.

Хоразм Маъмун академияси ахборот-ресурс маркази ва музейи мактаб ўқувчилари, академик лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг сеvimли масканига айланган. Академия қошида иқтидорли ёшларни илм-фанга қизиқтириш бўйича “Кичик академия” ташкил

этилган. “Кичик академия” да тарих, археология, биология, ҳаттотлик, инглиз тиллари тўғарақлари ташкил этилган.

Фан-таълим интеграциясини ривожлантириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Республикамининг 40 га олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Айниқса, Урганч давлат университети билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган, университетнинг 11 та кафедра филиаллари ташкил этилган бўлиб, талабалар академия лабораторияларидан фойдаланиб келадилар.

Ёш авлодни турли маънавий таҳдидлар ва информацион хуружлардан ҳимоя қилиш, илм-фанга қизиқтириш, ватанпарварликни кучайтириш, ёшлар туризмни ривожлантириш мақсадида давра суҳбатлари, олимлар билан учрашувлар, илмий анжуманлар ва маҳорат дарслари ташкил қилинади.

*Машириб АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм Маъмун академияси
илмий котиби, 2015 й.*

*УрДУ методисти, келин қизим Дилафрўз Норметова
тўплаган маълумотлар*

ДУНЁНИНГ МАШХУР ИНСТИТУТ ВА УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

№	Илм маскани номи	Дунё бўйича рейтинг	Давлат миллий рейтинг	Мамлакат номи
1	Лондон Коллеж университети	17	11	Буюк Британия
2	Цюрих федерал технологиялар институти	19	1	Швейцария
3	Вашингтон Сент Лунс университети	20	18	АҚШ
4	Токио университети	22	1	Япония
5	Торонто университети	23	1	Канада

6	Копенгаген университети	29	1	Дания
7	Нью Йорк университети	32	30	АҚШ
8	Эдинбург университети	33	30	Буюк Британия
9	Манчестер университети	34	28	Буюк Британия
10	Киото университети	35	2	Япония

БЕШИНЧИ ҚИСМ

ЎҚИНГ, БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ, БУ ҚИЗИҚ!



*Оттам – Исмоилов Ислом ота охираатлари обод бўлсин, тўнлаган
маълумотлари.
(давоми)*

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ, БУ ҚИЗИҚ!

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Боб ул Мандаб бўғози – Адан қўлтиғи ва Қизил денгиз ўртасидаги бўғоз. Унинг номи арабча “Кўз ёши дарвозаси” деган маънони билдиради. Гап шундаки, бўғозда кичик-кичик оролчалар бўлиб, уларнинг бир қисми ер остида саёзликлар ҳосил қилади. Бу саёзликлар кема қатнови учун жиддий хавф туғдирар, хатто фалокат ҳам рўй бериб турган.

Дажла – Ғарбий Осиёдаги дарё, араблар Дижла деб юритадилар. ҳар иккала шаклда ҳам маъноси бир хил, яъни “дарё” демакдир.

Нил – Африка қитъасидаги энг узун дарё. “Нил” сўзи қадимги мисрликлар тилида “дарё”, “сув” каби маъноларни англатган.

Нил дарёсининг Оқ Нил ва Кўк Нил каби ирмоқлари шу дарёлар сувининг рангига қараб номланган.

Форс қўлтиғи – Ҳинд океани қўлтиқларидан бири. Қўлтиқ Жанубий Эронда яшовчи форс қабилалари номи билан аталган. “Форс” сўзи қадимги ҳиндий тилида “чавандозлар”, яъни йилқичилик билан шуғулланувчи халқлар маъносини англатади.

Адан қўлтиғи – Арабистон ва Сомали ярим ороллари ўртасидаги қўлтиқ. Бу ном денгиз соҳилларида деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ (адан арабча “ўтроқ ” дегани) халқ номидан олинган.

Акаба қўлтиғи – Қизил денгиздаги қўлтиқ. Акаба – арабча “хавфли сўқмоқ йўли”, “якка оёқ йўл” демакдир.

Гана мамлакатининг табиати, иқлими, ҳайвонот дунёси ўзига хос ажабтовурдир. Гана қакаога энг бой мамлакат эканлиги билан ҳам машҳур. У қакао ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

“Кофе” сўзи Эфиопиядаги Каффа деган вилоятнинг номидан келиб чиққан. Бу вилоятда кофе ўсимлиги ўсади. У ердан кофе ўсимлигини Арабистон ярим оролига келтириб экишган.

Европага кофе биринчи марта 1561 йилда келтирилган. Ҳаммамиз севиб истеъмол қиладиган апельсин мевасининг номи асли инглизча сўздан ташкил топган бўлиб, сўзма-сўз таржимада – “апел” олма, “син” – чин (Хитой), яъни Хитой олмаси маъносини беради.

Шампань ичимлигини ким билмайди дейсиз? Лекин унинг номи қандай келиб чиққанлигини ҳамма ҳам билавермас экан. Бу ичимликнинг асли ватани Фарангистоннинг Шампань вилоятидир.

Кейинчалик ушбу ном у ишлаб чиқариладиган ҳамма жойда сақланиб қолди. Бундан ташқари коньяк, бордо, кагор ичимликларининг номи ҳам худди шу номдаги шаҳарлар атамасидан келиб чиққан.

“Ишонч” газ. 2002 йил.

ТАҚВИМЛАР ТАРИХИ

Ҳозирги амалдаги тақвим (календарь) “милодий” деб юритилади. Бу сўзнинг арабча маъноси “туғилиш” демакдир.

Мазкур тақвим бўйича йил 365 кундан иборат. Чоракта ошиқ куни ҳам бор. Улар ҳар тўрт йилда кўшилиб, бир кунни ташкил этади ва ўша 366 кун бўлади. Бу йил арабча “кабиса”, яъни тугал йил дейилади. Қайси йиллар рақами бекаср тўртга бўлинса, ўша йил “кабиса” бўлаверади.

“Ҳижрий” сўзи “кўчиш” деган маънони билдиради. Ҳижрий тақвим милодий 622 йилдан бошланган. Бошқача айтганда, ҳижрийга бир ёш тўлганда милодий 623 га кирганди.

Ҳижрий тақвим йили 354 кундан иборат. Бунда ҳам 4 йилда бир кун ошиқ, яъни 355 кун бўлади.

Милодийдаги ҳар йилга ошиқ 11 кун кўшила бориб, ҳар 32 йилда бир йилни ташкил этади.

Шу йил билан милодийча 32 йил, ҳижрийда 33 йил бўлади. Ҳижрийга ой тақвими асос қилиб олинган.

“Ишонч” газ. 3 август 2002 й.

КЎЛЛАР СУВГА ТЎЛМОҚДА

Икки йилдирки, Оролни Қутқариш Халқаро жамғармасининг Нукус бўлими Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Бунинг натижасида Судочье, Дарё оралиғи, Жилтирбас, Мўйнок қўлтиғи, Балиқчи қўлтиғи каби кўллар, жами 110 минг гектардан ортиқ майдон сувга тўлди.

“Ишонч” газ. 20 декабрь 2002 й.

НОЁБ ТУТ НАВЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯСИ

Тут дарахтининг барги ипак курти учун асосий озуқа манбаи ҳисобланишидан ташқари, меваси, ёғочи, илдизи, новдасидан ҳам фойдаланилади.

Ота-боболаримиз эъзозлаб келган ушбу бойликнинг халқ селекционерлари-олимларимиз томонидан яратилган навлари аксарият ҳолларда эътиборсиз қолиб келаётган эди, - деди Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқиқот институти директори Ҳамиджон Ҳамидий ЎЗА мухбирига, - ана шу ноёб навларни сақлаб қолиш мақсадида институтимизнинг “Жарарик” тажриба хўжалигида тут навлари жаҳон коллекцияси ташкил этилди.

Нафақат Марказий Осиё, балки МДХ давлатларида ҳам ягона бўлган бу ўзига хос тутзор – лабораторияда мазкур ўсимликнинг икки юздан зиёд нав ва тури жамланди. Бу тут генофонди янги навлар яратишда асос бўлиб хизмат қилади, асрлар оша яшаб келаётган ноёб навларни сақлаб қолиш имконини беради.

Янги навли тутзорлар барпо этиш, пилла курти озуқа базасини мустаҳкамлаш, пилла сифатини яхшилаш, маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишга замин ҳозирлайдиган мазкур коллекцияда айни кунларда илк бор ўсимликларнинг морфофизиологик хусусиятлари ўрганилмоқда.

ҚАЙСИ ДАРАХТ БАЛАНД

Аксарият ўсимликлар дақиқасига 0,005 миллимтер ўсади. Қовоқ ўсиш тезлиги ҳар дақиқада 0,1 миллиметрни ташкил этса, айрим кўзиқоринлар 5 миллиметр ўсади.

Дарахтлар ичида бамбукқа тенг келадигани йўқ. У соатига 2 сантиметрға ўсиб, 5-6 ҳафта ичида 18 метрға бўй чўзади. Лекин бўйи 38 метрға етгач, у ўсишдан тўхтади.

Ялпи баландлиги бўйича эквалинг ер юзида танҳодир. Унинг бўйи 255 метрға етиши мумкин.

Секвоя ҳам ундан қолишмайди – 150 метр, бошқа дарахтлардан арафеария 60, эман 50, кедр 40, қайин 30 метрғача ўсиши мумкин.

“Халқ сўзи” газ.

А.Алиев

ЧИНОР

Мозийнинг сирдоши, бугуннинг замондоши, келажакнинг қардоши – бу кўхна чинор. Савлат тўкиб турувчи табиат оқсоқоли яна кузнинг дардига ҳамдардлик билдириб, яшил тўнини ечиб, “ялонғочлик” либосига бурканди. Ҳа, кекса донишнинг умри шу зайилда давом этади: табиатнинг қувончигада, қайғусигада шерик, ҳамнафас, бошидан не-не оғир кунлар, кечмишлар ўтса-да, сабр-матонат қалпоқларини кийиб, сукунат бағрига чўмган куйи мозий саҳифаларини хотира элагидан ўтказиб келажак камолотини куриш бахтини кутиб яшамокда бу азим чинор.

КИТ СУТИДА ХОСИЯТ КЎП

Кит сути зотли сигир сутидек жуда қаймокли бўлади. Таркибидаги ёғ моддаси 50 фоизгача боради. Битта урғочи китнинг сут безлари бир неча кундузда 90 литрға яқин сут ишлаб чиқаради. Унинг иштаҳаси ҳам шунга яраша 3-4 тонна балиқни кўрдим демайди. Овчилар, “Кит доим ёғли кўз ёши тўкиб йиғлайди”, дейишади.

Бу гапда жон бор. Негаки, махсус безлардан муттасил ишланиб чиқадиган ёғ моддаси унинг кўзларини мойлаб туради. Бу денгиз сувининг зарарли таъсиридан кўзни муҳофаза қилади.

Маълумки, треска балиғи “А” витаминга бойлиги билан қадрланади. Кит жигарида эса бу витамин трескадагидан ҳам кўп бўлади.

Китнинг кашалот деган тури ҳам борки, унинг ошқозонидан ғоят нодир анбар моддаси олинади. Анбар қўшиб ишланган атир ҳиди ҳатто бир йилгача йўқолмайди.

“Халқ сўзи” газ.

А.Алиев

ФАРИШТАЛАР – ҚЎРИҚЧИ

Ҳар куни шодлик, қувонч, кулги эшитилган хонадонлар девори мустаҳкам бўлар экан. Ғийбат, уруш-жанжал, тўполон бўлиб турган уйнинг деворлари тез нурай бошларкан.

Узоқ вақт ҳеч ким кирмаган уйни инс-жинслар, ёвуз кучлар эгаллаб олар экан. Уйга кираётганда ҳар гал салом

бериб кирсангиз, уйни кўриклаб турган фаришталарга ёқар экан.

Халқимиз, деворнинг ҳам кулоғи бор, деб бежиз айтмаган!

Ҳар бир одамнинг фариштаси, ўзига хос кўриқбонлари, хаттоки шайтони бўларкан...

ҲУТ – ЮТ

Хут – қуёш йили ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи. Биз фойдаланадиган таквимга қиёсласак, 22 февралдан 21 мартгача бўлган даврни қамраб олади. Аниқроғи, қишнинг адоғи билан кўкламнинг бошига тўғри келади. Айни паллалардан эътиборан ер уйғонади, тупроқ исийди. Далалар-у боғ-роғларда экин экишга қизғин тараддуд кўрилади. Халқимиз шуни назарда тутиб, “Хут кирди – дехқоннинг пайтавасига қурт кирди”, “Хут кирди – ер остига дуд кирди”, дейди.

Бироқ хут ойи ҳамиша ҳам бирдек қулай келавермайди. Гоҳида эндигина кунлар илиб, қорлар эриётган маҳали кўкқисдан қаттиқ совуқ тушади. Ер устини қалин муз қоплайди. Бундай кезларда қишлоғга жамғарилган ем-хашақларнинг таги кўриниб қолган бўлади. Ана шу оғир дамлар чорвадорлар тилида “ют” деб аталади. Асрий кузатишларга қараганда, ют ҳар ўн-ўн икки йилда бир такрорланади. Мучал бўйича асосан Қуён йилида рўй беради. Масалан, 1867, 1868, 1879, 1880, 1902, 1903 йиллар қишидаги оғир ютлар туфайли Оқмола, Тўрғай ва Сирдарё вилоятлари худудидаги чорва молларининг салкам ярми қирилиб кетган.

Албатта, бундан ют фақат Қуён йилидагина бўларкан-да деган хулоса чиқармаслик лозим. Негаки, бундай ташвишли ҳоллар бошқа пайтларда ҳам юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Чунончи, 1911-1912 ва 1919-1920 йилларда ют бўлгани қайд этилган. Улар мучал бўйича мутаносиб равишда Тўнғиз ва Қўй йилига тўғри келган.

Ота-боболаримиз юқорида эслатилган хусусиятларига кўра, хут ойига икки хил таъриф беришган. Жумладан, “Яхши келса хут – кут, ёмон келса хут – ют”, “Хут – молга келган ют”, “Хутман, яхши келсам – қозон тўла сутман, хутман, ёмон келсам – ориқ молга юкман”, “Яхши келса хут – кади-кади сут, ёмон келса хут – керагада пут”, “Яхши келса, хутни кўринг, хурма-хурма сутни кўринг, ёмон келса, хутни кўринг, серрайиб ётган путни кўринг” сингари ўзаро ҳамоҳанг нақлларни яратишган. Бу ўринда кади дейилганда қовоқнинг ичидаги эти ва уруғлари олиб ташланиб ясалган қўлбола идиш, пут деганда қўй-эчки ва қорамолнинг сони кўзда тутилади. Керага эса, биласиз, ўтовнинг четансимон деворидир. Демак, хут баракали келса, ўт-ўлан баравж ўсади. Моллар тўйиб, вазни ва маҳсулдорлиги ошади.

Ҳозир ўлкамизда хут оёқлади. Бу йил у қандай келганини об-ҳавога ва табиатдаги ўзгаришларга қараб ўзингиз билиб олаверасиз, деган умиддамиз.

*“Халқ сўзи” газ.
Абдунаби Ҳайдаров*

УЗУКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Узук жуда яхши безакдир ва у бармоқда бўлиши даркор. Тўраларнинг айтишича, мартабали кишиларни узук тақиб юришига олийжаноблик даъват этади. Бармоғига узук таккан биринчи одам Жамшид эди. Тўраларнинг узук тақилмаган панжалари байроқсиз сафланган одамларга ўхшайди, дейдилар. Бармоқлардаги узук белдаги белбоққа ўхшайди, белда белбоғи бор одам чиройлироқ кўринади. Тўраларнинг бармоғидаги узук уларнинг баркамол олийжаноблигидан, фикр куввати ва қарорларининг тўғрилигидан дарак беради, чунки кимда-ким баркамол олийжаноб бўлса, муҳри бўлади. Кимда-ким фикрий кувватга эга бўлса у шижоатсиз бўлмайди, шижоатли одам эса узуксиз бўлмайди, чунки тўраларнинг муҳрсиз мактуби фикр бўшлиғи ва шижоатсизлигидан дарак беради.

Сулаймон алайҳиссалом узугини бузиб қўйгани учун подшоҳлигидан ажралди.

Узукнинг ўзидан кўра, муҳр эгаси бўлган муҳимроқдир. Пайғамбар саллолоху алайҳи васаллам бармоғига узук тақиб юрарди ва агар бирор вилоятга номалар юборса, уларни муҳрлаб юборар эди. Бунинг сабаби шуки, Парвезга муҳрсиз номалар келганда Парвез ғабланиб, хатто мактубни ўқимай йиртиб ташлади ва муҳрланмаган нома кулоқсиз бошга ўхшайди, кулоқсиз бош эса жамоат орасида хунук кўринади, деди. Нома муҳрсиз бўлса, уни хоҳлаган одам ўқиши мумкин, муҳрланганда кимга юборилган бўлса ўша ўқийди. Ҳирадмандлар айтганларким, тиғу қалам подшоҳ узугининг хизматкорларидир, чунки салтанат шулар кучи билан забт этилган ва подшоҳликни шоҳ муҳри буйруғи

билан барқарор қиладилар, зеро, у хоҳламаса улар бунга эриша олмайдилар.

Оламда узукдан бошқа ҳар қандай безак бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо ҳеч вақт узуксиз қолиб бўлмайди, чунки у бармоқнинг бегагидир. Уни Оллоҳ таолонинг ягоналигини кўрсатадиган бармоққа тақадилар ва шу туфайли бармоқнинг бегаги унинг устунлигининг белгиси бўлади.

Бу ўз истеъдодини намоён қилиб улуғларга яқинлашган баходирга ўхшайди, натижада улар унга марҳаматли бўлади ва уни дўстлари орасидан саралаб, белига олтин камар боғлайди ёки олтин тақинчоқ тақади, бу унинг истеъдодини намоён қилганига мукофотдир. Узукларнинг хили кўп, аммо подшоҳларга фақат икки хил қимматбаҳо тошли узуклар муносиб. Улардан бири – куёшнинг зарраси ёқутдир. У қимматбаҳо тошларнинг подшосидир, нурланиш унинг хислатидир, унга олов таъсир қилмайди, у олмосдан бошқа ҳамма тошларни кесади. Унинг хосиятларидан бири шуки, у чанқоқлик зарарининг олдини олади. Ҳикоя қилишларича, пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам Мадинада бўлиб “Ҳандак жанги”ни бошламоқчи бўлганда у ерда вабо тарқалган экан, аммо Мустафо алайҳиссаломда баҳоси икки минг динордан ортиқ ёқут бор эди. Бундай тошларнинг яна бири Ферузадир. Феруза машхурдир, баҳоси қиммат ва қараганда кўзни кувонтиради. Унинг ёмон кўздан ва тушда кўрқишдан саклайдиган хосиятлари бор. Узук тушларини йўйиш ва фол очиш каби кўп аломатларга эга, у ҳақда кўп гапирилган.

Улар подшоҳларнинг ҳукмронлиги ва буюклигига, улуғларнинг олийжаноблигига, ишлардаги муваффақиятларига йўл очади.

Ҳикоят. Айтишларича, Искандар Румий дунёни айланиб чиққанига қадар жаҳонни забт этишини башорат этувчи турли тушлар кўрган экан. Улардан бирига кўра, жумла жаҳон узук бўлиб бармоғига тақилган эмиш. Аммо бу узукнинг тоши йўқ эди. Бу ҳақда устози Аристотелдан сўраганида у айтдики, сен жаҳонни оласан, лекин ундан етарли даражада фойдалана олмайсан, чунки узук мамлакатдир, тоши эса унинг султонидир.

Ҳикоят. Айтишларича, бир кун Яздижард Шаҳриёр сарой боғидаги тош ўриндиққа ўтирди ва бармоғига феруза кўзли узук тақди. Ногоҳ тир (ўк) учиб келди узук тошига тегди, тош майдаланиб кетди, ўк бўлса нарироққа учиб бориб ерга санчилди, аммо ҳеч ким унинг қаердан учиб келганини билмас эди, кидириб ҳеч нарса топа олмадилар. У ғамгин бўлди ва бунинг сабабини ўйлай бошлади. У олим ва аъёнларидан сўраган эди, ҳеч бири тушунтириб беролмади. Бу ҳақда озми-кўпми билганлар эса айтишга журъат қилмас эдилар. Кўп вақт ўтмай оламдан ўтди ва унинг сулоласи тугади.

*Умар Хайёмнинг
“Наврўзнама” асаридан.*

ХОТИРА

Хотира – тарих деб аталмиш чаманда кўз очиб, асрлар бўрони тагида қолиб кетган, янги давр куёши порлаб, янги ҳаёт шабадаси эсганда яна қайта тирилган жилвакор бир гул. Уни пайвандлаб, кадрлаш эса аждоқларни ёд этиш билан баробардир.

ГЎЗАЛЛИК

Гўзаллик – бу Парвардигор яратган оламлар ичра сарвари, дурдонасидир. Оллоҳ кўзгуга бокиб, сўнгра шу кўзгудан тушаётган нурнинг бир парчасидан бу оламини яратган. Гўзаллик олами инсоният оламининг ҳукмидир.

У бошига тозаллик тожини кийган ҳолда нафислик маликаси билан бирга ўтиради. Уларнинг қасри чиройдан яралган. Ҳусн – ушбу қасрнинг дарвозалари, андиша эса кўрикчиларидир.

БОЗОРДАГИ СОЛИҚ ТУРЛАРИ

XX аср бошларига келиб Хива хонлигидаги энг катта бозорлар 35 та эди. Ана шу бозорларнинг 24 таси хоннинг бевосита ўзига вақфга қарашли бўлиб, тужжорлардан ундириладиган солиқлар шулар ҳисобига тушган. Қолган 11 та бозордан тушадиган солиқлар эса хусусий амалдорларга тегишли бўларди. Табиийки, улар ана у солиқлардан хонлик хазинасига давлат “зақоти” тўлашарди.

“Зақот” дастлабки даврларда диний характерга эга бўлиб, сотиладиган товарларнинг 40 ҳиссаси ҳисобида диний муассасалар учун тўпланиши лозим бўлган бўлса, кейинчалик давлат хазинасини бойитадиган ва мажбурий суратда йиғиладиган солиқ бўлиб қолган.

XX аср бошида савдо солиғи бўлган “зақот” ўрнига “солғит кесим” ва “муанат пули” деб номланган солиқ кўпая бошлайди. Тужжорлар ва ҳунармандлар бозорларда савдо растаси очгани учун ҳам солиқ тўлардилар.

Бозордаги ўз савдо растасида ўтириб товарларини сотганлиги учун “таг жой” солиғи, тарозидан фойдаланганлик учун “тарози пули”, бирон жойда ўтириб савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун бўлса “патак пули” тўлаш шарт эди.

Савдодаги солиқлар, айниқса, XIX аср охири ва XX аср бошларида ўсиб борди. XIX аср охирида ҳар бир сотилган 1 сўмлик товар учун 2,5 тийиндан “закоғ” солиғи олинган бўлса, ҳар бир сотилган туя учун 2 тангадан, ҳар бир от учун 1 тангадан, ҳар бир йирик шохли мол учун 0,5 тангадан ҳар бир қўй ва эчкидан 1 шойи тўланган.

XX аср бошларига келиб бўлса, ҳар бир сотилган 1 сўмлик товар учун 4 тангадан, ҳар бир сотилган туя учун 3 тангадан, ҳар бир сотилган қўй ва эчки учун 1 тангадан солиқ олинарди. Савдо-сотик ва солиқларга давлат миқёсида масъул раҳбар меҳтар эди.

ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Хоразмнинг ўтмишдаги бозорларида ёки кундалик эҳтиёжда аҳоли томонидан ўлчов бирликлари тарзида ботмон, пуд, мисқол каби қўплаб сўзлар ишлатилган. Хўш, юқоридаги ўлчов бирликлари бугунги кунда неча кг.га тўғри келади?

Бир катта ботмон – 40 кг, бир кичик ботмон – 20 кг, бир пуд – 16 кг, ўнсари – 0,25 ботмон ёки 5 кг, 1 сари – 15 мисқол ёки 2,5 кг, қадок – 96 мисқол ёки 400 гр, 1 мисқол – 4,5 гр. Рус олими А.Куннинг қайд қилишича, Хоразмнинг бир ботмони 4416 мисқол, ботмоннинг чораги 10 сарига ёки

1104 мисқолга тўғри келган, 10 сарининг ярмиси бўлса 40 оғири 558 мисқолга тенг бўлган.

Яна бир рус олими, хонликка элчи сифатида келган Г.Данилевский бўлса, Хоразм ботмони рус оғирлик ўлчовининг 43 қадоғига баробарлигини ёзиб қолдирган. Гарчи ушбу ўлчов бирликлари ҳозирда ишлатилмасада, савдо ва иқтисодиёт тарихи билан қизиқувчилар юқоридагиларни билиб қўймоқлари афзал деб ўйлаймиз.

САЙЁР ДАРАХТЛАР

Қадимдан эркакларга уч ишни бажариш фарз саналган. Шулардан бири ниҳол ўтқозишдир.

Агар тарихга назар ташласак, эркаклар дарахт ўтқозиш ишини ноқонуний равишда ўзлариники қилиб олишгани маълум бўлади.

Дарахт ўтқозишни биринчи бўлиб аёллар бошлаган экан. Греklar худоси Артемида ов билан шуғулланган. Аммо у фақат овдагина эмас, боғдорчилик ишларида ҳам эркаклар билан баҳслашиб, ўсимликларнинг доривор эканлигини илк бор аниқлаган. Шу боис, бир қатор дориларни аёллар номи билан аташади.

Қадимда баъзи давлатлар ўз давлат тамгаларида гоҳ дарахтлар баргини, гоҳ ўсимликларни тасвирлашган. Баъзи элат ва халқлар ўз дарахтларини олти туридан у ёки бунисини рамз сифатида фойдаланишади.

Халқ табобатида ҳам дарахтлар муҳим ўрин тутган. Мисол учун Ўрта Осиёда тут дарахти хосиятли ҳисобланган ва уни ота-боболаримиз кўпроқ экишган. Очарчилик йилларида ҳам тут пишиғига етганлар тирик қолган. Тут

дарахтини кесиш бахтсизлик саналади. Илгарилари оилада ўғил туғилса, яхши ният билан терак экишган.

Олимларнинг фикрича, дарахтлар ва ўсимликларда асаб тизими мавжуд. Улар ҳам инсонлардек ҳамма нарсани тушунаркан ва дунёни сезаркан. Бинобарин, тана, орқа мия, бутоклари – 72 минг асаб торлари, етти хил ранги-баданнинг етти асосий маркази, барглар – ўпкасидир.

ЎҚУВЧИЛАР АВТОРУЧКАСИ

Шарикли ручка кашф этилгач, уни ишлаб чиқарадиган машина яратилди. Бундай ручка Аргентинада 1943 йилдан эътиборан чиқарила бошланди.

Ручканинг дастлабки харидорлари ўқувчилар бўлишди. Чунки улар шарикли ручка сиёҳи баландга кўтарилганда атмосфера босимининг камайиши таъсирида оқиб кетмаслигига амин бўлишган эди.

Ўқувчилар авторучкаси ҳақидаги маълумот АҚШ мудофаа вазирлигигача етиб боргач, вазирлик бу ёзув куролини ишлаб чиқарувчи фабрика эгаларига Америка ҳарбий ўқувчилари учун ана шундай шарикли ручка ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни топширди.

Кейинчалик унинг конструкциясига бирмунча ўзгаришлар киритилди. Кенг кўламда тарғиб қилинганлиги туфайли бу ручкаларнинг дастлабки нусхалари 1945 йилда Нью-Йоркдаги универмагга келтириб сотилди.

КОМПАС ҚАЕРГА ОЛИБ БОРАДИ?

Агар киши компаснинг магнит кўрсаткичи билан кетаверса, шимолий географик Кутбга боради, деб баъзилар янглиш фикрлайдилар. Ҳақиқатда эса компас кўрсаткичи Шимолий Американинг шимолий учи-Сомерсет оролига олиб боради. Чунки бу ерда ернинг Шимолий магнит кутби жойлашган.

ЎЗИМИЗГА БИР НАЗАР

Ривоят қилишларича, бир оилада ўғил туғилибди. Болакайни ардоқлаб, лаззатли таомлар бериб, яхши кийинтириб, катта қилишибди. Лекин боланинг гапирмаслиги ота-онани ташвишга солибди. Кўрсатмаган табиблари қолмабди. Лекин чораси топилмабди. Бир куни бола овқатланаётганда ошхонага ўт кетганини кўриб:

- Дада, ойи, ошхона ёнаяпти! – деб юборибди.

Ота-она қувончидан ёрилгудек бўлиб:

- Э, ёнса-ёнсин, биз учун сенинг тилга кирганинг қимматли! – дейишибди.

- Мен олдин ҳам гапиришим мумкин эди, - деди бола, - тилим бор!

- Ахир нега гапирмасдинг! – дейишибди ота-она.

- Нимани ҳам гапирай! – дебди бола. – Мен айтмасданок ўзларингиз ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйпсизларку.

Бу бир ривоят. Лекин фарзандлари кўлини совуқ сувга урдирмай пуф-пуфлаб, эркалатиб, айтганини муҳайё қилиб кўяётган замондошларимиз йўқ дейсизми!

– Мен олий маълумотли бўлсам, кайнонам сигир соғгин, – деб мажбур қилаяптилар-а! – деб арз қилади бир келинчак.

– Қаймоқ ейман, сут ичаман десангиз сигир бокиб, сигир соғасиз-да, – дейман унга.

– Бо-о, дўкон тўла сут, қаймоқ. Сигир соғиб менга зарур келибдими.., – дейди келинчак.

Демак, у ҳамма нарсанинг тайёрига ўрганган. Дўконга сут-қаймоқ қаёқдан келиб қолди, кимнинг меҳнати билан, ўйламайди. Тонг сахарлаб, фермага келиб, сигир соғган келинчак ҳам азизу ардоқли инсонку. У битта эмас, 15-20 та сигирни соғади. Бузоқларга қарайди. Кейин уйига бориб, уй ишларини адо этади, болаларига парвона бўлади. Унинг кўллари қораяди, эрталабки изғиринда лаблари ёрилади, кўзлари уйқуга тўймайди. Лекин у “Мен шунча меҳнат қилаяпман”, деб арз-дод қилиб юрмайди. Чунки у аввалдан меҳнат қилиб ўрганган.

Болаларимиз баъзан дастурхонга кўйилган ноз-неъматлару сут қатикнинг қандай яратилгани ҳақида билишмайди. Уларга бу ҳақда сўзлаб бермаймиз. Қишлоққа бориб қолган бир қизалоқ сигир соғаётган аёлни кўриб, “Вой, сизлар сутни сигирдан оласизларми, биз бозордан оламиз”, деган экан.

Маҳалламиздаги эркатой йигитлардан бири ҳарбий хизматга чақирилди. “Олиб қоламиз”, деб ота-онанинг югурганлари. Аммо...

Йигитча ҳасратли хатлар ёза бошлади... гўё унинг холига маймунлар йиғлаётган эмиш. Таомлар лаззатли эмасмиш, уйқуга тўймасмиш, жуда кўп машқ қилишармиш...

Ота-онанинг ўғилларига ачиниб, айюҳаннос солганлари орқасидан етиб борганлари...

Қизиқ, минглаб фарзандларимиз йигитлик бурчини ўтаб, чиниқиб, улғайиб, камолга етиб, қайтиб келаяптиларку! Демак, ўша ота-она ўғилларини сақлаб, оғзидан нима чикса, “Лаббай, ўғлим!” деб икки букилиб туришган-да! Мана, оқибат. Ҳаётга мустақил қадам кўйиши керак бўлган бола ҳам, ота-она ҳам қийналаяпти.

Ҳозир совғалар ниҳоятда дабдабали бўлиб кетди. Ота-оналар қизига бриллиант сирға ё видеомагнитофонгача, совға қилади. Кўнгил курғур ўрганиб қолиб, кейин совға масаласи ғовғага айланади.

“Болани ёшидан, ниҳолни бошидан асра!”, “Яхши тарбия – бебаҳо мерос”, деганларидек бу масала эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тақазо этади.

...Яхшигина кийинган Асқартой мотоциклини патиллатиб, маҳалла кезади. Мотоцикл минишдан чарчаса уйга кириб, магнитофон кўяди. Магнитофон овози етти маҳаллага етади. Бир соат ўтар, уч-тўрт соат, қани тинса. Кўни-кўшнларнинг танбеҳи Асқаржонга бир пул, “эркин замонда яшаяпмиз, хоҳлаганимизни қиламиз”, дейди. Ана

шу эркин замон учун ўзи нима қилиб бераётганини ўйламайди.

Асқартойнинг ота-онаси ҳамма қатори кундузи ишда. Уйда эса кекса момо қолади. Уйдаги ҳамма юмуш, ҳатто нон олиб келиш ҳам момо зиммасида.

– Ҳеч қўймай фалон сўмга мотоцикл олдирди-я! – дейди Асқартойнинг онаси жилмайиб. – Дадажони ўғилларининг айтганини қиладилар!

“Ўғилларининг айтганини қиладилар!”. Ҳамма бало ана шу гапда! Асқартойнинг одамларга етказган озорига ким жавоб беради. Унинг келажаги, у ҳам бир кун ота бўлиб, фарзанд тарбиялай билиши кераклиги ҳақида ким ўйлайди?

Ота ҳар бир қадами, сўзи, иши билан фарзандларига ўрнак бўлмоғи зарур. Кун ора маст ҳолатда уйга келиб, эртасига фарзандларидан ақл талаб қиладиган отанинг сўзи таъсирли бўлмайди. Ўзи уйқучи бўлиб, ишни қўл учида бажарадиган ота фарзандларига ибрат бўла олмайди. Ўзи дағал муомалали, кўрс бўла туриб, ўғил-қизларидан хушмуомалаликни талаб қилса ярашмайди.

Бу ҳақда жиддий ўйлаш, амалий ишга киришиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир.

*“Гулистон” журнали.
Санъат Маҳмудова*

ЎТМИШДАГИ МАШҲУРЛАРНИНГ – МАШҲУРЛАРИ ҲАЁТИДАН

Сомерсет Моем 88 ёшида оғир касаликка чалиниб, узоқ вақт ётиб қолди. Дўхтирлар унинг ёнига киришни ҳам тақиқлаб қўйдилар. Шунда унинг ихлосманди бўлмиш бир аёл телефон қилиб, сўради:

- Жаноб Моем, ҳеч бўлмаса сизга апельсин ва гул жўнатишимга рухсат беришар.

Апельсинни қанча хоҳласангиз жўнатаверинг, -деди кулимсираб ёзувчи. Аммо гул жўнатишга ҳали эртароқми дейман.

Машҳур немис физиги Вильгельм Конрад Рентген бир куни қизиқ хат олди. Хат муаллифи шундай деб ёзган эди: - Жаноб Рентген, илтимос менга рентген нуридан бир қутига солиб юборсангиз. Кўкрак қафасимда ўқ қолганга ўхшайди, шунини текшириб кўрмоқчиман.

Рентген унга шундай жавоб ёзди: -Аксига олиб нурларим тугаб қолган эди. Икки кун ичида яна ишлаб чиқараман. Вақтни бой бермай десангиз, зудлик билан менга кўкрак қафасингизни жўнатиш.

Шаляпин ўз касбдошлари тўғрисида, гарчи улар истеъдодсиз бўлсалар ҳам, ёмон сўз айтмас эди. Бир куни ундан бир ашулачи ҳақида ўз фикрини сўрашди. – У киши қатта истеъдод эгаси –деди Шаляпин. Масалан, ўзи ашула айтади, ўзи тинглайди.

Ёзувчи Мориц Сапир адабиётчи билан бахслашиб қолди. – Сиз фақат пул учун ёзасиз, жаноб Сапир, -деб захарханда қилди у. – Мен эса шуҳрат учун... – Қаранг-а –деди Сапир, - қандай ажойиб ўхшашлик. Иккимиз ҳам ўзимизда йўқ нарса учун ёзарканмиз.

“Халқ сўзи” газ. 29.11.2002

АГАТА КРИСТИ КИМ?

Саргузашт ишқибозлари Агата Кристини кинофильмлар, сериаллар оркали яхши танийди. Агата Кристи 78 та детектив ва 6 та ишқий роман, 19 та сахна асари ва кўпгина ҳикоялар муаллифидирки, уларнинг кўпчилиги 103 тилда нашр этилган ва Агата Кристи “Детектив романлар кироличаси” деб ном қозонган.

Агата Кристи 1890 йили Англиянинг Торни шаҳрида таваллуд топган. Қоп-қора чакноқ кўзлари туфайли агата деб аташгани шубҳасиздир. Агата ўзбекчада (кимматбаҳо порлоқтош) деган маънони билдиради. 1914 йили Биринчи Жаҳон уруши арафасида Арчибалд Кристи билан никоҳдан ўтадилар. Агата 1919 йилда унга жажжи қизалоқ ҳадя қилди, отини Розалинд кўйдилар. 1928 йилда Агата ва Арчибалд расман ажралишди. Арчибалд Агатадан бир ёшгина катта бўлиб, Лондон Ситида омадли қорчалонлардан эди. Агата билан ажрашгач, Нэнси Нилига уйланди. 1930 йилда Агата Кристи Ирокқа бориб, қадимшунослар билан бирга тарихий Ур шаҳрининг қазилмаларида иштирок этди ва шу ерда ёш, истеъдодли археолог Макс Мэллоуэн билан танишиб қолди. Агата қирққа қирган, Макс эса 26 ёшда эди. Тарбияли, маълумотли, диди биланд бу йигит билан ўрталарида севги пайдо бўлди. Шу йилнинг 11 сентябрида уларнинг тўйлари бўлди. Ёшларидаги 14 йиллик фарқ бу муҳаббатга заррача салбий таъсир кўргиза олмади. Улар 46 йил бирга яшадилар. Бу вақт ичида Агата бошқа асарларидан ташқари 78 та роман ёзди. 1968 йили Макс Мэллоун Британия қадимшунослиги олдидаги буюк хизматлари учун рицарлик шарафи билан тақдирланганди, 1971 йили Агата Кристи эса Британия

Империясининг командор-ҳокими ордени билан мукофотланди.

Агата Кристи 86 ёшда вафот этади.

ДУНЁГА МАШҲУР КИШИЛАР

Исми, фамилияси, вазифаси	Туғилди	Вафот эти	Ҳукмронлик йиллари	Хотин- лари	Бола- лари
Александр Македонский	356	323	15	5	7
Жалолоддин Мангуберди	1199	1231	11	2	3
Чингизхон Темучин	1156	1227	41	4	6
Амир Темур Кўрагоний	1336	1405	35	9	6
Абул Ғозий Баходирхон	1603	1664	20	4	7
Мухаммад Раҳимхон Феруз	1844	1910	47	2	8
В.И.Ленин (Ульянов)	1870	1924	6	1	-
И.В.Сталин (Жугашвили)	1879	1953	31	3	4
Л.И.Бережнев	1906	1982	18	1	2
Ш.Р.Рашидов	1917	1983	24	1	4
М.С.Горбачев	1931	-	6	1	2
Б.Н.Ельцин	1931	2004	10	1	2
Г.Жуков (Маршал)	1916	1973	15	2	4
И.Каримов	1938	2016	27	1	2
Фидель Кастро	1917	2016	50	1	3

Яхшини ўйлаб фикр қил,

Ёмонни ўйлаб шукур қил.

(Мақол)

Комилжон Нуржонов халқаро “Олтин мерос” жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси, ўлкашунос олим.

Бунга эътибор қилинг!

1. Жамшид – “Шохнома”да айтлишича, Тахмураснинг ўғли, Беруний келтирган далиллар бўйича унинг укасиدير. Шу манбаларга кўра, Жамшид давлат тузумига асос солган қадимги Эроннинг афсонавий шохларидан бири.
2. Сулаймон – “Таврот”даги подшо Соломон.
3. Ҳисрав Парвез – Сосонийлар сулоласидаги подшоҳлардан, 598-628 йиллар ҳукмронлик қилган.
4. Ҳандақ жанги – 628 йилда Муҳаммад пайғамбар томонидан Мадинани маккаликлардан ҳимоя қилиш учун бўлган жанглардан бири.
5. Аристотель – Арасту, Александр Македонскийнинг мураббийси бўлган.

Улугбек Исмаилов

СЎНГ СЎЗ

Мавзулар, кейинги тўпламда янгиликлар билан давом этади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	4
I-ҚИСМ	
Истиклол йилларида Хоразмда мустақиллик солномаси (2002-2011 йиллар).....	8
Ўтмишида Ватанга садоқат, Ватан ҳимояси.. (давоми)	
Жалолоддин ва Ойтўлин.....	25
Ватан қадри.....	33
Хонларнинг иш қуни (давоми)	
“Рус элчиси” хон қабулида.....	35
Вазири Акбар – Саййид Ислоом хожа.....	40
Хон тахтининг тақдири.....	43
Хоразм хонлари шажараси.....	45
II-ҚИСМ	
Буюк сиймолар (давоми)	
Султон Жалолоддин Мангуберди.....	47
Мавлоно Жалолоддин Румий.....	48
Паҳлавон Махмуд.....	50
Муҳаммад Ризо Огаҳий.....	51
Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз.....	55
Маишхур кишилар (давоми)	
Кутлов, Эркин Самандар.....	58
Ортиқ Отажонов.....	61
Дўстларга ҳурмат.....	63
Хулқ, одоб-ахлоқ, сабр-тоқат ҳақида ҳикматлар, ривоятлар, ҳикоялар (давоми)	
Донолар бисотидан.....	80
Можародаги хулқ-атвор қоидалари.....	81
Абу Райхон Беруний Наврўз ҳақида.....	82

Ҳикоялар.....	85
Ҳайрат. Умар Хайём таквими.....	86
Ибратли сўзлар (давоми)	
Муҳаммад Сиддик Рушидий.....	90
Ҳукмдор ва доно вазир.....	92
Донолар хазинасидан.....	93
III-ҚИСМ	
Шарқнинг буюк аёллари (давоми)	
Биби Убайда ва бувайдаликлар.....	97
Туркистон аёл кўрбошилари қисмати.....	99
Шакархон кўрбоши.....	100
Нодира қиз.....	101
Она кутган кун.....	102
“Қаттиқ гапирманг”.....	104
Аёл кудрати.....	105
Дафтар хошиясидаги битиклар.....	105
Аёл мадҳи.....	106
Аёлни яратди.....	107
Мозий ва маънавият.	
Пиру бадавлатлик асрорлари.....	108
IV-ҚИСМ. (Давоми)	
17- Шахмат бўйича жаҳон чемпиони ўзбек ўғлони –	
Рустам Қосимжанов.....	111
Ўзбекистонлик солиқчи – гроссмейстер.....	112
Олтинчи чемпион: Миҳаил Ботвинник ҳақида.....	113
Шахмат бўйича жаҳон чемпионлари.....	115
Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ французча	
federation international des echecs, FIDE) ҳақида.....	116
Жаҳоннинг энг машҳур кутубхоналари.....	118
Дунёда китобга ҳайкал ўрнатган мамлакатлар.....	119

Ҳар бир киши ўқиб чиқиши тавсия этиладиган	
100 та китоб – нодир адабиёт дурдоналари.....	120
Хоразмда илм масканлари.....	122
Маъмур академиясида маънавий ишлар.....	122
Дунёнинг машҳур институт ва университетлари.....	127
V-ҚИСМ	
Ўқинг! Билиб қўйган яхши, бу қизиқ! (давоми)	
Сўз тагида сўз бор.....	130
Таквимлар тарихи.....	132
Кўллар сувга тўлмоқда.....	132
Ноёб тут навлари коллекцияси.....	133
Қайси дарахт баланд.....	134
Чинор.....	134
Кит сутида хосият кўп.....	135
Фаришталар – кўриқчи.....	135
Хут – ют.....	136
Узукнинг хосиятлари.....	138
Хотира.....	140
Гўзаллик.....	141
Бозордаги солиқ турлари.....	141
Ўлчов бирликлари.....	142
Сайёр дарахтлар.....	143
Ўқувчилар авторучкаси.....	144
Компас қаерга олиб боради?.....	145
Ўзимизга бир назар.....	145
Ўтмишдаги машҳурлар ҳаётидан.....	148
Агата Кристи ким?.....	150
Дунёга машҳур кишилар.....	151
Бунга эътибор қилинг!.....	152

Х
Х
И
М
Х
Д
И
Л
Б
Т
И
Л

Хоразм Маъмун Академияси
ИСТИҚЛОЛ БИЛАН ЁНМА-ЁН
2002-2011

Хоразм

2

тўплам

Масъул муҳаррир: **МАШАРИБ АБДУЛЛАЕВ**

Техник муҳаррир: **БОБУР ИСМАИЛОВ**

Саҳифаловчи дизайнер: **МУҲАЙЁ МУСАБЕКОВА**

Дизайнер: **ЖАМШИД МУСАЕВ**

Босмахонага берилди: 26.11.2020

Босишга рухсат қилинди: 30.11.2020

Бичими 60x84 1/16

Ҳажми: 8.75 б/т

Адади: 500

Буюртма: 9

Тўплам: Тузувчи маблағи ҳисобидан чоп этилди.

УЛУҒБЕК ИСМАИЛОВ

Исмаилов Улуғбек Исламович - Она ватанимизни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган ташаббускор фаол жамоатчи, 1961 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини Урганч аэропортида оддий ишчи вазифасидан бошлаган. Маълумоти олий:



- Тошкент Давлат чет тиллар институти инглиз тили факультетини;

- Урганч Давлат университети иқтисод факультетини;

- Тошкент Халқаро Дипломатия ва Иқтисодиёт университети қошидаги бошқарув институтини;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Давлат ва жамият қурилиш” академиясини тугатган.

-Хоразм вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи;

-“Урганч Принт Колор” МЧЖ директори;

муқаддас Авесто китобининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъmun академиясининг 1000 йиллигига бағишланган Хоразм ҳақиқати газетасининг рангли махсус сонлари ҳамда “Хоразм”, “Хоразм қовунлари” рангли альбом-китоблари Улуғбек Исмаиловнинг маъсул раҳбарлигида чоп этилган.

-“Ошиқнома” достони, “Гурлан тарихи”, “Урганч ганжинаси”, “Мурувват чоғи”, “Қўш эл фарзанди” тарихий, публицистик асарлари, “Қорақалпоқнома” қасидаси Улуғбек Исмаиловнинг техник муҳаррирлигида нашрдан чиққан.



URGANCH
PRINT
KOLOR

ISBN 978-9943-6841-8-8



9 789943 684188